

2
153

23/2

29.11.08


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ДИН ФАЛСАФАСИ

ўқув қўлланма

2035741



ТОШКЕНТ – 2011

291.1 (375.1) /045.8) Филология
религии

Ўкув кўлланмада диннинг ижтимоий-тариҳий моҳияти, функциялари, маънавий маданиятнинг структуравий элементи сифатидаги хусусиятлари таҳдил қилинган. Дин ҳакидаги фалсафий қарашлар эволюциясида ворислик ва янгиланиш диалектикасининг ўрни, глобаллашув шароитида диний ҳаётда юзага келаётган тенденциялар очиб берилган. Айни пайтда, диннинг жамият ҳаётида туттан ўрни ва унинг истиқболлари билан боғлик масалалар тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан молиялаштирилаётган ИТД 4-156 “Ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг мазмуни ва ўкув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш” мавзуидаги илмий-услубий лойиха доирасида яратилган мазкур ўкув кўлланма олий таълим тизими бакалавр босқичи диншунослик мутахассислиги талабалари ҳамда дин фалсафаси, диншунослик билан қизиқувчи кенг ўкувчилар оммасига мулжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор А.Маннонов

Ўкув кўлланманинг “Кириш” кисми, 1-бўлимнинг 2-мавзуси, 3-бўлимнинг 6-мавзуси, 4-бўлимнинг 10-мавзуси ҳамда “Хулоса” кисми фалсафа фанлари номзоди У.Қўшаев, 1-бўлимнинг 1-мавзуси фалсафа фанлари доктори, профессор А.Очилдиев, 2-бўлимнинг 3,4-мавзулари, 3-бўлимнинг 7-мавзуси фалсафа фанлари номзоди Б.Валиев, 2-бўлимнинг 5-мавзуси, 4-бўлимнинг 8,9-мавзулари Ж.Каримов томонидан ёзилди.

Такризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор А.Абдусамедов
фалсафа фанлари номзоди, доцент Д.Пўлатова

Ўқув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўнимтанинг 1753-сонли (7 сентябрь 2011 йил) тавсиясига
башланган чоп этилди.

КИРИШ

XX аср ажойиб илмий қашиф иётлар асри, инсон Коинот сирлари кўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва гоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга, бу асрнинг охири диний қадриятларнинг уйгониши даври, вазмин, бехуда уринишлардан холи диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиши даври бўлди.

Ислом Каримов

Узбекистон азалдан кўп миллат ва элат вакиллари тинчлик ва фаровонликда ҳаёт кечириб келаётган диёрдир. Кўп мизгатлилик ва кўп конфесиялилик шароитида дин тўғрисида фалсафий билимларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, дин фалсафаси фани бўйича яратилган ушбу ўкув кўлланма энг аввало, ана шу объектив заруриятдан келиб чиққанини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаёт, миллый ва демократик тараққиётнинг уйғунлиги миллат, мамлакатнинг юксалиб, дунёга юз тутиш жараёни ёш авлоднинг маънавий киёфаси, тафаккур тарзи, диний ва умумисоний қадриятларни ўзлаштиришдаги кўникма ва билимларига чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, хозирда дин ва фалсафани инсоният тафаккури ривожининг икки ажралмас қисми сифатида ўрганиш, кишилик жамияти қадриятлари тизимида алоҳида ўрин ва мақомга эга бўлган мазкур илмларнинг муштарак ва фарқли томонлари ҳамда улар уйғунлиқда ҳосил қилган таълимотларнинг хусусиятларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, “...дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат

тұғрисидаги орзу-армонларини үзіда мужассам эттан, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаёттанғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимиدير”¹.

Шу маңнода, дин фалсафаси фанининг ўқитилиши талабаларда абстракт, таҳлилий фикрлаш қобилятини ривожлантириш ва дин билан боғлиқ ижтимоий-сиеcий, маънавий-маданий жараёнлар, таълимот ва йұналишлар моҳиятига тұғри баҳо малакасини шакллантиришга катта ҳисса қушади.

Мазкур ўқув құлланмани яратылғанда күзланған мақсад – дин ва фалсафанинг үзаро узвий муаммолари, дин феноменининг моҳияти, инсон ва жамият ҳәтига таъсири ҳақида яхлит ва тизимли тасаввур ҳосил қилиш, диний-фалсафий таълимотларнинг макон ва замон хусусиятларини очиб берілгенде иборат эканини таъкидлаш жоиз.

Дин фалсафасининг тадқиқот объекти жамият диний макони бұлса, унинг предмети сифатида барча даврларда Шарқ ва Farbda дин тұғрисидаги фалсафий ёндашув асосида яратылған қарашлар, таълимотлар ва концепциялар, диний тасаввурлар такомиллашиб боришининг энг умумий қонуниятлари, жағон динлари ҳәтидаги зарурый ва тасодиғий жиҳатлар, диний онг ва маданият диалектикасы, диндан турли хил мақсадларда фойдаланылғанда уринишларнинг сабаблари ва оқибатлари, диний қадриятларнинг мазмунни ва намоён булишипен асосий шакллари каби муаммолар билан боғлиқ масалаларни ажратып күрсатиши мүмкін.

Шу нұктай назардан караганда, дин фалсафасининг ривожланиши динге оид фалсафий таълимотларнинг асосий ғояларини таҳлил қилиш, уларнинг таснифини ишлаб чиқыш, дин фалсафасининг асосий ривожланиш босқичлари ва йұналишларини ўрганиш, диннинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги мазмунини чукурроқ англашы

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгілмес күч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 36 б.

қаратилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, истиқболда диннинг жамият маънавий ҳаётининг мухим белгиси сифатидаги функциясини янада кучайтириш билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиш каби вазифаларнинг самарали бажарилишига бевосита боғлиқdir.

Бундан ташқари, мутафаккир аждодларимиз илмий меросининг дин фалсафасига доир фикрлар тараққиётида тутган ўрнини очиб беришга йўналган тадқиқотларни мунтазам равишида олиб бориш ҳам мазкур фан фидойилари зиммасидаги муқаддас бурчдир. Чунки, “Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму-уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан фурур ва ифтихор бағишилайди”¹.

Дин фалсафаси фани бўйича мазкур ўқув қўлланма талабаларнинг билими, кўнирма ва малакасига қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда тайёрланди. Хусусан, ундан ўрин олган мавзуулар бевосита диннинг моҳиятини очиб берувчи фалсафий таълимотларнинг вужудга келиши билан боғлиқ тарихий шарт-шароитлар, дин ва фалсафанинг инсоният истиқболи ва барқарор ривожига таъсири-нинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қилишга қаратилган. Айни пайтда, дин фалсафасининг моҳияти, тушунчалари, вазифалари ҳамда унинг диншунослик ва фалсафий фанлар тизимида тутган ўрни, диннинг келиб чиқшига доир турлича ёндашувларнинг вужудга келиши, илк диний қарашлар эволюцияси, дин фалсафаси тараққиётининг тенденциялари ва йўналишлари ҳақидаги факт ва далиллар ҳам талабаларга фанни атрофлича

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – сенгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 30 6.

ўзлаштиришда ёрдам беради.

Шунингдек, ўкув кўлланмани тайёрлашда талабаларнинг диннинг тизим сифатидаги таркибий қисмлари, диний дунёқарашга доир билимлар, қадриятлар ва идеалларнинг ўрни ҳамда функциялари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, диний фаолият ва муносабатларнинг моҳияти, мустақиллик шароитида диннинг таркибий қисмларида содир булаётган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари, диний қадриятларни тарқатиш жараёнининг ижтимоий-тарихий ўзгарувчан характеристери ва ривожланиш тенденциялари бўйича амалий кўникмаларга эга булиши ҳам алоҳида эътиборга олинганини таъкидлаш жоиз.

Ўкув кўлланмани яратишида фаннинг ўкув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлигига риоя этиш мақсадида дин фалсафасининг “Фалсафа асослари”, “Фаннинг фалсафий масалалари”, “Тарих”, “Диншунослик”, “Хукукшунослик”, “Маънавият асослари”, “Социология”, “Психология” ва бошқа шу каби фанлар билан бевосита боғлиқлиги инобатта олинди.

Ўкув кўлланма матни уни ўқитишида замонавий таълимнинг илфор ахборот ва педагогик технологияларини қўллаш учун бой илмий, фактологик материалларни ўз ичига олган. Хусусан, қўлланмада ўз аксини топган маълумотлар турли экспресс сўровлар, тест саволлари, дастурий ўқитиши, давра сұхбатларини ўтказиш, коллоквиумлар ташкил этиши, муаммоли ўқитиши, илфор техник воситаларни қўллаш ва бошқа усуслардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш имконини беради.

Дин фалсафаси фани бўйича яратилган мазкур ўкув қўлланма мустақил Ўзбекистондаги илк тажрибалардан бири эканини таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, унда барча муаммолар ўз ечимини тўлиқ топган деб бўлмайди, албатта. Шунинг учун, муаллифлар мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар, тадқиқотчи ва

талабаларнинг кўлланма юзасидан билдириладиган самимий фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсияларини қабул қила-дилар ва уларга олдиндан миннатдорчилик изҳор этадилар.

Шундай бўлса-да, А.Очилдиев, Б.Валиев, У.Кўшаев, Ж.Каримовлардан иборат муаллифлар гурухи томонидан фаннинг намунавий ўкув дастурида асосида ёзилган ушбу кўлланма талабаларга диннинг мазмун-моҳиятини, юртимизда қарор топган диний бағрикенглик мухитини сақлаш, асрраб-авайлаш масъулиятини янада чукуррок англаб етишларига хизмат киласди, деб умид киламиз.

I БҮЛİM. ДИН ФАЛСАФАСИ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1-мавзу. Дин фалсафасининг предмети, мақсад ва вазифалари

Дин фалсафасининг предмети. Дин ҳамиша кишиларни узаро муҳаббат ва меҳр-оқибатга, хайр-саҳоват ва яхшиликка, ҳимматлилик ва муруватлиликка даъват этган, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва ҳамжиҳатликни улуғлаган. Бундай ғоялар ва унга асосланган амалий хатти-ҳаракатлар эса адолат тамойиллари устуворлигига, бағри-кенглик анъаналари ривожига, гуманистик моҳиятга эга ҳаётий идеаллар шаклланишига замин яратиб, ижтимоий алоқалар ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланишига, тинчлик ва тотувликка, инсон баркамоллиги ва жамиятнинг барқарор тараққиётига замин яратган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт ғайриинсоний қўринишга эга бўлади, асрлар давомида дин негизида шаклланган, ҳалқ ҳаётининг ажralmas қисмига айланиб кетган қадриятларнинг барчаси рад этилишга олиб келади. Натижада инсон ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, ота-онасини ҳам, ўз миллати, ҳалқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади¹.

Президентимизнинг қайд этилган ва методологик аҳамиятта эга мулоҳазалари диннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятига эски андозалардан холи ҳолда ёндашиш, уни доимий ривожланиб борувчи тизим сифатида ўрганишни таъминлаш ҳаётий-амалий аҳамиятта эгалигини

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маъназият”, 2008.-93-94 б.

кўрсатади. Ушбу масалаларни муваффақиятли ҳал этишда дин фалсафасининг алоҳида ва ўзига хос ўрни бор.

Тафаккур шаклларидан бўлган тушунчалар матн ва мақсад моҳиятидан келиб чиқиб, турлича мазмун касб этиши, кенг ва тор маъноларда кўлланилиши мумкин. “Дин фалсафаси” тушунчаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Хусусан, кенг маънода у дин ҳақидаги фалсафий қарашларни англатади. Бундай талқинда дин фалсафаси фалсафа каби қадимий илдизларга эга бўлиб, асрлар давомида дин, унинг моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида шаклланган хилма-хил фалсафий қарашлар, ёндашуввлар ва таълимотларни қамраб олади. Тор маънода эса, дин фалсафаси фалсафий усуллар ва тушунчалар аппаратини ишга солган ҳолда динни ўзига хос ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида ўрганувчи мустакил фанни англатади.

Дин дин фалсафасининг билиш предмети ҳисобланиши, яъни “дин ўзи нима?” деган саволга жавоб излаши бир қарашдаёқ аниқдек туюлса-да, аммо ушбу ҳодисанинг талқини ҳамма вакт ҳам бир хил эмаслигини қайд этиш лозим. Зеро, дин, бир томондан, умуман, ўзининг моҳияти нуқтаи назаридан, яъни мавхум, метафизик маънода, иккинчи томондан, ўзининг конкрет намоён бўлиш шакли, хусусий ҳолатида тадқиқ этилиши мумкин. Ушбу икки ёндашув маълум маънода бир-бирини тўлдиради. Зеро, биринчи ҳолатда диннинг моҳияти ҳақида яхлит тасаввур хосил килинса, динга хос бўлган хусусиятлар ҳамиша конкрет шакл, кўринишларда намоён бўлишини инобатта олсан, иккинчи ҳолатда умуман динга хос хусусиятларни чуқуррок англаш мумкин бўлади.

Дин фалсафаси ўз предметини ўрганишда таянадиган методология конкрет фалсафий тизим, таълимотнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Шундай экан, диннинг фалсафий талқинини мантикий асослаш билан бирга

билишнинг адекватлигини таъминлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Билишнинг ҳақиқий (адекват)лигини таъминлашда олинган натижаларнинг мантикий ва назарий жиҳатдан зиддиятли бўлмаслиги гносеологиянинг муҳим қоидала-ридан бири хисобланади. Аммо умуман тўғри бўлган мазкур қоида конкрет фалсафий тизим, таълимот доирасида яратилган ва унга зинд бўлмаган, унинг асосий талабларидан ташқарига чиқмайдиган дин ҳақидаги қарашларни адекват деб хисоблашга замин яратади. Зеро, бундай ҳолатда биз дин ҳақидаги билимлардан кўра ушбу конкрет фалсафий тизим, таълимот ва унинг динга бўлган муносабати ҳақида кўпроқ билимга эга бўламиз. Чунки тадқиқотчининг шаклланиб бўлган қарашлари ва ёндашувлари таъсирида диннинг ўзи эмас, балки унга бўлган муносабат ёритилади. Демак, дин фалсафасида мантикий зиддият йўқ бўлган хуроса, қарашларни ҳақиқат, деб қабул қилиш етарли эмас. Ҳақиқат деб қабул қилинган билимларда диннинг моҳияти акс этиши лозим. Шундагина дин фалсафасидан дин ҳақидаги аҳамиятли натижаларни кутиш мумкин. Бунда объективлик тамойилига риоя қилиш ниҳоятда муҳим.

Объективлик тамойили дин фалсафасини ўз предметига реал мавжуд ҳодиса сифатида қарашни, тан олишни талаб этади. Бирок объективликни холислик билан чалкаштириш керак эмас. Холислик тадқиқотчининг ўрганаётган предметидан муайян даражада бегоналашувига ва шу туфайли унинг етарлича англанмай қолишига замин яратишими инобатта олсак, дин фалсафаси нуқтаи назаридан объективлик ва холислик бир хил мазмунга эга эмаслиги ойдинлашади.

Билиш предметини тушунишда субъективлик тамойили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тамойил билиш предметига у ёки бу шаклда дахлдорликни талаб этади ва унга нисбатан юзага келиши мумкин бўлган нохолис муносабатнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Умуман олганда, ўрганилаётган предметнинг реаллиги объективликни, уни тушуниш зарурати субъективликни талаб этади. Аммо ушбу икки тамойилдан факат бирин устувор аҳамият касб этмаслиги лозим. Хусусан, тарих ва замонавий вокелик объективлик тамойилининг мутлақлаштирилиши динга салбий муносабатни, унинг ашаддий танқидини келтириб чиқаришини кўрсатади. Субъективлик тамойилининг устуворлиги эса диннинг муайян шаклига алоҳида эътибор туфайли умуман дин феноменига хос хусусиятларнинг назардан қочирилишига ва билиш натижаларининг бир ёқлама бўлиб қолишига олиб келади. Демак, иккала тамойилнинг ҳам ўз ҳолича қўлланилиши динни адекват англаш жараёнига зиддир. Бундан дин фалсафаси ҳақиқатан ҳам дин феноменини билишга харакат қиласр экан, у том маънода диндан ташқарида бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Чунки дин фалсафасининг мақсади динни объектив ҳам, субъектив ҳам талқин этиш эмас, балки уни адекват назарий тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва тасвирлашдан иборат. Бу охир-оқибатда фалсафий-диний тадқиқотлар чатижаларининг умуман ва барча учун тушунарли ҳамда аҳамиятли бўлишига замин яратади. Ягона фалсафий тилнинг бўлиши эҳтимолдан ниҳоятда узоқ бўлса-да, билиш натижаларининг бошқалар учун ҳам тушунарли бўлишини таъминлаш ниҳоятда муҳимлигини таъкидлаш зарур.

Дин фалсафасининг асосий муаммолари. Дин фалсафасининг диншунослик фанлари тизимидағи ўрни, динни фалсафий тадқиқ этишнинг усуулари масаласини ҳал этиш у ўрганадиган муаммолар ичидага алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ушбу масаланинг муваффақиятли ечими унинг мақоми ва ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаб олишга ёрдам беради.

Бугунги кунда диннинг моҳиятига турлича ёндашувлар ва уларга асосланган турфа таърифлар мавжуд. Бу тадқиқот методологияси хилма-хиллигининг табиий ҳосиласидир.

Шу нүктай назардан қараганда, диннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўзига хослигини кўрсатувчи фалсафий таърифни ишлаб чиқиш ва уни шакллантиришга ёндашув тамойиллари мазмунини аниқлаш ҳам дин фалсафасининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, диннинг онтологик ва гносеологик асослари ва манбаларини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган масалаларда умумэътироф этилган методологик базани шакллантириш ҳам дин фалсафаси олдида турган муҳим муаммолар сирасига киради.

Диннинг моҳиятини англаш унга хос хусусияларнинг тизимли таҳлил қилиниши билан узвий боғлиқ. Шу маънода диний дунёқараш, онтология, гносеология, тафаккур ва тилнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этиш, бу борада мавжуд бўлган қарашлар ва ёндашувларда яқдилликка эришиш ҳам дин фалсафасининг муҳим муаммоларидан ҳисобланади.

Дин фалсафаси учун улкан аҳамиятга эга муаммолар қаторида Худо ҳақидаги теистик таълимотларнинг мазмуни, уларнинг юзага келиш сабабларини тадқиқ этиш, диний фалсафанинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, мазкур йўналишдаги қарашларни қиёсий ўрганиш билан боғлиқ масалалар мавжудлигини ҳам қайд этиш зарур.

Дин фалсафасининг фалсафий ва диншунослик фанлари тизимида тутган ўрни. Илм-фан ривожлашишининг илк босқичларида диншунослик алоҳида ва мустақил фан сифатида ривож топган. Аммо узоқ тараққиёти давомида диншунослик сертармок соҳага - дин феноменининг хилма-хил қирраларини тадқиқ этадиган фанларни ўзида бирлаштирган тизимга айланди. Бугунги кунда мустақил мақомга эга бўлган динлар тарихи, дин социологияси, дин психологияси каби фанларнинг мавжудлиги бунга далил бўла олади. Бу диншуносликнинг яхлит тизим сифатидаги ривожи конкрет фанлар тараққиёти

билан узвий бөғлиқ ҳолда кечәётганини, улар ўртасида интеграциялашув мавжудлигини күрсатади.

Диншунослик доирасида фанларга хос дифференциаллашув ҳам давом этмоқда. Бу диншунослик таркибида диннинг конкрет намоён бўлиш шаклларини тадқиқот предметига айлантирган ва кўплаб мустақил фанларни ўзида бирлаштирган йўналиш (тармок)ларнинг юзага келишига замин яратмоқда. Масалан, бугунги кунда Куръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ каби бир қатор фанларни ўзига қамраб олган исломшунослик диншуносликнинг алоҳида тармогига айланиб ултургани фикримизнинг исботи бўла олади.

Шу нуктаи назардан қараганда, дин фалсафасининг мустақил фан сифатида шаклланиши бир томондан, фалсафий билимлар, иккинчи томондан, диншунослик фани тармоклашуви ва мазкур жараёнда юзага келган интеграциянинг ҳосиласи ҳисобланади.

Фалсафа ва диншунослик муносабатлари доирасида динни фалсафий англашнинг ўзига шакли диний фалсафа (фалсафий теология) шаклланганини ҳам таъкидлаш зарур.

Диний фалсафа диний дунёқараш тамойилларидан келиб чиқадиган тасавурлар, гоялар, Яратувчи ва олам (онтология и метафизика), инсон (антропология), жамият (социология, историософия), билиш жараёни (гносеология и эпистемология), қадриятлар (аксиология) ҳақидаги қарашлар тизимини ўз ичига олади. Содда килиб айтганада, у дин компетенциясига кирадиган онтологик, антропологик, гносеологик муаммоларни фалсафий тушунчалар ва усууллардан фойдаланган ҳолда тадқиқ этади. Шу нуктаи назардан қараганда, диний фалсафа, бир томондан, фалсафий билимларнинг, иккинчи томондан, илоҳиётнинг таркибий кисми ҳисобланади.

Диний фалсафа дин фалсафаси каби диннинг моҳиятига эътибор қаратади. У фалсафий тафаккур натижаларига таянгани учун ўзида эътиқод ва рационаллик, дорматика ва

хурфикрлиликнинг бирлигини намоён этади, диннинг моҳиятида яширинган донишмандликнинг маъносини англаш учун имконият яратади.

Дин фалсафаси ривожи динлар тарихи, дин социологияси ва дин психологияси каби фанлар тараққиёти билан ҳам узвий боғлиқ. Хусусан, динларнинг ўтмишини унинг конкрет шаклларида тиклашга, диний эътиқоднинг турли кўринишлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва изоҳлашга хизмат қилар экан динлар тарихи фани конкрет динлар ва умуман диннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ривожининг у ёки бу даврига хос хусусиятларини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Дин фалсафаси дин ва ижтимоий воқелик ўртасидаги алоқадорликни ҳам назарий, ҳам эмпирик даражада ўрганувчи дин социологияси фани билан ҳам узвий боғлиқ. Хусусан, дин социологияси томонидан дин ва жамият ҳаётининг турли соҳалари ўртасидаги ўзаро таъсир ва акс таъсирга хос хусусиятлар, дининг пайдо булиши ва мавжудлигининг ижтимоий асослари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш жараёнида тўпланадиган эмпирик материаллар ва унга таянган назарий умумлашмалар дин ва диний ҳаёт ривожига хос қонуниятларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Дин фалсафаси ўз ривожида диний онгнинг ўзига хос хусусиятлари, структураси ва функцияларини белгилаб берувчи психологик ва ижтимоий-психологик омилларни ўрганувчи дин психологияси фани ютуқларига ҳам таянади. Жумладан, диндорлар онги ва ҳиссиётларининг конкрет ижтимоий муҳит ва шароит билан боғликлigi, диний маросимларнинг инсон рухиятига таъсири ҳамда диний жамоаларнинг ижтимоий-психологик структураси, мулокот, ишонтириш ва таъсир ўtkазиш механизmlарини ўрганиш билан боғлиқ ҳолатда тўпланган материаллар шахс ва жамият маънавий ҳаётида диннинг ўрни ва ролини тушунишга хизмат қилади.

Мустақиллик шароитида дин фалсафаси олдида турған долзарб вазифалар. Ҳар қандай фан ўз тадқиқот предмети ва вазифаларига эга. Ижтимоий тараққиёт доимий равишида улар ўрганадиган масалалар кўламига ўзгаришлар киритиши, мунтазам ўрганиб келган муаммоларининг янги кирраларини намоён қилиши мумкин. Бу, айниқса, доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган инсон ва жамият ҳаётининг турли томонларини ўрганадиган ижтимоий-гуманитар фанларда ёркин кузатилади.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янгиланиш кечеётган ҳозирги даврда бундай ўзгаришлар кўламли характер касб этиши, табиий. Бу ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий, маънавий-мафкуравий янгиланиш, ўсиш ва юксалиш жараёнини бошдан кечираётган, буюк келажак пойдеворини қураётган республикамиз илм-фанига ҳам тегишилдири.

Шу нуқтаи назардан караганда, дин фалсафаси олдида бир қатор долзарб вазифалар турганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, диннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятига эски андозалардан холи ҳолда ёндашиш, уни доимий ривожланиб борувчи тизим сифатида ўрганишни таъминлаш ҳаётий-амалий аҳамиятга эгалигини таъкидлаш зарур.

Ўзбек халқи ҳаётида диний-маърифий қадриятларнинг аҳамиятини, аждодларимизнинг фалсафий ва диний-фалсафий қарашларининг жаҳон фалсафий тафаккури ривожида тутган ўрнини холис ва тизимли ўрганиш, ёритиш эса дин моҳиятида яширинган донишмандликни янада теранроқ англашга хизмат қиласди.

Дин фалсафаси ривожига дунё халқлари олимларининг күшган ҳиссасини, динни фалсафий англашнинг турли шакллари ўртасидаги ўзаро таъсир ва бойиш жараёнини ҳар томонлама объектив ва илмий ёритиш унинг фан сифатидаги ривожланиш босқичларини, унга хос қонуниятларни чукурроқ тушунишга ёрдам беради.

Диний соҳага хос замонавий зиддиятлар ва уларни ҳал этиш йўлларини тадқик этиш, юзага келадиган муаммоларни прогноз қилиш ва зарур чораларни кўриш унинг йўналтирувчилик қудрати ва салоҳиятидан жамият тараққиёти ва инсон камолоти йўлида унумли фойдаланишга йўл очади.

Қайд этилган вазифаларнинг ижобий ҳал қилинини дин фалсафасининг янгиланишига, мустақил фан сифатида изчил юксалиш йўлидан боришига хизмат қиласди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дин фалсафаси нимани ўрганади?
2. Дин фалсафасида объективлик ва субъективлик тамоиллари қандай мазмун касб этади?
3. Дин фалсафаси ва диний фалсафанинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нимада?
4. Дин фалсафасининг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан узаро алоқаси ва таъсири нималарда кўринади?
5. Дин фалсафаси олдида турган қандай долзарб вазифаларни ажратиш мумкин?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Дин психологиясининг тадқикот обьекти.
2. Диний фалсафанинг асосий вазифалари.
3. Буддавийлик динининг ижтимоий-тарихий хусусиятлари.
4. Фалсафа фанининг умумметодологик функцияси.
5. Дин социологиясининг асосий соҳалари.

2-мавзу. Дин фалсафаси ривожланишининг асосий босқичлари

Антик давр файласуфлари таълимотларида дин тұғрисидаги ғояларнинг асосий хусусиятлари. Дин туфайли инсоният илк маңнавий-аҳлоқий, ҳуқукий муносабатлар асосларига зәға бүлгән. Эстетик ва аҳлоқий идеаллар айнан дин доирасыда шаклланған, илхом манбай бүлгән, ижодий фаолиятта мавзулар ва сюжетлар хилма-хиллигини таъминлаган. Диний таълимотлар доимо маданият тизимида марказий үрин туттган: улар инсоннинг баркамоллик, атроф олам ва жамиятни маңнавий ва эстетик идрок этишга бүлгән интилишларини ифода этиб, бадий ижод ҳамда маңнавий изланишлар жараённанда үзиге хос мүлжал булиб хизмат қылған. Шунингдек, диний таълимотлар тарихий ҳодисалар, инсонлар, халқлар ва давлатлар үртасидаги үзаро муносабатларга фаол таъсир курсатиб келған.

Антик Юнонистанда (эр. ав.VIII-II асрлар) күлами жиҳатидан турли шаҳар-давлатлар, полислар мавжуд эди. Полисларнинг үзиге хос хусусияти энг аввало, шунда эдикі, улар аник ажратилған иккі тоиға, яғни ҳуқуқларга зәға бүлгән гражданлар ҳамда ҳуқуқлардан маҳрум қуллар ва келгиндилар иборат эди. Шунингдек, барча гражданларнинг давлат бошқаруви ишларыда иштирок этиши ҳам полисларнинг жиҳатларидан бири бүлгән.

Табиий равишда, ушбу иштирок орқали кишиларда шахсий аҳамиятини англаш даражаси ортиб бориб, натижада, уларда нафақат сиёсий, балки муайян маңнода маңнавий әрқинлик ҳиссини ҳам ривожланишига олиб келди. Юнонистанда руҳонийлар табақаси шаклланмади, балки руҳоний лавозимини одамлар сайловлар орқали муайян муддат әгаллайдиган бўлди. Жамиятнинг ҳар бир тенг ҳукукли аъзоси диний маросимларни бажариши мумкин эди. Дин антик Юнонистронда устувор үрин тутмас

эди. Унинг асосан интегратив функцияси намоён бўлиб, полис тузумини муқаддаслаштиришга хизмат қилган. Бошқа юртдан келганларга юонон Худоларини таҳқирла-маган ҳолда ўз динларига эътиқод қилишга имконият берилган.

Умуман олганда, антик дунёдаги виждан эркинлиги унсурлари полислардаги демократик бошқарув шакли туфайли мавжуд эди. Энг журъатли мутафаккирлар авторитетларга қарамасдан, ўз фикр ва қарашларини ифода этиш эркинлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурғанлар.

Милет мактабининг асосчиси эр. ав. VI асрда яшаб ижод этган Фалес ва унинг шогирдлари Анаксимандр ва Анаксимен борлиқни дастлабки ибтидо-асос – сув, ҳаво ва апейрондан келиб чиққанини таъкидлаганлар. Шу тариқа, улар олам ва одамнинг Худолар иродасининг натижаси экани ҳақидаги таълимотларга қарши чиқиб, оламнинг табиий келиб чиқиши тұғрисидаги назарияни асослашга уринганлар.

Милетликлардан сұнг Эфеслик Гераклит (Эр. ав. 520-460 йй.) ҳам эркинлик ғояларини илгари сурған ҳолда, оламни илохий келиб чиқиш сабабларини инкор этган. Жумладан, у: “Оlam яхлит ва у ҳеч бир Худо ва одам томонидан яратилмаган, балки азалдан бўлган ва қонуниятлар асосида аллангаланиб, қонуният асосида сұнувчи олов сифатида абадий мавжуддир” деб ёзган. Гераклит фикрича, инсон ҳам оловнинг үткинчи ҳолатларидан бири бўлиб, унинг қалби (“психея” – юононча, “қалб”) сувнинг буғланишидан пайдо бўлади ва унинг ривожланиши оловга боғлиқдир.

Атоқли файласуф Демокрит (эр. ав. 460-370 йй.) ўз ижоди билан хурфиклилик фалсафасини ривожланиши-нинг янги босқичига асос соглан. У оламнинг тараққиётини гайритабиий кучларга эмас, балки ўзининг атомлар тұғрисидаги таълимотига таянган ҳолда асослашга ҳаракат қилган. Демокрит оламнинг яратилгани, рухнинг абадийлиги ва Худонинг одамлар ҳаётига аралашуви

ҳақидаги ғояни инкор қилған. Унинг фикрича, диний қарашлар одамлардаги құркув ва нодонлик, табиат күчлари олдидаги оқизлик оқибатида келиб чиқкан.

Демокритнинг ғоялари кейинчалик Эпикур (эр. ав. 341-270 йй.) қарашларыда давом эттирилди. Үз навбатида, ушбу файласуф динийликнинг асосида құркув ҳисси ётиши ҳақидаги фикрга құшилған ҳолда, бу энг аввало, одамларнинг үлім олдидаги құркуви эканини таъкидлайди. Эпикур фикрича, нарса ва ҳодисаларнинг мөхиятига кириб бориш орқалигина үлім құркуви ҳиссидан халос бўлиш мумкин. Демокритнинг атомлар назариясига таянган ҳолда, у оламни абадий ва чексиз деб ҳисоблаган.

Антик дунёда эр. ав. V асрда “ёлғонлар назарияси” деб номланган, асосчилари ва намоёндалари бизга номаълум бўлған оқим пайдо бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ушбу назарияга биноан, дин бир гурух одамлар томонидан бошка гурух одамларни алдаш учун ўйлаб топилган ҳодисадир. Бу нуқтаи назарни динни ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий позициялардан таҳлил қилған баъзи софиистлар ҳам қўллаб-қувватлаган. Улар диннинг фойдалилик ҳусусиятини инкор этмаган бўлсалар-да, бироқ унинг илохий эмас, балки инсонлар томонидан шакллантирилган ҳодиса эканини таъкидлаганлар. Жумладан, софиист Критий (эр. ав. 460-403 йй.) ўзининг “Сизиф” номли трагедиясида дин буюк давлат арбоблари томонидан инсонларни жиловлаш ва жиноятчиликка қарши кураш учун ўйлаб топилгани ҳақида, “Улар қонунларни ҳурмат қилмайдиган одамларни қўрқитиши учун хаёлий мавжудлик Худони момақалдироқ ва чақмоқлар билан осмонга жойлаштириб қўйганлар”, - деб ёзган. Критийнинг диннинг социал функциясининг аҳамиятини англаб етгани алоҳида эътиборга молик. Файласуф, дин – инсон ақлининг маҳсули экан, демак у жамият учун фойдалидир, деб ҳисоблаган. Айни пайтда, унинг фикрича, бир Худога оммавий сиғинищ асоссиз

ҳолат. Чунки, қанча одам бўлса, шунча қараш, тасаввур ва эҳтирос мавжуд.

Шу тариқа Критийдан кейин ҳам кўплаб софистлар мифологик қарашларнинг чинлигига шубха билан қараганлар ва Худоларнинг мавжудлиги билан боғлиқ саволларга масаланинг ноаниклиги ҳамда инсон умрининг қисқалиги учун жавоб бериш мумкин эмас, деб хисоблаганлар.

Шундай килиб, қадимги юононларнинг атомлар ҳақидаги таълимотлари доирасида оламнинг абадий ва чексизлиги ҳам унинг илоҳий иродадан эмас, балки табиий қонуниятлар асосида келиб чиққани ҳақидаги ғоялар ўз ифодасини топди.

Қадимги юонон файласуфларининг дин ҳақидаги қарашлари орасида Сукротнинг ғоялари алоҳида ўрин тутади. **Хусусан**, Сукрот бу борада софистларнинг тадқикот обьекти бўлган индивидуал инсон ғоясига қарама-қарши бўлган инсоният учун умумий бўлган маънавий асоснинг мавжудлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Шунингдек, файласуф аҳлоқий мавжудот сифатида инсон фалсафасини ўрганиш зарурлиги, табиат фалсафасини тадқик этиш нафақат кераксиз, балки зарарли машғулот эканини таъкидлаган. Ушбу жихат кўпгина мутахассислар томонидан Сукрот назариясининг чекланган характерга эга экани ҳақидаги хуласаларига асос булиб хизмат қилган.

Маълумки, антик Юнонистонда кўп худолик шароити ҳукмрон бўлган. Шу маънода, Ксенофан ўша даврларда якка худолик, яъни монотеизм ғоясини илк маротаба илгари сурган файласуф ва шоир сифатида тарихдан ўрин эгаллаганини таъкидлаш жоиз. Гомер ва Гесиод томонидан Худоларнинг талқин этилиши ҳамда ўша даврда кенг тарқалган диний қарашлардаги хатолар ва беъманиликлар аллома ижодидаги марказий муаммолардан ҳисобланган. Жумладан, файласуф диний тасаввурлардаги ҳаддан зиёд антропоморфизмни танқид остига олган. Унинг фикрича,

Худолар шу даражада одамлар каби тасвирланади-ки, улар сифат жиҳатдан эмас, балки, факатгина миқдорига кўра инсонлардан фарқланиб қолган. Мазкур ҳолатни танқид қилган ҳолда, Ксенофан, “агарда ҳайвонлар чизишни билганларида, улар Худоларни ўзлари каби тасвирлаган бўлардилар; эфиоплар қора ва кенг бурунли бўлганлари учун Худони қора сочли ва япалоқ бурунли кўринишда тасвирлайдилар, бошқалар эса, ўзлари мовий кўз ва сариқ сочли бўлганлари учун, илоҳларини ҳам худди шундай тасаввур қиласдилар. Бундан ҳам ачинарлиси шундаки, инсонлар ўзларида мавжуд ҳам яхши, ҳам ёмон барча хусусиятларини Худоларига ҳам нисбат берадилар”, деб ёзади.

Шундай қилиб, Ксенофан томонидан ишончга нолойик, деб топилган нафақат, анъанавий ҳисобланган Худолар, балки уларга сифинганлар ҳам, ўзларини буюк билган кўплаб шоирлар ҳам қатъий танқид остига олинган. Бундан ташқари, Ксенофан табиат ҳодисаларини афсоналаштиришга ҳам қарши бўлган. Масалан, у Ирида маъбудаси ҳақида: “Ирис деб аталадиган нарса, аслида, қизил, мовий, яшил каби рангларда кўринадиган булутдир”, - деб ёзганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Сирасини айтганда, Ксенофан ўзининг теран рационал ёндашуви билан дин тўғрисидаги нохолис қарашларга барҳам беришга уринган илк файласуф сифатида тарихдан ўрин олган.

Қадимги юонон файласуфлари орасида Критийнинг дин тўғрисидаги қарашлари ўзига хослиги билан ажralиб туради. Аллома динни ва қонунга итоаткорликни тарбияловчи муҳим восита ҳамда жамиятни жиноятлардан тугиб турувчи куч сифатида талқин этган. Критий аслзода олим бўлиб, манбаларда унинг Платонга қариндош экани таъкидланади. Горгий ва Протагор сингари софистлардан таълим олган файласуф диннинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрнига юқори баҳо берган ва диннинг асосий

функцияси инсонлараро муносабатларни тартибга солишдан изборат эканини таъкидлаган.

Кўнха маданият ўчокларидан бири – Қадимги Римда ҳам дин тўғрисидаги илмий фикрлар ривожлантирилган. Хусусан, Август ҳукмронлиги даврида файласуф Тит Лукреций Кар (эр. авв. 99-55 йй.) ўзининг бу борадаги танқидий қарашлари билан машҳур бўлган. Эпикурнинг фаол издоши бўлган файласуф ўзининг “Нарсаларнинг табиати” поэмасида: “ким ҳам чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлаганда қўрқиб, даҳшатга тушмайди, дейсиз... шундай ҳолатларда одам Худоларга илтижо этиб, чақмоқнинг тинишини ёлвориб сўрайди”, - деб ёзган. Лукреций фикрича, қўркувнинг яна бир кўриниши мавжуд. У ҳам бўлса, одамнинг ўлим олдидаги қўркувидир. Аллома бу борада катор фикрларни илгари суриб, инсонларни қўркувнинг ушбу туридан халос қилишга интилган. Шунингдек, Қадимги Рим олими фикрича, тушлар ҳам хатолар ва янглишишларга сабаб бўлади. Айни пайтда, файласуф динни нотуғри тушунишнинг бош сабаби сифатида маърифатсизлик, билимсизлик, яъни жаҳолатни кўрсатади. Шу маънода, Лукреций Кар диний-фалсафий қарашлари марказини инсонларни диннинг жамиятда тутган ўрнини англашда маърифатга интилиш, табиат ва жамиятда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг илмий изоҳларини аниқлашга бўлган давват ташкил этади.

Яна бир файласуф – Цицерон ижодида эса, антик давр фалсафий тафаккуридан динни тадқиқ қилишга бағишлиланган методологик ёндашувлар умумлаштирилганини таъкидлаш жоиз. Алломанинг “Худоларнинг табиати” номли асарида динни таҳлил қилишга қаратилган катор принциплар ўз аксини топган. Цицерон, энг аввало, фалсафани диндан ажратиб олишни мақсаддага мувофиқ, деб ҳисоблаган. Чунки файласуф фикрига кўра, баъзи нарсаларни ишонч билан, бошқаларини эса, илмий тушунчалар орқали англаш мумкин. Олимнинг динни

тадқиқ этиш учун илмий билимлар захираси ва қатъий рационалистик позицияга эга бўлиш зарурлиги тўгрисидаги ғояси бугунги кун учун ҳам мухим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Цицерон турли фикр ва қарашларни объектив, холис ва сидкидилдан изоҳлашга даъват килган. Шубҳа, қизиқиш унинг асосий методологик тамойилларидан ҳисобланган. Унинг фикрича, барча нарса, ҳодисалар борасида баҳслашиш зарур, ҳеч қачон бир зумда якуний фикрни баён этишга интилиш керак эмас. Фикрларнинг чинлиги ўринли исботларни келтириш орқали юзага чиқади.

Айни пайтда, Цицерон ўз даврининг ирим-сириларига қатъий карши чиқкан етакчи олимларидан бири бўлганини ҳам таъкидлаш жоиз. Файласуф иримларнинг ноўрин ва мантиқсиз эканини асослашга қаратилган ёрқин исботларни баён этган.

Алломанинг диннинг фалсафий жиҳатлари ҳақидаги қарашлари унинг қатор асарларида кенг ёритилган бўлса-да, бироқ улар келажакни олдиндан кўра билиш масаласига бағишлиланган “Башорат тўгрисида”, “Тақдир ҳакида”, “Худоларнинг табиати ҳакида” каби асарларида тўлик ва аник ифодаланган.

Қадимги Римда дин ва сиёsat бир-бири билан узвий боғлиқ эди. Агар, республика шароитида дин ва фалсафа масалалари билан факат алоҳида шахсларгина шуғулланган бўлсалар, Цицерон даврида сиёсий гурухлар ўргасида зиддиятларнинг авж олиб бориши турли доиралар томонидан ушбу йўналишдаги масалаларга нисбатан қизикишнинг кескин кучайишига сабаб бўлган. Шу маънода, Цицероннинг дин тўгрисидаги қарашларини ана шу тенденциянинг ҳосиласи сифатида баҳолаш ўринли.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш зарурки, антик давр диннинг моҳияти ҳақидаги фикрларга бой давр бўлган. Антик файласуфлар қарашларига асос бўлган илмий метод ва ёндашувлар турли-туман ва кўп ҳолларда бир-бирига

қарама-қаршилиги билан ажралиб турган. Шундай бұлса-да, дин фалсафаси фанининг илк умумназарий заминлари, айнан антик давр мутафаккирлари томонидан илгари сурىлган ғоя, қараңшыларда акс эттан.

Кейинчалик, антик давр файласуфларининг дин ҳақидаги қараңшлари Үрта асрлар муфаккирлари томонидан янги мазмун ва шаклларда ривожлантирилди.

Үрта асрларда Гарбий Европа ва мусулмон Шарқида дин ва фалсафанинг үзаро муносабатига доир қараңшларнинг ривожланиши.

Үрта асрлар фалсафа фани эволюциясида үзига хос үрин әгаллайди. Илмий-маърифий фаолият ривожланиши нұқтаи назаридан қараганда, зиддиятлар ва мураккабликларга бой бұлған бу даврда диний-фалсафий қараңшларнинг шаклланиши ҳам үзига хос йұналишларда кечди.

Әрамизнинг ilk юз ийлілкелерде Европадаги диний-маърифий ҳаётiga сколастика, патристика, апологеттика каби атамалар хос булып, улар Үрта асрларда дин фалсафаси тұғрисидаги билимларнинг устувор йұналиши, шакллари, усул ва воситаларини ifoda этади.

Маълумки, сколастика – юонча “scholastike”, “schole” – мактаб сұздан олинган булып, Үрта аср фалсафасида үз қараңшлари тизимини черков ақидаларига асосланиб шакллантиришга қаратылған илмий йұналишни англатади. Баъзи мутахассислар сколастиканы ҳаёт ва тажрибадан узид олинган, амалда чинлиги текширилмаган билим тарзидан ҳам талқын этадилар.

Шундай бұлса-да, сколастика Үрта асрлар фалсафасининг харakterli хусусияти ва диний ҳаёт билан бевосита боғлиқ ҳодисадир. Шу нұқтаи назардан қараганда, унинг мөхияттін түшүнүш, у даврларда дин ва фалсафанинг үзаро муносабати ва умуман, дин тұғрисидаги фалсафий билимларнинг ривожланиш тенденцияларини теранрок аңглашып беради.

Ўрта асрларда схоластика фалсафий тафаккурни күллаб-куватлаш учун бирдан бир йўл бўлганини таъкидлаш жоиз. Зеро, гарчанд, схоластик фаолият тўғридан-тўғри черков манфаатларига хизмат қиласидиган ғояларни шарҳлаш, умумлаштириш, тарғиб этишга қаратилган бўлса-да, ортодоксал диний қобиқдаги таҳлил ва талқинлар жараёнида муайян рационал билимларни ҳам кенг халқ оммасига етказишга имконият берган. Элементар характерга эга саволлар доирасидаги муҳокама, мунозаралардан астасекинлик билан ҳаётий муҳим диний-фалсафий масалалар таҳлилига ўтиш схоластика эволюциясига хос бўлган хусусиятдир.

Шу тариқа схоластика Ўрта асрлар фалсафаси учун марказий ҳисобланган илмий муаммо – иймон ва ақлнинг ўзаро муносабатига доир масалалар тадқиқ этиладиган илмий-маърифий майдонга айланган. Пировардида, ушбу муаммо юзасидан схоластикада уч позиция шаклланган. Уларнинг биринчисига биноан, илк христиан патристикасида диний эътиқоднинг инсон акли тўғрисидаги ҳар қандай ғоялар билан сифиҳмаслиги тамойили устувор бўлган. Натижада, илк Ўрта асрлар фалсафий маданияти очиқдан-очиқ инкор этилган ва қабул қилинмаган. Иккинчи позицияда схоластика ривожланиб боргани сари дин ва фалсафани бир-бирига боғлашга бўлган уринишлар ўз ифодасини топган. Бунда, табиий равишда, фалсафа черков авторитетига бўйсундирилган ҳолда намоён бўлган. Ушбу ёндашув Ансельм Кентерберийский, Иоанн Скот Эригун каби илоҳиётчилар номи билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан “иймон келтираман, тушуммоқ учун” шиори илгари сурилган.

Схоластикадаги учинчи позицияга фалсафани инсон билишининг диндан мустақил соҳаси сифатида ажратиб кўрсатиш хосдир. Бунда, диний ақидаларни асослаш, уларни халқ учун тушунарли тилда баён этиш, мантикий таҳлил қилиш фалсафанинг асосий вазифалари этиб

белгиланган. Жумладан, Пьер Абелярнинг “тушунаман, иймон келтириш учун” деган ғояси схоластикадаги айнан шу ўзига хос илмий тараққиёт махсусли эди.

Апологетика (юончадан *apologeomai* – ҳимояси учун гапираман) атамаси ҳакида тұхталар эканмиз, унинг, эңг аввало, христианлик таълимотини ҳимоя қилишга қаратылған илохиёт соҳаси сифатида мазкур дин пайдо бүлған вактдан баштап шаклланганини таъкидлаш жоиз. Илмий адабиётларда Иустиннинг биринчи апологет бүлгани ҳакида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, апологетик ғоялар христиан динидаги бошка тарғиботчилар, апостоллар асарларида ҳам учрайди. Христианликнинг ilk ийларида илохиётта апология жанриннинг пайдо бүлгани ҳам апологетиканинг жадал суръатларда ривожланиб борганини күрсатади. Илк христианлик апологиялари асосан яхудийлик ва маҳаллий күп худоликка асосланған динларга қаратылған эди.

IV асрға келиб христианлик нисбатан барқарорлыққа әришгач, апологетиканинг мазмуни ҳам ўзгариб борди. Чунончи, апологиялар ташқи душманлар билан курашдан иймон ва эътиқод соғлигини ҳимоя қилишга йұналтирилди. Бу кураш асосан илохиётчилик характеристига зәға бүлған ва Черков ички ҳәётидаги гайриаҳлокий ҳатти-харакатларни олдини олишга қаратылған. Шу тарика, апологетиканинг йуналиши макон ва замон тақозоси, апологиялар объектининг хусусиятига күра ўзгариб бораверган.

Патристика (юонча “*pathr*”, лотинча “*pater*” – ота) II-VIII асрлардаги “чёрков отаси” деб ном олған христиан мутафаккирларининг теологик, фалсафий ва сиёсий-социологик доктриналарининг мажмунини англатувчи атамадир. Патристика II-III асрларда Тертуллиан, Климент Александрийский ва Ориген каби апологетлар ижодида, IV-V асрларда эса, чёрков доктринасининг тизимлаштирилиши билан боғлик равишда Буюк Василий, Григорий Назианзин, Григорий Нисский ҳамда Августинлар

томонидан ривожлантирилган. VI асрдан эътиборан патристика христианлик ақидаларининг баркарорлашуви ва теология рахнамолигида фанларнинг таснифланиши шаклида ривож топиб, Леонтий Византийский, Бозий ҳамда Иоанн Дамаскин қарашларида назарий жиҳатдан мустаҳкамланган.

“Черков отаси” тушунчаси бир неча юз йилликлар мобайнида шаклланганини таъкидлаш жоиз. Даставвал ўқитувчи сифатида тан олинган маънавий устоз “ота” мақомига эга бўлган бўлса, кейинчалик христианлик ривожланиб бориши билан бу номга лойиқ топилганлар маҳсус ишлаб чиқилган қатъий мезонлар асосида саралаб олинадиган бўлган. Хусусан, “черков отаси” ҳаётининг ибратлилиги, қадимий анъаналарга содиклиги, қарашлари-нинг ортодоксаллиги ва черков томонидан расман тан олинганлигига кўра аниқланган. Барча бошқа христиан муаллифлари “черков ёзувчилари” деб юритилган. Табиийки, барча христиан муаллифлари ҳам “ота” сифатида тан олинавермаган. Бу борада қарашлари ортодоксаллик талабларига жавоб бермаган Тертуллиан ёки Оригенларни мисол қилиш мумкин.

Умуман олганда, патристика христианлик анъаналарини ривожлантиришга қаратилган теологик назария ва амалиёт сифатида Ўрта асрлар Farbий Европа ҳаётида муҳим ўрин туттган.

Юқорида биз шарҳлаган схоластика, апологетика ҳамда патристика каби категориялар христиан илоҳиётчилигига тааллукладир. Шундай бўлса-да, Ўрта асрларда дин фалсафаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда уларнинг мазмунини билиш муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик зарур.

Ўрта асрларда яшаб ўзидан улкан илмий-маърифий мерос қолдирган файласуфлар ижоди таҳлил қилинганда, ушбу тушунчаларнинг мазмуни янада ойдинлашади.

Христианлик монотеистик дини шакллангандан сүнг ҳам дин тұғрисидаги фалсафий билимларга интилиш тұхтамади. Патристика даври схоластика даврига үз үрнини бұшатиб берди. Бу вактда фалсафа ва теология чамбарчас боғлиқ соҳаларга айланды. Фалсафага диний қарашларни рационалистик талқын этиш учун мұлжалланган илмий методлар тизими сифатида қараш устувор бўлди. Фалсафага у ёки бу даражада мустақил мақом беришга уриниш “иккапланган ҳақиқат назарияси” доирасида амалга оширилди. Мазкур илмий йұналишнинг моҳияти қуйидаги коңда орқали изоҳланган: иккі бир-биридан мустақил ҳақиқатлар мавжуд – диний ва фалсафий, ва улар үзаро нафакат, номувофиқ, балки ҳатто, тұғридан-тұғри карама-қаршидир. Ибн Сино ижодида үз аксини топган ушбу назария Ибн Рушд орқали турли шаклларда Европа бўйлаб тарқалди. Сигер Брабантский, Иоан Д. Скот, У.Оккам каби олимлар иккапланган ҳақиқат назариясининг тарафдори эдилар. Схоласт доираларда фалсафанинг ҳақиқатни излаш борасидаги самарадорлиги тұғрисидаги фикр устувор эди. П.Абеллярнинг (1079-1142) “Файласуф, яхудий ва христиан үртасидаги диалог” номли китобида ҳам айнан файласуф яхудий ва христианни үзаро ҳақиқатни ойдинлаштириш учун учраштиради ва бунда муаллиф ҳакам сифатида намоён бўлади. Абелляр фикрига кўра, донишмандликнинг калити тинимсиз изланишда бўлиб, файласуф учун энг муҳими, ҳақиқатни ақл ёрдамида тадқиқ этиш ва фақат ақлнинг далилларига суюнишdir. Мутафаккир диннинг моҳиятини тушунишда файласуф авторитетларга мурожаат қилмаган ҳолда аргументлар танлаш эркинлигига эга экани, бу борадаги ҳар қандай фалсафий мушоҳада жараёнида авторитет охирги үринга қўйилиши ёки умуман эътиборга олинмаслиги ҳам мумкинлигини таъкидлаган. Абеллярнинг мазкур фикрлари унинг дин билан боғлиқ масалаларда илмийликка алоҳида ургу берганидан далил бўла олади.

Христианлик пайдо бўлгандан сўнг, яъни эрамизнинг илк йилларида дин ва фалсафа ўртасидаги ўзаро муносабат борасида янги давр бошланди ва у бутун ўрта асрлар мобайнида, қарийб 15 аср давом этди. Онгли ёки мажбурий ҳолатларга кўра фалсафанинг дин ва илоҳиёт мағфаатлари йўлида хизмат қилгани ушбу даврнинг сифатий хусусиятини ташкил этди. Фалсафани Муқаддас ёзув ақидаларига бўйсундиришга бўлган илк уриниш 1 асрда Александриялик Филон томонидан амалга оширилган бўлса, навбатдаги юз йилликларда ушбу мақсадга батамом эришилди.

Умуман олганда, ўрта асрларда Европада дин ҳақидаги фалсафий билимлар ўша давр фалсафа фани ва христианлик дини ўртасидаги ўзига хос ҳамкорлик доирасида ривожлантирилди. Расмий мағкура мақомини олган христианлик дини вакиллари фалсафа фанини илоҳиёт ақидаларини илмий асослаш ва уларни тарғибот қилишнинг таъсиричан услуг ва воситаларини ишлаб чиқишига хизмат қилдиришга уриндила. Шундай бўлса-да, бу даврда дин тўғрисида объектив таҳлилларга таянган янги билимларнинг пайдо бўлиши давом этди ва бунга қатор файласуфлар улкан ҳисса кўшдила. Улар орасида Аврелий Августин (354—430) ва Фома Аквинскийларни (1225—1274) алоҳида ажратиб кўрсатиш ўринли. Таъкидлаш жоизки, Ўрта аср даври файласуфларининг деярли барчаси илоҳиёт хизматчилари, руҳоний бўлганлар. Фалсафа билан шуғулланиш эса, улар учун ўзига хос иккинчи мутахассислик ҳисобланган. Уларнинг аксарияти черков ҳақиқатларини ўз қавмларига тўлиқро етказиш мақсадида фалсафага мурожаат қилганлар. Шунингдек, у даврда фалсафа билан илоҳиёт мутахассислари шуғуллангани боис, мазкур омил уларнинг фалсафий қарашларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Умуман олганда, Ўрта асрларда Европада маънавий, ижтимоий, илмий ҳаёт черковнинг тўғридан-тўғри ва қатъий назорати остида ривожланган.

Аврелий Августин ва Фома Аквинскийлар ҳам энг аввало, илоҳиётчи мутахассис эдилар. Теран диний-фалсафий қарашларининг кўп асрлар мобайнида христианлик доктринасига таъсир кўрсатиб тургани ҳам уларнинг христиан дини тарихида туттган ўрнини характерлайдиган жиҳат ҳисобланади. Уларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам теолог, ҳам файласуф сифатида намоён бўлганлари, ўша даврда фалсафа ва дин ўргасидаги ҳамоҳанглик, ўзаро таъсирлашувдан далолат беради.

Августин ўзининг илоҳиётчилик фаолиятида аввалги даврлардаги фалсафий билимларга, биринчи навбатда, Платон ғояларига таянган. Бошка томондан, унинг қатор ғоялари, гарчанд, диний қобикда бўлса-да, кўпроқ илоҳий эмас, балки, фалсафий мазмунга эга бўлган. Бу, ўз навбатида, Худо ва оламни дуалистик тушуниш, инсоннинг билиш имкониятларини тан олиш, замоннинг асосий категорияларини (ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак) тушунтиришга уриниш, шунингдек, инсон ва илоҳий тарихнинг бирлиги каби фалсафий изланиш шаклларида намоён бўлган. Августиннинг фалсафа ва илоҳиёт уйгунилигига доир қарашлари фалсафи ва илмий билимлар ривожланишига улкан хисса қўшган.

Фалсафа ва илоҳиётнинг ўзаро муносабати муаммоси Фома Аквинский ижодида ўзига хос ривожлантирилганини таъкидлаш жоиз. У христиан догмаларига асосланган диний эътиқод ва ўша даврдаги барча илмий-фалсафий билимлар мажмуини ўзаро таққослашга алоҳида эътиборни қаратди. Фома фикрича, фан ва дин ҳақиқатни англаш методларига кўра бир-биридан фарқланади. Фан ва фалсафа тажриба ҳамда ақлга таянади, дин – Муқаддас Ёзувга асосланади. Мутафаккир талқинига кўра, дин ва фан ҳақиқатни англаш йўлида бир-бирига қарама-қарши бўлмайди. Аксинча, фан ва фалсафа иложи борича христианлик догмаларини масалан, Худонинг борлиғи ва рухнинг абадийлигиги ғояларини илмий асослашга хизмат килади. Бирок, айни

пайтда, Фома илохий учлик ҳамда Исо Масихнинг қайта тирилиши каби ақидаларнинг инсон ақли етмайдиган даражадаги масалалар деб ҳисоблаган ва уларни илмий асослаш мумкин эмаслигини таъкидлаган. “Инсон ақлига таянадиган фалсафий билимлардан устун турадиган илохийликка асосланган фан булиши зарур” деб ёзади файласуф. Шу ўринда Аквинскийнинг: “Худо томонидан Муқаддас Ёзувда нимаики таълим берилган бўлса, уни иймон келтирмок зарур”, - деган фикрларини ҳам эслаш ўринли. “Иккиланган ҳакиқат назарияси” намояндадаридан фарқли равишда файласуф иймон ва ақлнинг ўзаро уйғун экани ҳақидаги ғояни илгари сурган ва бунда иймон, ишончни ақлдан, теологияни фалсафадан юқори даражада эканини маълум қилган.

Ўрта асрларда диннинг пайдо булиш сабабларини аниқлаш йўлида қатор уринишлар амалга оширилган бўлсада, бу борада яхлит концепция шаклланмади. Мазкур давр мобайннда дин ҳақидаги антик тасаввурлар янада ривожлантирилди, бироқ, диннинг ёлғон ва маккорлик ҳамда маърифатсизликнинг ҳосиласи экани ҳақидаги қарашлар ҳам сақланиб турди. Шунингдек, диннинг юзага келиши олам ҳақидаги билимларнинг тўпланиши, фалсафанинг пайдо булиши ва уни антропоморф тимсоллар орқали оммага етказишга бўлган сиёсий зарурият билан шартлангани тўғрисидаги қарашлар ҳам илгари сурилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта асрларда Европада христианликнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсири жуда кучли бўлган шароитда ҳам фалсафа ва диннинг биргаликда мавжуд булиши ва ҳатто, самарадор ўзаро таъсиrlашуви давом этган.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида диний-фалсафий фикрлар ривожи. Ўрта асрлар мусулмон Шарқида файласуфлар динларни ўрганишда киёсий таҳлил методига алоҳида эътибор беришган. Бу, албатта, алломалар томонидан динларнинг тарихий характерга эга экани ҳамда

турли динларнинг ўзига хос хусусиятларини тұгри очиб беришга бўлган кучли эътибордан дарак беради.

Абу Наср Форобий (870-950) ана шундай мутафаккирлардан бири ҳисобланади. Мутафаккир ўзининг “Ҳарфлар китоби” асарида фалсафа ва дин одамлар ҳодисалар хилма-хиллигининг сабабларини билишга интилғанларида пайдо бўлишини таъкидлайди. Бу жараёнда, аввало фалсафа, кейин эса, дин юзага келади. Фалсафий тафаккур даражаси юқорилаб боргани сари, инсонлар мавжуд билимларини тимсоллар ва рамзлар орқали акс эттира бошлайдилар. Айнан ана шу жиҳат динлар шаклланишининг асосий омилидир. Форобий фикрича, дин фалсафа тақлид қилиш бўлиб, у рамзий шаклларда содир бўлади. Шунингдек, аллома динлар баъзи фалсафий ғояларни халқлар онгига етказиш учун сиёсий зарурият туғилганда ҳам пайдо бўлишини таъкидлаган.

Диннинг моҳияти ва келиб чиқиши билан боғлиқ фалсафий масалалар Абу Райхон Беруний (973-1048) ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Қомусий аллома Қадимги Миср, Юнон, Рим, Хоразм, Сўғд, Форсий ҳамда хинд халқлари динини тадқиқ қилган. Тадқиқотлари натижасида Беруний ҳар бир дин унга зътиқод қиласидиган халқлар учун бирдек аҳамиятли экани түгрисидаги хуносага келган. Бошқача айтганда, мутафаккир динларнинг шаклан турлича, аммо халқлар маънавиятига таъсири нұктаи назаридан олиб қараганда, мазмунан тенглиги ҳақидаги фалсафий умумлашмани баён этган. Алломанинг объективлик, тарихийлик, қиёсий таҳлил, далиллаш методларига таянган ҳолда олиб борган изланишлари натижалари хозирги даврда ҳам муҳим илмий қимматини саклаб келаётганини таъкидлаш жоиз.

Ўрта аср мусулмон дунёсининг яна бир йирик мутафаккири Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашларида ҳам фан ва дин билан боғлиқ масалалар атрофлича тадқик этилган.

Ибн Сино (980 - 1037) ёшлик давридаёқ диний билимлар, антик дунё илмий мероси, мантиқ ва математика, физика, тиббиёт каби фанлар билан тизимли шуғуллана бошлаган. Үн етти ёшида Бухоро амирини даволагандан сўнг, у табиб сифатида машхур бўлган.

Фанларни таснифлашда Ибн Сино назарий фанларни, бир томондан, амалий фанлар билан, иккинчи томондан эса, қасб-хунар, ишлаб чиқариш, савдо-сотик, тиббиёт каби соҳалар билан бирлаштирган ҳолда акс эттирган. Ушбу фанларнинг ўзаро алоқалари тизимининг марказида метафизика жойлашган. Аллома метафизикани универсал ва илоҳий каби қисмларга ажратган. Биринчи қисм табиий фанларни ўрганишга қаратилган бўлса, иккincinnisi, аҳлоқ ва бошқа амалий фанларни тадқиқ этишга бағишлиланган. Шунингдек, файласуф талкинига кўра, нариги дунё ҳаётига доир билимлар ҳам амалий метафизикага тааллуқлидир.

Ибн Сино ижодида назарий фанлар мантиқ илми билан чамбарчас боғланиб кетган. Алломанинг Аристотелнинг “Органон” асаридан ташқари стоикларнинг мантикий таълимотига ҳам таянган ҳолда шаклланган мантиққа оид қарашлари доирасида фалсафа, илоҳиёт ва дин ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи таҳлил этилган. Мутафаккир фикрича, фалсафа ишончли, текширилган муҳокамаларга, илоҳиёт диалектика ва софистикага, дин эса, риторикага асосланган.

Форобий изланишлари Ибн Рушд (1126 - 1198) қарашларида ҳам мантикий давом эттирилганини таъкидлаш жоиз. Ибн Рушд икки эмас, уч феноменни – дин, илоҳиёт (теология) ва фалсафани қиёсий таҳлил қилган. Биринчи соҳани муқаддас матнларни талқин қила олмайдиган риториклар, иккincinnisinи эса, бундай имкониятга эга бўлган диалектик, яъни мутакаллимлар ифода этади. Файласуфлар эса, аллома фикрича, энг зукколар бўлиб, далилларга асосланган муҳокамаларни олиб бориш қобилиятига эга бўладилар. Шунингдек, айнан

улар диний китоб матнининг сўзма-сўз таржималарининг номукаммалигини аниқлаб, уларнинг ҳақиқий мазмунини очиб бера оладилар. Ибн Рушд фикрига кўра, риторик ва илоҳиётчилар файласуфларнинг диннинг асосий хусусиятлари тўғрисидаги муҳокамаларини тушуна олмайдилар. Шунинг учун, бундай муҳокамалар риторик ва диалектларга маълум қилинmasлиги лозим. Зеро, акс ҳолда тушунмовчиликлар юзага келиши муқаррар.

Шу ўринда, Ибн Рушднинг дин, теология ва фалсафанинг ўзаро муносабати борасидаги қарашлари Европа фалсафий маданиятидаги иккиланган ҳақиқат назариясининг кенг тарқалишига асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўрта аср мусулмон Шарқининг яна бир йирик вакили Жалолиддин Румий (1207-1273) ижодий фаолиятида ҳам инсон маънавий борлигини англаш, руҳан покланиш билан боғлиқ масалалар ҳам назарий, ҳам амалий шаклларда ўз аксини топган. Шоир, файласуф, илоҳиётчи суфий сифатида ҳаёт кечирган аллома «Маснавий» ва «Фийҳо ма фийҳи» каби асарларида ўзининг теран диний-фалсафий қарашларини баён этган.

Мутафаккир масаллар, шеърлар, аллегорик қиёслашлар орқали ахолининг барча қатламларига диннинг моҳияти, ҳаёт ҳакиқатини англашнинг йўлларини етказиб беришга ҳаракат қилган.

Суфийлик йўлини тутган Румий ушбу оқимдаги инсон камолотининг уч босқичи тўғрисидаги назария ва амалиётни тарғиб этган. Биринчи босқич – шариат бўлиб, Куръон ва ҳадислардаги кўрсатмаларга оғишмай амал қилишни англатган. Шариат суфийлик ғояларига кўра, барча учун мажбурий қоидалар мажмуи бўлиб, айни пайтда, у суфийлик йўлини тутганлар учун дастлабки босқич вазифасини ўтаган. Иккинчи босқич тариқат бўлиб, у айнан йўл маъносини англатади. Суфийлик бўйича шариат оламни мантиқий билишга қаратилған очик намоён бўлиб турган

фан булиб, бирок у оламни тўлик маъносида чекланган характерга эга. Чунки шариат орқали ҳақиқатни тўлик эмас, фақатгина баъзи белгилари, хусусиятларини билиб олиш мумкин. Зеро, мантикий билиш шакли анализ ва синтез орқали амалга ошади. Илохий ҳақиқатнинг моҳияти эса, абсолют булиб, уни анализ ва синтез каби мантикий усуллар орқали англашнинг иложи йўқ.

Суфийлар фикрича, ақлий билишдан ташқари билишнинг бошқа бир шакли – илохий хабар, вахий мавжуд. Фақат у орқали яширин ҳақиқат синоатларини англаш мумкин. Вахий орқали билингтан нарсалар мантикий тафаккур учун бегонадир.

Тариқат босқичи суфийлар учун рухий таҳлил усулларини ўзлаштириш ва ўзлари ҳамда бошқаларнинг онгости борлигини бошқариш имконини берган.

Маънавий камолотга эришишнинг якуний учинчи босқичи “ҳақиқат”, яъни чинакам реал борлиқ деган маънони англатган. Ушбу босқичга эришган суфий “ориф” – яъни, “англаган”, “ билган” мақомини олган ва у ҳақиқат моҳиятини интуитив англаш қобилиятига эга бўлган. Шунингдек, бу номга сазовар бўлган суфийларни “ҳақиқий борлиқ одамлари” деб ҳам аташган.

Шундай қилиб, фалсафий нуқтаи назардан қараганда, суфийликдаги камолотга етишининг уч босқичи – шариат, тариқат ва ҳақиқат оламни билишнинг уч босқичини ифода этган.

Буюк суфий сифатида Румий билишнинг ягона воситаси сифатида муҳаббатни кўрсатган. Масалан, мутафакир бу борада заргарнинг ўз касбига бўлган муҳаббати унга металлнинг ҳақиқий хусусиятларини аниқлаш ва бу билан унга ишлов беришининг янги усулларини ўзлаштириш имконини беришини мисол қилиб келтиради. Айни пайтда, эса металл сир-асрорларини билиш жараёни – бу, уста заргар учун ўз-ўзини англаш ҳолати ҳамдир. Румий фикрича, мукаммал усталик – бу устанинг материал билан

уйғунлашиб кетишидир. Ҳақиқатни англаш ҳам субъектнинг обьект билан тўлиқ қўшилиб кетишини тақозо этади. Бунинг учун эса, инсонда муҳаббат туйғуси юксак бўлмоғи зарур.

Румий дунёқарашидаги анъанавий суфийларнинг қараашлари ўртасидаги фарқ шундан иборатки, аллома мутлақ ҳақиқатни англаш мумкин, деб ҳисоблаган. Бунинг учун ҳақиқатни севиш, унга юксак муҳаббатли бўлиш зарурлигини таъкидлаган. Аллома муҳаббатни куёш нурига киёслаган. Касбга, ерга, Ватанга нисбатан муҳаббат Румий учун ҳақиқатга бўлган муҳаббатта бўлган босқичларни ифодалаган.

Сирасини айтганда, Румий ва унинг суфий издошлари томонидан инсон маънавий камолотининг асосий шартлари – мардлик, жасурлик, олижаноблик, камтаринлик, инсонийлик ва бошқа шу каби фазилатлар тизимли равища назарий ва амалий жиҳатдан тадқик этилган. Улар илгари сурган ғоялар, методологик ёндашувлар ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамият қасб этади.

Шарқда дин фалсафаси назарий асосларининг ривожланишига Ўрта асрлар араб-мусулмон дунёси мутафаккири Ибн Туфайл (тах. 1105-1185) катта ҳисса кўшган. Араб олим, давлат арбоби, фалсафа ва табиий фанлар, астрономия ва тиббиёт, мусиқа ва шеърият билимдони бўлган ва қатор асарлар яратган. Бироқ, бизгача унинг фақат биргина фалсафий асари - “Хайё бин Якзон”, яъни “Бедор ўтирувчининг ўғли” китоби етиб келган. Аллома ушбу асар қаҳрамони Хайёнинг кимсасиз оролда кечирган ҳаётий фаолияти тимсолида ўзининг онтология, гносеология, психология ва дин, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатига доир масалалар бўйича қараашларини баён этган. Шу маънода, ушбу асар мураккаб ва серқирра хусусиятга эга.

Умуман олганда, асар одам зотининг табиий эволюцияси тўғрисидаги билимларни баён этишга бағишлиланган.

Шунингдек, асарда Аристотел, Ибн Сино, Ибн Баджа, Фаробий, Газзолий каби мутафаккирларнинг қарашларини тизимли таҳлил қилингани ҳам эътиборга молик.

Асар якунида файласуф Хайёнинг анъанавий динга бўлган муносабатини очиб беради. Унда ёзилишича, Хайё яшаётган оролда кутилмаганда, Абсол исмли одам пайдо бўлади. Муаллиф ана шу икки қаҳрамон дунёкараши мисолида дин ва дунё масаласига ойдинлик киритишга уринган. Бунда, Хайё эътиқоди фалсафа ва табиий илмий қарашлар тимсоли, Абсол дунёкараши эса, халифат аҳолисининг аксарияти эътиқод қиласидиган анъанавий динга тааллуқли экани англашилади. Шундай қилиб, Хайё ва Абсол учрашишгач, анъанавий диннинг “табиий дин”нинг рамзлар шаклидаги ифодаси экани ҳақидаги гоя очиб берилади. Бошқача айтганда, Ибн Туфайл фикрича, уларнинг мазмуни бир, аммо, намоён бўлиш шакллари турличадир.

Мутафаккир талқинига кўра, табиий дин ақлга таянади, одатий дин эса масаллар шаклида ифодаланган бўлиб, турли гайриоддий ҳодисалар билан боғланган ва унда ақл эмас, балки ҳиссиёт устун туради. Ҳиссиёт эса манбаатпарамастлик ва бошқа иллатларнинг манбаидир.

Олим барча ҳалқ оммаси ақлга таянган ҳақиқий билимларни қабул қилиш ва уларни англаш қобилиятига эга эмас, деб ҳисоблаган. Шунинг учун, олим оламни билиш мутлақо ёлғизлиқда, хилватда амалга ошиши мумкинлигини таъкидлаган. Аллома фикрича, файласуфлар ёлғизлиқда ижод қилиб, ўз эътиқодларини кенг ҳалқ оммасига ошкор этишга уринмасликлари зарур.

Ибн Туфайлнинг қарашлари ўз даврида ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бўлса-да, унинг таълимотидаги мантиқий изчиллик, рационализм “инсон-дин-жамият” тизимининг қонуниятларини янада теранроқ англашга хизмат қилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ўрта асрларда Шарқ мутафаккирлари фалсафий фикрлари, гарчанд, улар диний қарашлар доирасида илгари сурилган бўлса-да, ўзининг теран рационал мазмуни билан ажралиб турган. Юқорида диний-фалсафий қарашлари шарҳланган алломаларнинг ижодий фаолияти туфайли антик давр фалсафий мероси Шарқ халқлари ҳаётига ҳам кириб келган. Шунингдек, бу даврда олимлар томонидан табиий-илмий йўналишда тадқиқотлар олиб боришнинг ўзига хос янгича илмий усул ва воситаларнинг ишлаб чиқилгани муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик моҳиятини яққол намоён этади.

Энг янги даврда дин фалсафасига доир таълимотларнинг яратилиши ва ривожланиши. XIX аср охири XX аср бошларида Фарбда дин фалсафасига доир билимларнинг ривожланишига “Ҳаёт фалсафаси” деб ном олган фалсафий йўналиш вакилларининг қарашлари кагта ҳисса бўлиб қўшилди. Германияда Фридрих Ницше (1844 – 1900), Вильгельм Дильтей (1833 – 1911), Георг Зиммел (1858 – 1918), Освальд Шпенглер (1880 – 1936), Францияда Анри Бергсон (1859 – 1941) каби олимлар ушбу йўналишнинг ёрқин вакиллари эди. Ўтган асрнинг ярмига қадар уларнинг назариялари Европа зиёлиларининг дунёқарашига сезиларли таъсир кўрсатиб турди.

“Ҳаёт фалсафаси” мактабига хос бўлган бош хусусият – “ҳаёт” тушунчасини интуитив тарзда англаш мумкин бўлган, рухга ҳам, материяга ҳам қарама-қарши бўлган ўзига хос яхлитлик сифатида талқин этишдан иборат эди. Йўналиш вакиллари мазкур тушунчани турлича талқин этгандар. Хусусан, ҳаёт Ф.Ницше учун инсоннинг биологик мавжудлиги, В.Дильтей, Г.Зиммеллар учун эса, субъектив кечинмалар мажмуи бўлса, А.Бергсон ҳаётни интуитив равища билинадиган онг оқими, космик “ҳаётий шиддат”, О.Шпенглер эса, ўзига хос яхлит маданиятга бирлашган кишилар ҳамжамиятининг кечинмалари, деб тушунган.

Талкинлардаги айрим тафовутларга қарамай, ушбу файласуфлар инсоннинг ички рухий мезони масаласида яқдил бўлганлар. Уларнинг фикрича, бундай мезонлар сифатида ташки ҳаёт – инсониятнинг ижтимоий, тарихий тажрибаси, ривожланишининг истиқболлари, маданият эталонлари, цивилизациялар каби омиллар намоён бўлади. Айни пайтда, “ҳаёт фалсафаси” вакиллари томонидан дин феноменининг моҳияти билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича таҳлил қилинганини таъкидлаш жоиз. Куйида ушбу масала В.Дильтей ижодида қандай акс этганига эътиборни қаратамиз.

Мутахассислар алоҳида равишда Дильтей илмий фаолиятининг дин ва тарих фалсафаси ривожланишига хисса кўшган назария сифатида эътироф этадилар. Олим ўз тадқиқотларини теологик изланишлардан бошлаган. Бу, ўз навбатида, унинг тарихий-илмий қарашларида инъикос этган. Унинг учун, дин, хукуқ, фалсафа ва санъатнинг конкрет шахсий, индивидуал, маънавий мазмуни тарихни тушунишнинг асосий омиллари хисобланган. Дильтей ривожланишнинг маъно, ғоя, маънавий мақсадли ўзакка эга эканига қатъи ишонган. Олим тарихни руҳнинг тарихи ва унинг универсал-тарихий эволюцияси сифатида талқин этган.

Дильтей фикрича, рух диний-универсал моҳиятта эга. Олим Гегелнинг бутун олам руҳи ҳақидаги гоясига ҳам кўшилмаган ҳолда, тарих, дин ва маънавиятни тушунишни ҳаётни ўрганишдан бошлашни истиқболли, деб хисоблаган.

Файласуф талқинига кура, Европа эволюциясининг бошланиши – метафизиканинг пайдо бўлиши ва ниҳояси-дир. Мутахассис метафизик тафаккурнинг манбалари сифатида мифология ва динни, унинг ижтимоий ифодасини эса, юонон полислари, Рим империяси ва христиан черковларининг пайдо бўлишида олиб қараган. Метафизика ўрнига номинализм, Ренессанс ва ислоҳотчилик даври, улар

билин биргаликда эса аник фанлар, эмпиризм, табиитшүнослик ва психология шаклланган.

Олим фикрича, агар Ренессанс даврида ички кечинмалар психологияси диний ва гуманистик нұқтаи назардан талқин этилган бўлса, табиий-илмий фанлар шароитида эса, конструктив психология шаклланган. Маърифатпарварлар даврига келиб эмпирик ва конструктив ёндашувлар бирлаштирилиб, “ҳақиқий ва тўлиқ кечинмалар психологияси” пайдо бўлди.

Айнан, шундай психология Дильтей фикрича, замонавий маданиятнинг асосий йўналишини ташкил этади. Чunksи руҳ ҳақидаги фанлар тарихий ўзликни англаш ва у билан боғлик онгли тарзда жамият шаклланишини ўзида акс эттиради. Шу нұқтаи назардан қараганда, олим дин, маърифат ва маънавиятнинг инсон камолотида туттган ўрнини тадқиқ қилиш ва уларнинг истиқболлари билан боғлик масалаларни айнан шундай методологик асосларга таянган ҳолда ўрганишни мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган.

Сирасини айтганда, Дильтей ижодида тарихийлик яхлит ва узлуксиз дунёқарааш ҳамда билиш методи сифатида намоён бўлган. Олим инсон руҳияти ва дин борлигини тадқиқ этишда ушбу принципга ургу бериш зарурлигини таъкидлаган.

Энг янги даврда дин фалсафасининг ривожланиши ҳакида гап кетар экан, экзистенциализм фалсафий йўналиши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш, мақсадга мувофиқ. Зоро, янги давр талабларига мос янги ёндашув асосида ижод қилган ушбу оқим вакилларининг ғоялари ҳам диний-фалсафий фикрлар тараккиётига муносиб ҳисса қўшган.

Экзистенциализм – (лотинча “existentia” – “мавжудлик”) XX асрдаги етакчи фалсафий оқимлардан бири бўлиб, мавжудлик фалсафасига доир билимлар тизимини англатади. Карл Ясперс (1883–1969), Мартин Хайдегтер (1889–1976), Жан-Поль Сартр (1905–1980), Альберт Камю (1913–1960) каби олимлар ушбу фалсафий йўналишнинг

намояндалари ҳисобланади. Мазкур олимлар ўзаро биргалиқда яхлит мактабни ташкил қилмаган, балки ҳар бири алоҳида мустақил файласуф бўлган. Бирок, ўз қарашлари орқали бир-бирлари билан баҳс-мунозара олиб борганлар. Шу нуқтаи назардан қарагандা, мутахассислар, экзистенциал фалсафани яхлит предмет, усул ва воситалар йигиндиси, муайян анъаналар тизимиға эга мактаб эмас, балки ўзига хос “бўёқ”ларда намоён бўлган давр руҳи эканини таъкидлайдилар.

Экзистенциализм Европада Биринчи жаҳон урушидан сўнг кўхна китъа халқларининг умумий инқирози шароитида пайдо бўлди. Юзага келган инқирознинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий сабаб ва оқибатларини тадқиқ этиш, вазиятни ўнглаш чора-тадбирларини ишлаб чикиш, таклиф этиш билан боғлик масалалар экзистенциал файласуфлар ижодидаги асосий муаммо бўлган. Шунинг учун ҳам, мазкур фалсафий оқим кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Мураккаб тарихий бурилиш палласида инсон мавжудлигининг шартшароитлари масаласининг фалсафий муаммо тарзида қўйилиши ушбу оқим вакиллари ижодий фаолиятининг устувор йўналишларидан эди.

Экзистенциализм фалсафасига биноан, тарихни цивилизация, ақл ва инсонийлик инқирозларининг алмашинуви тарзида тушуниш нотўғридир. Инсон инқирозлар олдиди таслим бўлиши керак эмас, деган ғоя оқим вакиллари учун ғоят қадрли бўлган. Уларнинг фикрича, энг янги даврнинг инқирозли воқеалари нафакат, индивидуал, балки умуминсоний борликнинг бекарорлигини намоён қилди. Индивид бундай шароитда ўзлигини саклаб колиши учун, энг аввало, ички дунёсини тартибга солиши, имконият ва қобилиятларини тўғри баҳолай олиши зарур. Шу тариқа, экзистенциализм фалсафасида инсон муаммоси биринчи даражага кўтарилган.

Экзистенциал фалсафа инсон идентиклигининг структураси ва функциялари, унинг асл, чинакам сабабларини баён этишга қаратилган билимлар тизими эди. Шу мъянода, экзистенциализм анъанавий хусусиятта эга бўлган.

Айни пайтда, экзистенциячилар қуллаган кўплаб категориялар, тушунчалар бундан бир аср аввал яшаган Даниялик файласуф Сёрен Кьеркегор (1813 – 1855) ижодида ўз аксини топганини таъкидлаш жоиз. Бирок, у даврда олимнинг қарашлари етарлича қизиқишига сабаб бўлмаган. Шундай бўлса-да, экзистенциализм фалсафасининг мазмунини ўрганишни ана шу олим ижодига мурожаат қилишдан бошлиш, мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Кьеркегор даврига келиб дунёвий жамият тамойиллари ижод этилган ва турли фалсафий мактаблар томонидан илгари сурилаётган эди. Табиийки, фалсафа фанида бутун Ўрта асрлар мобайнида ва янги даврнинг илк паллаларида устувор бўлган инсон, дин ва жамиятнинг ўзаро муносабати масалалари бирмунча ўзгача тарзда қўйиладиган ва ҳал этила бошлишган эди. Фалсафа ва диннинг ўзаро муносабати муаммоси умумий мъянода ўзининг долзарблигини сақлаб келаётган бўлса-да, эндиликда жамиятшунослик олимларни инсоннинг индивидуал хусусиятлари, унинг шахсий муаммолари, майший ҳаёти, ўй ва фикрлари каби хусусий масалалар асосий ўринга кутарилаётган эди.

Шу нуктаи назардан қараганда, Кьеркегор: “Нима учун фалсафа борлиқнинг моҳияти, материя, Худо, рух, билишнинг чегараси ва механизмлари каби қўплаб масалалар билан қизиқади-ю, инсон муаммосига деярли эътибор қаратмайди. Унинг устига инсонни ички дунёси билан аралаштириб юборади. Инсон ҳаётининг мухим масалаларига эътиборсиз қарайди?” деган саволни ўртага ташлайди ва уларга жавоб тариқасида ўз қарашлари тизимини шакллантиради.

Къеркегор фикрича, фалсафа инсон томон, унинг кичик муаммолари томон үгирилиши зарур. Унга тушунарли бўлган ҳақиқатни ва ўз “Мен”ини топишга кўмаклашиши лозим. Файласуф томонидан “ҳақиқий бўлмаган мавжудлик”, “ҳақиқий мавжудлик” каби тушунчалар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Унинг талқинига кўра, ҳақиқий бўлмаган мавжудлик – инсоннинг жамиятга тўлиқ бўйсунган ҳолатини англатади. “Барча билан кечадиган ҳаёт”, “Оқим билан бирга сузиш” тамойилларига асосланган бундай ҳаёт тарзи инсонга ўз “Мен”ини англаш, индивидуал хусусиятларини билишга имкон яратмайди. Ҳақиқий мавжудлик эса – жамият томонидан бўладиган кучли тъсири ва босимдан ҳолос бўлишдир. Бу онгли, эркин танлов, ўз-ўзини топиш, ўз тақдирининг чинакам эгасига айланишдир. Айнан, ҳақиқий мавжудлик – бу, экзистенциядир. Къеркегор инсон ҳақиқий мавжудлик ҳолатига эришиш йўлида уч босқични ўташи зарурлигини тъкидлаган. Булар, эстетик, аҳлоқий ва диний погоналардир.

Эстетик босқичда инсон ҳаёти ташки дунё билан белгиланади. У асосан “оқим бўйлаб сузади” ва факат баҳра олиб яшашга интилади. Аҳлоқий босқичда инсон эркин танловни амалга оширади ва онгли равишда ўзини танлайди. Бунда инсон бурч туйғуси тъсирида яшайди. Диний босқичда инсон ҳаёт мазмунини чукурроқ англайди. Унинг учун ташки дунё асосий аҳамият касб этмайди ва инсон ҳаёт йўлида тусик була олмайди. Ана шу палладан бошлаб, то умрининг охиригача инсон ўзининг чинакам бурчини бажариб, ўзи ва жамият олдидағи масъулиятини ҳис қилиб ҳаёт кечиради.

Хулоса килиб айтганда, Къеркегор қарашлари ва умуман, экзистенциализм фалсафаси диний-фалсафий масалаларни ҳал этишда қадимги файласуфларга хос бўлган ёндашувдан фарқли равища, умумий муаммолардан хусусий масалалар томон эмас, балки, яккалик (индивидуид)дан хусусийликка

(ижтимоий гурух, қатлам, жамият) ва ундан сүнг умумийликка, яъни, яхлит борлиқнинг моҳиятини билишга қаратилган методологияни илгари сурғанлар. Ушбу ёндашув кўп жиҳатдан замонавий жамият шароитларига жавоб бергани боис, кўплаб олимларнинг илмий ижод дастуридан ўрин олган. Шу нуқтаи назардан қараганда, экзистенциализм замонавий дин фалсафасининг ҳам асосий масалаларидан бирини ташкил этади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дин ҳақидаги фалсафий қарашларнинг тизимли ривожланишининг қандай сабаблари мавжуд?
2. Қадимги файласуфлар диний-мифологик билимларга қандай қараганлар?
3. Дин ҳақидаги дастлабки илмий билимлар қачон пайдо бўлган?
4. Нима учун дин фалсафаси билан боғлиқ билимлар барча даврларда ўз аҳамиятини сақлаб келади?
5. “Дин фалсафаси” фанининг зарурлигини асослаб беринг?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Дин фалсафасининг предмети.
2. Гегелнинг “Дин фалсафаси” асаридаги устувор ғоялар.
3. Экзистенциализм фалсафасида дин ва жамият масалалари.
4. Замонавий дин фалсафасининг асосий йўналишлари.
5. Янги даврда диний-фалсафий қарашларнинг ривожланиш хусусиятлари.
6. Дин фалсафаси ва диний фалсафанинг ўзаро муносабати.

II БЎЛИМ. ДИННИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

З-мавзу. Диннинг структуравий-функционал таҳлили

Диннинг структуравий элементлари ва функциялари. Дин мураккаб тизим сифатида диний онг, диний фаолият, диний муносабатлар, диний ташкилотлар каби структуравий элементларни ўз ичига олади.

Маълумки, диний онг – бу, диндор кишининг онги бўлиб, диний ишонч ва эътиқод мустаҳкамлигининг мухим омилидир. Бирок, ҳар қандай ишонч ҳам диний ишонч бўлавермаслигини таъкидлаш жоиз. Зоро, диний иймон, ишонч инсон психологиясида алоҳида феноменинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Аслида, иймон – бу, мақсадга эришиш, бирор воқеанинг содир бўлиши, қандайдир фоянинг ҳақиқатлигига бўлган қатъий ишонч, эътиқодни англатади. У ўз моҳиятини ҳоҳиш-истакнинг амалга ошишини кутиш ҳолати ташкил этади.

Диний эътиқод ана шундай барқарор ишончнинг инъикоси бўлиб, воқеликдан ташқарида мавжуд бўлган элементлар, кучлар, хусусиятлар, алоқалар, улар билан мулоқот қилиш имкониятига бўлган ишончни ифодалайди.

Диний онг кундалик, амалий-ҳаётий таъсирга эга бўлган ҳамда муқаддас шаклларда намоён бўлади. Учинчи шакл илохий мазмунга эга бўлиб, дастлабки икки шакл доирасидан ташқарида мавжуддир. Зоро, илохийлик – бу, олий воқелик бўлиб, одатий ҳаёт ва табиатдан ташқарида кечади.

Диний онгнинг яна бир компоненти унинг яққол образлилиги ва хиссиятларга бой эканида кўринади. Намойишкорона образлар кечинмалар билан боғлиқ бўлгани учун диний онг кучли хис-ҳаяжонларга таянади.

Диний түйғулар – бу, диндорларнинг ўзлари тан олган илоҳий куч, муқаддас нарсалар, зотлар, хатти-ҳаракатлар ҳамда бир-бирларига нисбатан эмоционал муносабатларини аngлатади. Ҳар қандай кечинмаларга ҳам диний сифатини қўллаб бўлмайди. Уларга фақат диний тасаввурлар, ғоялар, афсоналар билан шартланган ва шунга мос йўналиш, маъно ва мазмун касб этган ҳиссиётларгина тааллуклидир. Айни пайтда, кўркув, муҳаббат, фахрланиш, хурмат, кувонч, умид каби турли ҳиссиётлар диний тасаввурлар билан кўшилиб кетган ҳолда кечиши мумкинлигини ҳам тъқидлаш жоиз.

Диний онгнинг икки даражаси мавжуд: кундалик ва концептуал. Кундалик диний онг образлар, тасаввурлар, стереотиплар, кўрсатмалар, одатлар ва анъаналар кўринишида намоён бўлади. У мақсадли, тизимлашган эмас, балки тарқок тасаввурлар, қарашларнинг фрагментар кўринишларини акс эттиради. Ушбу даражада ҳиссиёт ва кайфият, онгнинг образли шакллари мухим рол ўйнайди. Шунингдек, диний онгнинг бу даражасида тасаввурларни узатишнинг анъанавий воситалари кенг ўрин эгаллайди, зеро, дин доимо индивид билан бевосита боғланган ва шунга кўра шахсий, хусусий шаклда намоён бўлади.

Концептуал даражадаги диний онг – бу, маҳсус ишлаб чиқиладиган, тизимлаштирилалдиган тушунчалар, ғоялар, тамойиллар, муҳокамалар, аргументлар, концепциялар, қонун-қоидалар кўринишида мустаҳкамланган диний ақидалар мажмуи кабиларда акс этади. Диний қонун-қоидалар Худо ёки Худолар, олам, табиат, жамият, инсон тўғрисидаги таълимот ҳамда диний маросимларни амалга оширишга доир кўрсатмаларни ўз таркибига олади.

Диний таълимот, теология динийликнинг концептуал даражаси бўлиб, улар муқаддас китобларга таянади ҳамда уларни талқин этиш қоидаларини ишлаб чиқади.

Дин жамият ҳаётида бир катор функция ва ролларни бажаради. Бунда, “Функция” ва “рол” тушунчаларининг ўзаро айнан эмаслигини тъқидлаш жоиз. Зеро, функция –

диннинг амал қилиш воситалари бўлса, рол – диннинг мавжудлигидан юзага келадиган умумий натижаларни ифода этади.

Илмий адабиётларда диннинг дунёқарашлик, коммуникатив, регулятив, легитимлаштириш, маданиятни трансляция қилиш функциялари ажратиб кўрсатилади.

Дунёқарашлик функциясига кўра, дин инсон, жамият ва табиатга нисбатан муайян шакл ва мазмундаги қарашлар тизимини шакллантиради. Ўз навбатида, ушбу функция бир неча босқичларда амалга ошади. Улардан бири – оламни тушуниш бўлиб, бу босқичда оламни яхлит ҳолда ҳамда ундаги алоҳида ҳодисаларни тушунтириш рўй беради. Иккинчи босқич оламни акс эттиришдан иборат ва унда воқеа, ҳодисалар ҳис-туйғулар ва қабул қилишда ўз аксини топади. Навбатдаги босқич оламни ҳис этиш, яъни уни эмоционал-рухий даражада қабул қилиш ёки инкор этиш орқали амалга ошади. Шундай қилиб, ушбу босқичлар натижасида, оламга нисбатан муносабат пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, тўлақонли диний дунёқарашнинг шаклланишига олиб келади.

Диний дунёқараш кишиларга энг юксак мезонлар, абсолютларни тақдим этади. Олам, жамият, инсон ана шу мезон ва мутлақ қоидалар нуқтаи назаридан англаб борилади.

Ўзининг коммуникатив функциясига кўра, дин мулоқотни таъминлашга хизмат қиласди. Мулоқот диний ва бошқа йўналишларда содир бўлиб, у ўзаро ахборот алмашинуви, ўзаро таъсирлашув, инсонни бошқа инсон томонидан қабул қилишни англатади.

Диннинг регулятив функциясининг мазмуни шундан иборатки, муайян гоялар, қадриятлар, кўрсатмалар, стереотиплар, одатлар, анъаналар, институтлар ёрдамида индивидлар, гурухларнинг фаолияти, муносабатлари, онги ва хулқ-атвори тартибга солинади ва бошқарилади. Бунда диний-аҳлоқий нормалар тизими, таъсирчан, образли

мисоллар, турли хил рағбатлантирувчи ва жазоловчи санкциялар мұхим ақамият касб этади.

Дин маданиятнинг таркибий қисми сифатида маданиятни трансляция қилиш функциясини ҳам бажаради. Бу, асосан, диний анъаналар доирасида түпланиб келаётган маданий мероснинг авлоддан-авлодга етказиб беришга қаратылған маросимлар, табиғирлар ва бошқаларда намоён бўлади. Шунингдек, ушбу функциясига кура, дин маданиятнинг муайян қатламларининг ривожланишини кўллаб-қувватлайди. Ёзма ёдгорликлар, китоб нашр этиш, санъат ҳамда диний маданият намуналарини саклаш ва ривожлантириш шулар жумласидандир.

Легитимлаштириш функциясига биноан, дин баъзи ижтимоий тартиблар, институтлар, муносабатлар ва нормаларни жорий этиш ва шу орқали диний ҳаётнинг барқарор қоидалар асосида кечишини таъминлайди. Бу турли диний масалаларга ойдинлик киритиш, қадимдан мавжуд бўлиб келган диний қоидаларни замон шароитлари тақозосига кўра мослаштиришга қаратылған янги талқиндаги қоидаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда намоён бўлади.

Санаб ўтилган функцияларни бажариш орқали диннинг жамиятда ўйнайдиган роли намоён бўлади. Функцияларнинг натижалари, оқибатлари жамиятнинг хусусияти, ва умуман, макон ва замон нуқтаи назаридан турлича булиши мумкин.

Биринчидан, дин ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий соҳалар, миллатлараро муносабатлар ҳамда оиласда мұхим рол ўйнайди. Дин ҳаёт тарзи, фикр ва хатти-ҳаракатларни санкциялаштиради, уларга олижаноблик бахш этади ёки гуноҳ сифатида қоралайди. Шу тариқа, диний муносабатлар бошқа йўналишдаги ижтимоий соҳаларга ҳам таъсир ўтказади.

Иккинчидан, диннинг жамият ҳаётига таъсири унинг тутган ўрни билан белгиланади. Бу ўрин эса, доимий ва

ўзгармас бўлмайди, балки, ижтимоий онгдаги ўзгаришларга монанд равишда ўзгариб боради. Содир бўладиган сиёсий, мафкуравий, маданий ва ҳ.к. жараёнлар натижасида диннинг жамият ҳаётига таъсири ҳам ўзгариб боради.

Учинчидан, дин ўйнайдиган рол ҳамма вақт ҳам умуминсоний характер касб этмайди. Зоро, динларга жуда кўп маданият вакиллари эътиқод қиласди. Шунингдек, жаҳон динлари сифатида эътироф этиладиган динлар ҳам учтани ташкил этади. Улардан ташқари яна кўплаб динлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан қараганда, мавжуд ҳар бир динда глобал, миintaқавий, этник, локал компонентлар ўзаро қоришиб кетиши кузатилади. Конкрет вазият тақозосига кўра, улардан бири алоҳида долзарблиқ касб этиб, биринчи ўринга чиқиши мумкин.

Диний онгнинг дастлабки шакллари. Политеизм ва монотеизм. Диний тасаввурларнинг моҳиятини тулиқ англаш инсоният тарихида илк пайдо бўлган ва ўз даврида жуда кучли ижтимоий-маданий таъсирга эга бўлган диний онгнинг қадимий кўринишларининг мазмунини билишни тақозо этади.

Шулардан бири, анимизм (лотинча “anima”, “animus” – қалб, рух) бўлиб, у ёки бу предмет ва ҳодисаларнинг қалб, рухга эга эканига бўлган ишончга асосланган архаик дин шаклларидан ҳисобланади. “Анимизм” атамаси илк бор Э.Тайлор (1832-1917) томонидан қулланган. Олимнинг назариясига кўра, анимистик қарашлар икки йўналишда ривожланган. Биринчи йўналишдаги ғоялар қадимий одамларнинг туш кўриш, касаллик, ӯлим тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларининг натижаси сифатида шаклланган. Шу тариқа, одам танасида жон, рухнинг мавжуд бўлиши ва маълум бир вақтда у танани вақтинча ёки бутунлай тарқ этиши ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Кейинчалик анимизмга доир янада мураккаброқ мазмундаги ғоялар шаклланган. Рухнинг абадийлиги, бир танадан бошқасига

күчіб ўтиши, ўлымдан кейинги ҳаётнинг мавжудлиги тұғрисидаги фикрлар шулар жумласидандыр.

Анимистик қарашларнинг иккінчи йўналиши илк одамларнинг атроф оламдаги ҳодисаларни жонли, руҳга эга деб тасаввур қилишлари билан боғлиқ ғояларни ифода этади. Архаик маданият даври одамлари барча предмет ва ҳодисаларни ўзлари каби жонли деб тушуниб, уларда ҳам ҳохиш-истак, ирода, ҳиссиётларнинг мавжудлигига қатый ишонганлар. Шу тариқа табиат, ўсимликлар, ҳайвонлар, ўлиб кеттган аждодларнинг алоҳида алоҳида руҳга эга эканига бўлган диний эътиқод шаклланган ва у мураккаб эволюция натижасида дастлаб, политеистик, кейинчалик эса, монотеистик қарашларнинг пайдо бўлишига замин яратган. Умумэътироф этилган фикрга кўра, анимизм ҳозирда мавжуд кўплаб динларнинг ажralmas кисми ҳисобланади.

Э.Тайлор илгари сурган анимизм концепцияси мутлақ характерга эга эмаслигини таъкидлаш жоиз. Зеро, мутахассислар архаик давр динлари ҳамма вақт ҳам ўзида анимистик ғояларни акс эттирмаганини таъкидлайдилар. Шундай бўлса-да, инглиз олимининг фикр-мулоҳазалари бу борада тизимли қарашларнинг шаклланишига катта ҳисса кўшган.

Аниматизм (лотинча, “animatus” — жонли) ҳам инсонлар ҳаётига таъсир кўрсатадиган, дунёга ёйилиб кетган ўзига хос шахссиз кучнинг мавжудлигига ишончни акс эттирадиган архаик дин шаклларидан бири ҳисобланади. Ушбу атама илк бор инглиз антропологи Р.Маретт (1866-1943) томонидан кўлланган. Олим Океания қабилаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, дин пайдо бўлишининг илк босқичида “мана” деб номланган, мўжизакор кучга эга бўлган эътиқод мухим рол ўйнаган. Шунингдек, бундай кучга одамлар, ҳайвонлар, предмет ва ҳодисалар ҳам эга бўлиши мумкин деб тасаввур қилинган. Илк жамият

вакиллари дини ҳаёт мобайнида айнан, шу кучга эгалик қилишга интилиш ғоясига таянган. Бундай кучларга топиниш қадимда күплаб қабилаларга хос бўлган. Масалан, меланизейларда – “мана”, ирокезларда - “оренда”, алgonкинларда – “маниту”, пигмейларда - “мегбе” ва х.к.

Шунга кўра, мутахассислар аниматизмнинг архаик давр диний тасаввурларининг ажралмас таркибий қисми бўлгани тўғрисидаги хуносага келганлар. Анимизмдан фарқли равища, аниматизм шахсий номоддий мавжудотларга нисбатан иймон, ишончни ифода этмайди.

Диний онгнинг қадимиш шаклларидан яна бири – бу, фетишизм (португалча “feitico” – тумор, сехрли ашё) бўлиб, у - ғайритабии хусусиятларга эга бўлган жонсиз предметларга сифинишда ўз аксини топган. Ишонувчиларнинг эътиқодига кўра, бундай предметлар даволаш, душманлардан ҳимоя қилиш, ов қилишда ёрдамлашиш ва х.к. шу каби хусусиятларга эга.

Фетишизм илк бор португалиялик денгизчилар томонидан Фарбий Африка минтақаси ҳалқлари ҳаётида (XV аср) кузатилгани адабиётларда қайд этилади. Масалан, африкаликлар фетишиларга мурожаат қилиш чоғида уларга катта мих қоқишиган экан. Улар шундай қилинса, фетиш илтижони яхши эслаб қолиб, уни албатта бажаришига ишонгандар.

Кейинчалик фетишизм элементлари дунёнинг бошқа кўплаб ҳалқлари диний эътиқодида ҳам кашф этилган.

Архангельск даврдаги фетишизмнинг моҳияти шундан иборатки, унга кўра предметлар инсон сезги органлари ёрдамида эриша олмайдиган сехрли хусусиятларга эга деб тасаввур этилган. Сифиниш обьекти, яъни фетиш сифатида инсон акли ва тасаввурини қойил колдирган исталган предмет – тош, дараҳтнинг бўлаги, ҳайвоннинг тиши, заргарлик буюмларида намоён бўлган. Фетиш сифатидаги предмет кўплаб уринишлар орқали танлаб олингани ҳам эътиборга молик. Фетиш танлаб олингандан сўнг, инсон

ҳаётида муваффакиятларга эришса, бу ўз-ўзидан танлаб олинган фетишининг хосиятидан деб тушунилган. Аксинча бўлиб, омадсизлик кузатилса, фетиш бошқасига алмаштирилган. Бундан, қадимги одамларда фетишларга нисбатан барқарор муносабат бўлмагани англашилади.

Замонавий диншуносларнинг фикрича, фетишизм элементлари кўплаб ривожланган дин шаклларида ҳам кузатилади. Шунингдек, фетишизм ҳозирда ҳам у ёки бу шаклда майший соҳаларда ўз ифодасини топиб келаётгани, кўпчиликка маълум.

Қадимий дин шаклларидан яна бири – тотемизм ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турди. Тотемизм (оджибве Шимолий американлик ҳиндулар тилида – “унинг насли, зоти”) – инсон ва ўсимлик ҳамда ҳайвонлар ўртасида кон-қардошлик алоқаларининг мавжудлигига асосланган эътиқод ва удумлар комплексини ифодалайди. Тотемизмга кўра, инсон у ёки бу тотемнинг насли ҳисобланган ва аксарият ҳолларда тотем сифатида қандайдир ҳайвон акс эттирилган. Инсон бойлиги, фаровонлиги ушбу тотемнинг хусусиятига боғлик деб тасаввур этилган.

Тотемизм доирасида ижтимоий иерархияни тузиш ва уруғ-қабилалар ўртасидаги чегараларни белгилашга қаратилган турли хил ижтимоий нормалар, инсоннинг ўз аждоди намуналари билан ўзаро муносабатини тақиқловчи санкциялар (табу) ишлаб чиқилган. Тақиқга кўра, тотем-ҳайвон ёки ўсимликни бутунлай ёки унинг бирон қисмини ейиш ман этилган.

Тотеми айик бўлган гуруҳ вакиллари ўзларини айик, деб ҳисоблашган ва айикларни ҳам гуруҳларининг аъзолари сифатида тасаввур этишган. Шу тариқа, гуруҳ насли-насабининг яхлитлиги ва бошқалардан алохида бўлган жиҳатлари яккоғ намойиш этилган. Тотемлар яхлитлик рамзи бўлгани сабабли одамлар ўртасида муайян муносабатларни белгилашга хизмат қилган. Зоро, тотемлар оркали одамлар “озод, эркин одамлар”га ва “бегоналар”га

ажратилган. Айни пайтда, бундай ажратиш нима мумкин ва нима мумкин эмаслиги ҳақидаги саволга ҳам ойдинлик киритишга имкон берган. Масалан, бир тотемга эга гурухдаги эркак ва аёллар ўзаро никоҳ куришлари мумкин бўлмаган. Бошқача айтганда, тотемлар рухсат ва тақиқлар тизимининг шаклланишига ҳам хизмат қилган. Бундан ташқари, тотемизмга кура, маълум нарсалар муқаддас, дахлсиз саналган ва улар билан фақатгина қатъий қоидалар асосида муносабатга киришиш мумкин. Бундай қоидаларнинг бузилиши эса оғир жазоларнинг қўлланилишини назарда тутган.

Диний онгнинг қадими шаклларининг қисқача таҳлилидан маълум бўладики, анимизм, аниматизм, фетишизм ҳамда тотемизм каби диний эътиқод куринишиллари, энг аввало, муайян макон ва замонга хос ҳодисалардир. Содда шакл ва воситалар орқали намоён бўлса-да, улар одамнинг олам, уни англаш, билиш ҳақидаги тасаввурлари ва амалий хатти-ҳаракатларини тизимлаштириш, инсон ва инсон, инсон ва жамият муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этган.

Қадими дин шаклларининг хусусиятлари политеистик ва монотеистик дунёқарашиб тизимлари таҳлил этилганда, янада ойдинлашади. Маълумки, политеизм – (юонча “polys” – кўп, “theos” - Худо) Худоларнинг кўплиги ғоясига таянадиган ва уларга сифинишга асосланган эътиқод шаклидир. Шунингдек, политеизм, яни кўп Худолилик бир неча Худоларга бўлган иймонга асосланган диний таълимот ҳамдир.

Политеизмга биноан Худолар кўп булиб, улар ҳам одамлар сингари интилиш ва қизиқишилар, феъл-авторга эга. Улар ҳам ўзаро бир-бирлари билан таъсирлашадилар ва ҳар бирининг ўзига хос таъсир доираси мавжуд.

Аксарият мутахассисларнинг таъкидлашича, кўп Худолилик – диний ҳаётнинг энг қадими шакли бўлиб,

кейинчалик унинг заминида якка худолик тұғрисидаги қарашлар ривожланиб чықкан.

Политеистик шаронларда бут ва санамлар антропоморф мөхиятта эга бүлгани сабаб уларнинг хайрихохлигига моддий нарса ва воситалар, шу жумладан, тирик жонзотлар, ҳатто, одамларни ҳам қурбонликлар қилиш орқали эришиш мумкин, деган тасаввур устувор бўлган. Айни пайтда, сифинилаётган санамларни бирон бир мақсадда кўндиришга қаратилган илтижолар, ёлворишлар ҳам кенг ўрин эгаллаган. Улар кўп ҳолларда мақтов ва алдовлар шаклида амалга оширилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Мутахасислар фикрича, политеистик дунёқараш мураккаб ва изчил тарзда ишлаб чиқилган ва амал қилган давр қадими Юнонистон ҳисобланади. Қадимги Юнонистонда одамларга қиёсан тасаввур қилинадиган Худолар бўлган. Зевс, Аполлон, Афродита кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, ўша Худоларга атаб қурилган ибодатхона – пантеонлар мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби қатъий иерархия бўйича тузилган. Тасаввурларга кўра, қадимги Юнон Худолари одамларнинг хулқ-атвори ва қилмишларига кўра, ўзларини тутганлар. Яъни, инсонларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг ҳаётида содир бўлаётган воқеа, ҳодисаларнинг сабаби сифатида талқин этилган. Албатта, бунда, Худолар бу сабабларни ҳаракатлантирувчи кучлар тарзида тушунилган.

Мутхассисларнинг фикрича, политеистик ғояларнинг ривожланиши аста-секин ягона, якка худолик ҳақидаги, монотеистик қарашларнинг пайдо бўлишига замин яратган.

Монотеизм (юонча “*mono*” – якка, “*theos*” – Худо) – кўп худоликдан фарқли равища, ягона Худо тұғрисидаги тасаввурларга таянган диний эътиқодлар тизимини англатади. Диншуюсликка доир адабиётларда яхудийлик, хундуийлик ва ислом монотеистик динлар сифатида талқин этилади. Айни пайтда, мутахассислар монотеизмнинг тарихий тараққиётнинг нисбатан кейинги даврларига хос

ходиса эканини таъкидлайдилар. Бошқача айтганда, политеистик дунёқарааш хукмрон бўлган даврларда алоҳида олинган гурухларнинг Худолари ягона пантеонга бирлаштирилган ва уларни ягона, яхлит Худога айлантириш учун ҳаракатлар бўлган. Бунга Қадимги Бобилда бош Худо сифатида Мардукнинг илгари сурингани, шунингдек, Қадимги Мисрда Аменхотепа IV томонидан ўтказилган диний ислоҳотлар мисол бўла олади. Адабиётларда нисбатан қатъий мазмун касб этган монотеистик дунёқарааш эрамиздан аввалги 1- йилликнинг иккинчи ярмида вужудга келгани қайд этилган. Бу даврга келиб яхудийлар жамоасида Яхве бутхонаси коҳинлари томонидан диний монополия ўрнатилди.

VII асрда Арабистон ярим оролида ислом динининг вужудга келиши натижасида, монотеистик дунёқарааш мукаммал мазмун ва шакл касб этган.

Умуман олганда, кўп Худолилик ва якка Худолилик фоялари ўртасидаги диалектик алокадорлик диний онг ва дунёқараашнинг такомиллашиб боришиб босқичлари, даражалари ва хусусиятлари ўзида мужассам этган. Политеистик қарашларнинг монотеизм томон ўзгариб бориши инсоният маънавиятининг бир сифат ҳолатдан, юксакроқ бўлган янги сифат ҳолатига ўтиши тарзида тушуниш, мақсадга мувофиқ.

“Дунёқарааш” тушунчаси. Фалсафий ва диний дунёқарааш. “Дунёқарааш” дин фалсафасининг асосий категорияларидан бири бўлиб, инсоннинг атроф воқеликка йўналган маънавий мўлжалининг воситаси, оламга нисбатан шаклланган қарашлар тизимини ифодалайди. Ўз навбатида, бу тизим олам ва унда инсоннинг тутган ўрни, қадриятлари ва шахс зътиқоди тўғрисидаги тасаввур ва билимларни ўз таркибига олади. Бундай тасаввурлар комплекси ҳаётий зарурият бўлиб, улар ёрдамида индивиднинг фаолияти, хулқ-автори, мулоқоти шаклланади, жамиятда ўз ўринини топиш, ҳаёт йўлини белгилашда мухим омил бўлиб хизмат киласиди.

Дунёқарашнинг муҳим компонентлари сифатида куйидагиларни санаш мумкин: субъектнинг образи, оламнинг манзараси ва индивиднинг ҳаётий стратегияси.

Шунингдек, дунёқараш ҳақида гап кеттанды, оламни англашнинг куйидаги босқичлари ҳам ажратиб кўрсатилади. Булар, “оламни ҳис этиш”, “оламни қабул килиш” ва “дунёни тушуниш” каби босқичлардир.

Айни пайтда, дунёқараш турли характерли кирраларга эга. Билиш, аксиологик, праксеологик жиҳатлар шулар жумласидандир. Мазкур томонларнинг ҳар бири ўзида мураккаб тизим ости бүғинни ифодалайди. Ўз навбатида, уларнинг ҳам ўзига хос аспектлари мавжуд.

Воқеликни англаш шакли сифатида дунёқараш инсоният пайдо бўлган даврдан буён мавжуд. Инсоният тарихий эволюцияси билан бирга дунёқараш ҳам мазмунан бойиб, такомиллашиб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, дунёқарашнинг куйидаги тарихий кўринишлари ажратиб кўрсатилади: мифологик, диний ва фалсафий дунёқараш.

Даставвал, мифологияга асосланган дунёқараш шакли пайдо бўлган. Бунга кўра, инсон томонидан борликни ҳис этиш, табиатни тушуниш ва қабул қилиш Худоларнинг мислсиз куч-кудрати, турли қаҳрамонларнинг жасорати мажозий маънода, бадиий шаклларда яратилган қадимий ривоятларда ўз аксини топган. Қадимий мифлар хилма-хил хусусиятта эга бўлган бўлса-да, уларда олам, унинг тузилиши ва инсон ҳақида умумий жиҳатлар мавжуд бўлган. Мифологик дунёқараашга биноан, олам хаос шаклида, тасодифиятлар тўқнашуви ва турли ғайритабиий кучларнинг хатти-ҳаракатлари орқали тасаввур килинган. Мифологик онг табиийлик ва ғайритабиийлик, реаллик ва хаёлий тасаввурларни ажратиш имконини бермаган. Мазкур онг шаклига хос бўлган яна бир хусусият шундан иборатки, илк жамиятларда яшаган одамлар мифологик ривоятлардаги зиддиятли ҳолатларни англаб етмаганлар. Афсоналарда тафаккур ва хатти-ҳаракат, ахлоқ ва шеърият, билим ва

ишонч бир-бирига қўшилган ҳолда яхлит акс эттирилган. Бошқа томондан эса, мифологик онгдаги бундай яхлитлик, синкетиклик воқеликни ўзлаштиришнинг тарихий зарурый воситаси эди.

Сирасини айтганда, мифологик дунёқарааш олам ҳакида файритабиий кучлар ва уларнинг инсонлар фаоллиги ва ўзаро муносабатларига ўхшашлиги тұғрисидаги хаёлот ва ишончга асосланган тасаввурлар мажмuinи ифодалайди. Табиат ва инсон борлигининг ўзаро ўхшашлиги ҳакидаги тасаввурлар кейинчалик фалсафа фани доирасида “антропоморфизм” номи билан аталадиган бўлган.

Жамият тарақкий этиб боргани сари мифологик онг, гарчанд, унинг баъзи элементлари сакланиб қолган бўлсада, ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотиб борган. Шу тариқа дунёқараашнинг бошқа шакллари – дин ва фалсафа пайдо бўлган. Файритабиий кучлар ва икки дунёнинг мавжудлигига бўлган ишонч – диний дунёқараашнинг бош белгисидир. Мифологик онгдан фарқли равишда, диний дунёқарааш антропоморф тасаввурларга факат қисман таянади ва асосан, инсонни унинг табиат, ҳайвонот дунёсидан фарқли жиҳатларини англашга, ўзини одам зоти билан яхлитлигини ҳис этишга йўналтиради.

Мифологик ва диний дунёқараашл ҳамда илмий билимларнинг ривожланиб бориши натижасида, фалсафий тафаккурнинг тарихий-маданий заминлари шаклланиб борган. Фалсафий дунёқарааш оламни рационал ва иррационал тушунтириш эҳтиёжи сабаб юзага келган. Шу маънода, у назарий тафаккурнинг тарихан илк шакли ҳисобланади ва ўзидан аввалги дунёқарааш шаклларидағи этишмайдиган ҳолатларни тўлдиради. Фалсафий онг умумий характерга эга бўлгани учун, у инсоннинг оламга бўлган муносабатини ифодалайди. Воқеа, ҳодисаларни бевосита инсон учун қадрли булиши нуктаи назаридан таҳлил қилишга асосланади. Универсал назарий тушунчалар, категориялар ва тамойилларни ишлаб чиқиши

ва улар асосида воқелик моҳиятининг таҳлилини амалга ошириш, инсон борлиғи ривожланишининг ялпи умумий қонуниятларини аниклашга йўналтириш фалсафий дунёқарашга хос хусусиятлар ҳисобланади.

Диний ва фалсафий қарашларнинг ўзаро алокадорлиги. Аслида, дин ҳам фалсафа сингари дунёқарашни ифодалайди. Бироқ, у бир вақтда бир ёки бир нечта Худоларнинг, яъни муқаддас, ғайриоддий, инсон ақли тушуниб ета олмайдиган ибтидо, кучларнинг борлигига нисбатан ишончга таянган муайян хулқ-автор ва ҳатти-ҳаракатни ўз таркибига олади. Диний тафаккур инсон онгининг илк шаклларидан ҳисобланади. Илмий маълумотларга кўра, диний онг бундан 40-50 минг йил аввал пайдо бўлган. Диннинг юзага келиши инсонда тафаккур ёрдамида ўз фикрларини атроф оламдан алоҳида равишда, тимсол, фетиш, сўз каби шаклларда ажратиш қобилиятигининг пайдо бўлиши билан боғлик. Шу тариқа, инсон онги ривожланиб боргани сари, у атроф муҳит тўғрисидаги тасаввурларини нарса, ҳодиса, жараёнларга эмас, балки ақлий фаолиятнинг маҳсули, яъни тимсол, фетиш ва сўзларига таянган ҳолда шакллантириш имкониятига эга бўлган. Фалсафа барча фанларнинг мажмуи сифатида дунёни илмий талқин этишга хизмат килса, дин эса субъектив ёндашув асосида шаклланган ва оламни Худонинг борлиги нуктаи назаридан тушунтиришга қаратилгандир.

Кўп минг йилликлар мобайнида диний эътиқодлар политеистик характерда бўлгани, тарихдан яхши маълум. Бу, ўз навбатида, ҳар бир уруғ ва қабиланинг бир нечта Худоларга сифинганини англатади. Бироқ, у даврлардаги диний туйғуларни тўлиқ маънода концептуал равишда шаклланган дунёқараш, деб атаб бўлмайди. Уларни натуралистик, табиий динлар тарзida тавсифланувчи дунёни ҳис этиш шакллари, деб аташ ҳакиқатга якироқдир. Чунки у даврда одамнинг дунёни ҳис этиш жараёни асосан

табиий омиллар таъсирида кечган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, илк ҳалқларнинг рухлар ва Худолар тұғрисидаги ғоялари мифологик шаклларда намоён бўлган. Мифларнинг асосий тимсоли сифатида қуёш ва ой, юлдузлар, ер ва осмон, денгиз, олов, шамол ва ҳ.к. табиат ҳодисалари тасвирланган. Инсон томонидан мифлар (афсоналар)нинг яратилиши унинг ижодий фаолият ва ўз-ўзини англашга бўлган илк қадамлари бўлганини таъкидлаш жоиз.

Антик даврда Худоларни одамларга қиёслаб талқин этилган. Уларни одамлар сингари эзгулик, олижаноблик, меҳрибонлик, шафқатсизлик, қасоскорлик ва маккорлик каби фазилат ва иллатларга эга куч сифатида тушунганлар. Худоларнинг одамлардан фарқланувчи ягона жиҳати – бу, уларнинг ўлмаслиги, абадийлиги бўлган. Шундай бўлса-да, антик давр кишилари тушунчасида Худолар ҳам одамлар сингари хатто, ўзларининг тақдирини ўзгартириш ёки белгилаш имкониятига эга бўлмаган. Масалан, бу борада, Гомернинг “Илиада”сида кудратли Зевс Худосининг Гектор ва Ахилл каби қаҳрамонлар ўртасидаги жангнинг натижасига таъсир кўрсата олмагани баён этилганини эслаш мумкин.

Инсоний фазилатлар билан тасвирланган Қадимги Юнон Худолари нафакат, куч-кудрат, олижаноблик ва шафқатсизликнинг тимсоллари эди, балки, улар, айни пайтда, юнонлар учун ўз имкониятларини тушуниб етиш, ўз хатти-харакатлари ва қилмишларини англаш ҳамда кучларини объектив баҳолаш мезонлари сифатида намоён бўлган.

Умуман олганда, илк жамиятларда дин уруғ-қабилавий, кейинроқ эса, миллий давлат даражасида политеистик характерга эга бўлиб борган. Ривожланиш натижасида монотеистик диний таълимотлар пайдо бўлган ва уларнинг баъзилари жаҳон дини даражасига кутарилган.

Хозирда жаҳон дини сифатда эътироф этиладиган, биринчи пайдо бўлган дин буддавийлик (эр. авв. VI—V асрлар), иккинчиси — христианлик (1 аср) ва учинчиси ислом дини (VII аср) ҳисобланади. Миллий, лисоний ва ижтимоий-сиёсий мансублигидан қатъи назар кўплаб халқларни ягона эътиқод доирасида бирлаштиргани мазкур динларнинг бош хусусияти эканини таъкидлаш жоиз.

Сирасини айтганда, мифологик ва диний онг инсониятга илк маълум бўлган оламни ҳис этиш шаклларирип. Улар нарса, ҳодиса, жараёнларни тушунишнинг воситаси эмас, балки, энг аввало, инсонга ҳаётий мулжаллар олиш ва бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тушунтиришда ўзига хос қўллаб-куватловчи маънавий куч сифатида ўз ўрнига эга бўлган.

Маълумки, оламни фалсафий англаш уни мифологик ва диний нуқтаи назарга кўра тушунишдан анча кейин шаклланган. Ушбу жиҳат тўлиқ маънода Қадимги Юнонистон маънавий-маданий ҳаётига ҳам тааллуклидир. Милет фалсафий мактаби вакиллари (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен) даврига қадар Қадимги Юнонистонда мифологик ва диний дунёқараш мавжуд эди. Бу табиий, албатта. Зеро, фалсафа — бу, оламни англашнинг юкори шаклларидан бири бўлиб, унинг нисбатан кейинроқ пайдо булиши мантиқан тўғридир.

Мифологик ва диний дунёқараш шакллари окибатда оламни фалсафий англашнинг юзага келишига замин бўлган. Ўз навбатида, илмий изланишлар, тадқиқотларга таянган фалсафий билимларнинг тизимлашиб бориши диний таълимотларнинг ривожланиши, такомиллашишига хизмат қилган. Бир сўз билан айтганда, инсоният маънавий салоҳияти дин ва фалсафанинг ўзаро ҳамкорлиги сабаб юксалиб борган.

Диний фаолият ва муносабатлар. Диний соҳа фаолият орқали ривожланиб боради. Бироқ, диндорлар, диний гуруҳ ва ташкилотлар диний ҳамда диний бўлмаган фаолият

шакллари билан ҳам шуғулланадилар. Диний мазмунга эга бўлмаган фаолият иқтисодий, сиёсий, бадиий, илмий каби диндан ташқаридаги жабҳаларда амалга ошади. Бирок, бундай фаолият диний мазмунга ҳам эга бўлиши мумкин бўлса-да, ўзининг объектив мазмуни, предмети ва натижасига кўра диндан ташқаридаги фаолиятни англатади.

Диний фаолият ижтимоий фаолият тизимида ўзига хос ўринга эга бўлиб, унинг икки шакли ажратиб кўрсатилади. Булар, диний ибодат ва ундан ташқарида бўлган фаолият кўринишларидир. Диний маросимлардан ташқари бўлган фаолият маънавий ва амалий соҳаларда кечади.

Шу ўринда, диний ибодат ва маросимлар тўғрисида тўхталиш ўринли. Диний маросим – бу, қонун-коидалар томонидан белгиланган ва Худо йўлида хизмат қилишга қаратилган диний хатти-харакатлар мажмуи бўлиб, у диний фаолиятнинг энг муҳим шаклидир. Унинг мазмуни диний тасаввурлар, ғоялар, ақидалар, энг аввало эса, муқаддас китоблардаги кўрсатмалар билан белгиланган. Диний маросим ҷоғида ушбу кўрсатмаларни бажариш диндор учун олий неъмат ҳисобланади.

Диний маросимларнинг предмети сифатида диний образлар шаклида ҳис этиладиган турли обьектлар ва кучлар чиқади. Ўзининг эволюцияси мобайнида динлар, диний йўналишлар ва конфесиялар учун турли моддий нарсалар, ҳайвонлар, ўсимликлар, ўрмонлар, тоғлар, дарёлар, Куёш, Ой кабилар ёки Худо, Худолар ва бошқа олий борлиқ сифатида тан олинган кучлар намоён бўлиб келган. Хутба, илтижо, диний байрамлар, курбонлик қилиш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш кабилар диний маросимларнинг асосий шаклларидир.

Диний маросимнинг субъекти сифатида диний гурӯҳ ёки алоҳида олинган инсон чиқади. Диний фаолиятнинг ушбу шаклида иштирок этиш истаги энг олий борлиқка хизмат қилиш, гуноҳларни ювиш, ҳаётини эзгу ишлар билан

бойитиш каби рағбатлантирувчи диний омиллар билан шартлангандир.

Диний гурухлар бевосита диний маросимларни бошқарувчи хизматчилар ҳамда иштирокчилардан иборат бўлади. Диний маросимларнинг воситалари сифатида ибодатхоналар, дин доирасида яратилган санъат намуналари, турли диний предметлар чиқади.

Диний маросимлар амалиёти диний эътиқоднинг мазмунидан келиб чиқади. Диний қарашлар, муқаддас китоблар, ақидалар ва қонун-коидаларда катта-ю-кичик миқёсдаги диний маросим, ибодатларни мақсадга мувофик ўтказишга доир кўрсатмалар, нормалар ўз аксини топади. Маросим ҳамда унинг воситалари ҳам рамзий маънога эга бўлади. Масалан, масжидни исломий ибодат амалга ошириладиган жой сифатида талқин этсак, айни пайтда, у диний рамзий тушунишга кўра, “Худонинг уйи” деб ҳам юритилади.

Диний маросим ва ибодатларнинг натижаси – бу, энг аввало, диний эҳтиёжлагнинг қондирилиши бўлса, шунингдек, улар диний туйгуларнинг янада жонланиши, муқаддас бурчнинг бажарилганидан коникиш ҳиссининг юксалиши ҳамdir. Зеро, ибодат ва маросимлар ёрдамида диндорлар онгига диний образлар, рамзлар, асотирлар акс этади ва бу, ўзига хос руҳий-эмоционал ҳолатни юзага келтиради. Маросимларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар орқали диндорлар ўртасидаги ўзаро жипслилик мустаҳкамланади.

Диний фаолият бевосита диний ташкилотлар, муассасалар срқали ташкил этилади ва амалга оширилади. Зеро, диний соҳанинг барқарорлиги кўп жиҳатдан, диний ташкилотлар фаолиятига боғлиқdir. Бундай ташкилотлар тартибга солувчанлик функциясини бажаради. Зеро, диний ташкилотлар, институтлар бир дин ёки конфессия доирасидаги кишиларни ўзида мужассамлаштиради.

Диний ташкилотлар структураси ва функциялари жамият тараққий этгани сари такомиллашиб боради. Хуқукий давлат ва фуқаролик жамияти шароитида диний ташкилотлар фаолияти қонунлар орқали тартибга солинади. Уларнинг хуқукий мақоми қатъий нормаларга таянган бўлади.

Хусусан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳам диний ташкилотлар фаолиятига доир етарли хуқукий асослар яратилди. “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-руслар ва маросимларни биргалиқда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўкув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилиши” қайд қилинган. Айни пайтда, ушбу қонунда диний ташкилотларнинг фаолият олиб боришига доир хуқукий нормалар ҳам ўз аксини топган. Унга кўра, диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт бўлиб, диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб борища, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, аҳлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-харакатларда фойдаланишга йўл кўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазийик ўтказишига қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

Диний муносабатлар – диний соҳа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқадорликларнинг содир бўлиш шароити, ҳолатини англатувчи ижтимоий муносабатларнинг маҳсус шакли бўлиб, диний онгга мувофиқ тарзда шаклланади ва диний фаолият орқали амалга ошади. Диндорлар, диний хизматчилар, диний ташкилотлар ва уларнинг бошқарув органлари диний муносабатларнинг субъектлари хисобланади.

Диний муносабатларнинг муайян дин ёки конфесияга татбиқан олинганда, ички ва ташки даражаларда намоён бўлади. Масалан, бундай муносабатлар маълум бир дин доирасидаги диндорлар, диний муассасалар ўртасида ҳамда динлараро, конфесиялараро алоқаларда ҳам кечади.

Замонавий шароитларда диний муносабатлар ҳақида гап кетганда, динлараро мулокот (диалог) хусусида тұхталиш, мақсадга мувофиқ. Зеро, мулокот қонуний асослардаги, соғлом диний муносабатларнинг мухим омилидир. Диний муносабатларнинг юксалган шакли сифатида динлараро мулокот турли динлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва таъсирлашувни англатадиган серкірра, тарихий жараёндир. Мулокотдан кўзланган асосий мақсад – турли хил зиддиятларга барҳам бериш, хар хил диндаги кишилар ўртасида ўзаро тенглик мухитини барқарор қилишдан иборатdir. Агар, жаҳон ҳамжамияти томонидан динлараро мулокотга бўлган улкан эҳтиёж асосан, XX асрда англаб етилган ва бу йўналишда чора-тадбирлар ишлаб чиқила бошланган бўлса, Ўзбекистон заминида қадимдан турли динлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва тенгликка асосланган муносабатлар барқарор бўлиб келаётгани ва бу, бағрикенг ҳалқимиз маданиятининг ибратли жиҳатларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Мустақиллик йилларида ҳам бағрикенглик маданиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларнинг олиб борилиши натижасида, республика-мизда диний соҳа ривожи мунтазам таъминланмоқда.

Динлараро мулоқот томонларнинг ўз позицияларидан воз кечишларини англатмайди. Аксинча, мулоқот туфайли турли хил дунёқарааш, ёндашувга эга субъектлар бир-бирларининг нуктаи назарларини теран англаб олиш имконига эга бўладилар. Диний глобаллашув жараёнлари ривожланиб бораётган ҳозирги даврда динлар ва конфессиялараро мулоқот давримизнинг мухим фалсафий, ижтимоий, табиий-илмий, ахлокий, эстетик, антропологик ва бошқа шу каби масалалар юзасидан амалга оширилмоқда. Умуман олганда, динлараро мулоқот бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг асосий механизми бўлиб, инсон ва унинг манфаатлари энг олий қадрият сифатидаги моҳиятини тўлақонли очиб беришга хизмат қилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дин тизим сифатида қандай структуравий элементлардан ташкил топган?
2. Диннинг функциялари ўртасида қандай алоқадорликлар мавжуд?
3. Илмий дунёқарашнинг асосий хусусияти нимадан иборат?
4. Дин ва фалсафанинг умумий жиҳатлари деганда қандай масалалар тушунилади?
5. Диний фаолиятнинг сиёсий-ҳукукий асослари нималарда ўз аксини топган?

Мустақил иш учун мавзуулар:

1. Фидеизм концепциясининг мазмунни.
2. Атеизм ва теизм фоyllарининг қиёсий таҳлили.
3. Ҳозирги даврда диний маданият ривожланишининг асосий хусусиятлари.
4. Ноқонуний диний фаолият: сабаблар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари.
5. Буддийлик монотеистик таълимот сифатида.
6. Диий бағрикенглик тамойилининг демократик моҳияти.

4-мавзу. Дин феноменологияси

Феноменологик қарашларнинг вужудга келиши. Маълумки, феноменология (инглизча “phenomenology” сўзидан) фалсафа фанининг муҳим йўналишларидан бири хисобланади. Ушбу атама бир неча файласуфларнинг таълимоти билан узвий алоқадордир. Масалан, Гегель онг ҳодисалари ва абсолют рухнинг ривожланиш шакллари ҳақидаги қарашларини шу ном билан атаган бўлса, Эдмунд Гуссерлнинг (1859-1938) идеал моҳиятлар, яъни, феноменларни интуиция ёрдамида қабул қилиш ва бу жараённи тушунтиришга бағишиланган феноменологик таълимоти ҳам дунёга машҳур. И.Кант қарашларида феноменология – бу, ҳиссий билишнинг тамойиллари тўғрисидаги билимлар тизимини англатади.

Сирасини айтганда, феноменология Энг янги давр ҳамда замонавий фалсафий тафаккур тараққиёти босқичига хос бўлган тажрибаларни тавсифий ўрганиш, нарса ва ҳодисаларни сезгилар орқали билиш жараёнини тадқиқ этишга қаратилган концепциядир.

Феноменология Эдмунд Гуссерл фалсафасидаги асосий методологик ёндашув бўлганини тарькидлаш жоиз. Олим фалсафа фани ҳодисаларни тажриба ёрдамида билиш билан боғлик жараёнларни интроспектив тадқиқ этишга хизмат қилиши зарур, деб хисоблаган. Унинг қарашларида оламни қабул қилишнинг интенционаллиги ҳақидаги доктрина марказий ўрин тутган. Бунга кўра, ақлий жараёнларни ўрганишда, индивидуал онгга бевосита тегишли бўлмаган қўшимча жиҳатлар, масалан, бегона концепциялар ақлий ҳодисаларнинг мантикий моҳиятини тизимли тадқиқ эта олиш учун қавс ичига олинини зарур. Шу тариқа, Гуссерл фикрича, “феноменологик редукция” фикрнинг оламни қабул қилишдаги номувофиқликлардан ҳалос этувчи, априор (тажрибадан қатъи назар олдиндан ўртага ташланган) моҳиятларини аниқлашга қаратилган.

Шундай бўлса-да, феноменология кўплаб бошқа ижтимоий фанларнинг ҳам таркибий қисмига айланган ва феноменологик ёндашув муҳим методологик тамойил сифатида расмийлашган. Жумладан, экзистенциал фалсафа, социал таҳлил ва умуман, социология, психология, этнометодология каби билимлар тизими шулар жумласидандир.

Мавзу доирасида бизни асосан, дин феноменологияси кўпроқ қизиқтиради. Дин фалсафасининг яхлит соҳаларидан бири бўлган замонавий дин феноменологиясида фаннинг предмети, муқаддаслик, когнитивлик мажмуанинг структараси, муқаддас макон, замон ва ракам, ибодат, илоҳий овоз, белги ва сўзлар, илоҳий нутқ, матн, авлиё одам, дин ва теология каби масалалар ажратиб кўрсатилади ва тадқик этилади.

Дин феноменологиясининг мазмуни. “Дин феноменологияси” атамаси илк марта голланд диншунос олими Пьер Даниэл Шантели де ла Соссе (1848-1920) томонидан унинг “Дин тарихи дарслиги” асарида кўлланилган. Олим ўз даври билимларига таянган ҳолда дин түғрисида икки асосий фан мавжудлигини таъкидлаган. Булар, дин тарихи ва дин фалсафаси. Айни пайтда, диншунос ушбу икки фанлар оралиғидаги боғловчи халқа сифатида дин феноменологиясини ажратиб кўрсатган. “Турли диний ҳодисаларни киёсий ўрганиш (дин феноменологияси) ва гурухлар дин тарихидан дин фалсафасига ўтиш учун имкон беради” деб ёзади П.Д.Шантепи. Олим ижодидаги ушбу фрагмент кўплаб мутахассисларга уни XX асрда кенг тарқалган ва муҳим аҳамият касб этган илмий йўналиш - дин феноменологиясининг асосчиси сифатида эътироф этишга имкон беради. Умуман олганда, дин тарихи ва дин фалсафаси ўртасида “дин феноменология” номли боғловчи фан булиши зарурлиги ҳакидаги гоя голланд мутахассиси қарашларининг марказидан ўрин олган.

Дин феноменологияси Шантепи де ла Сосседан сүнг күплаб унинг издошлари томонидан ривожлантирилган. Шулардан бири немис олими Рудольф Оттодир (1869-1937). Унинг "Das Heilige" номли ҳажман унчалик катта бўлмаган асари фалсафий, теологик доираларда улкан қизиқишиларга сабаб бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Оттонинг фан олдиғаги энг катта хизмати – бу, "илохийлик" категориясининг батафсил таҳлил этилиши ва диний тажрибанинг универсал структурасининг феноменологик тавсифланишидир. Олим илохийликни мураккаб, таркибий категория сифатида олиб қарашни истиқболли деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, динларда аксарият ҳолларда илохийликнинг рационал ва ахлоқий жиҳатларига эътибор қаратилади. Бироқ, бу билан феноменнинг моҳияти тўлиқ очиб берилмайди. "Илохийлик ўзида мутлақо ўзгача, рационалликдан сирғаниб қочиб кетадиган жиҳатга эга. Шунинг учун, уни тушунчалар орқали англаб бўлмайди", - деб ёзди Otto. Бундан ташқари, олим ахлоқий изоҳлар ҳам илохийликни тўлиқ тушунтириб бера олмаслигини таъкидлайди. Бу ҳакда у: "Бизга илохийлик ҳақида асил эмас, кўчма маънода гапириш одат бўлиб қолган. Биз уни мутлақ ахлоқий предикат сифатида тушунамиз ... бироқ, бундай ёндашув катъий бўла олмайди. Ахлоқий жиҳат илохийликнинг таркибига кирса-да, у ўзига хос кўшимча ҳолатга ҳам эга. Бундан ташқари, "илохийлик" ва унга ҳамоҳанг бўлган лотин, юнон ва бошқа қадимий тиллардаги барча сўзлар энг аввало, ва асосан айнан шу кўшимча ҳолатни англатади. Бундай сўзларни ахлоқий жиҳатларга умуман дахли йўқ. Мабодо дахли бўлса ҳам, уларга камдан-кам вактларда тааллукли бўлади", - деб ёзди.

Ото феноменнинг моҳиятини ташкил этувчи ва ҳар қандай диннинг ўзаги бўлган "кўшимча" хусусиятни аниклаш учун илохийликдан рационал ва ахлоқий жиҳатларни олиб ташлаш ва ушбу методологик операция

натижасида ҳосил бүлган ҳолатни лотин терминологиясындағи “numen” – яъни, “илохий мұжиза” сүзига мурожаат қылған ҳолда “беназир, ғоят гүзәл ибтидо” деб аташни таклиф этади. Мутахассислар фикрича, Отто мазкур атама орқали диндаги үзига хос дастлабки воқеликни ифодалаш мақсадини күзлаган. Аввалбошдан мавжуд бүлган ушбу илохий ҳолат, немис олимни фикрича, кейинчалик турлы динларда рационал мазмун ва шакл касб этиб борган. Шунинг учун, Отто махсус киристилгандың ушбу атама орқали дин феноменининг мутлақо ва түлиқ характеристикалайдиган жиһатини очиб беришга уринган.

Христиан теологи сифатида Отто мұжизавий объектнинг мавжудлигига сұзсиз ишонған ва диндор киши ушбу объект билан учрашганда кечирадиган ҳиссияттағы кечинмаларни асосий тадқиқот предмети сифатида талқин эттән. Олим фикрича, диний тажрибанинг мөхияти яъни, илохий мұжизавийлик түлиқ иррационал ҳусусиятта эга ва уни тушунчаларда ифодалаб, таърифлаб бүлмайды.

Шундай бүлса-да, немис олимни илохий мұжизавийликни акл ёрдамида билиб бүлмаслигини эълон қилиши, унинг үзини барча даврлардаги иррационалист мутафаккирларни үйлантирган савол қаршилага күяди. Бунинг маъноси шунда-ки, агар дин феноменини мантиқий тафаккур орқали англаш мумкин бүлмаса, у ҳолда ушбу масала юзасидан бүладиган ҳач қандай фикр-мулоҳазалар, ёзишмаларни четта суриб, объектни жим кузатиш билан банд бүлган фойдалыроқ бүлмайдими, деган табиий савол пайдо бүлади.

Бирок, тарих шуну күрсатады, деярли барча мистик ва иррационалист олимлар үз дүнекараашларини үша давр илм-фани эришган ютуқларга асосланған ҳолда, барчага маълум тушунчалар ва таърифлар орқали ифода этишга интилиб келгандар. Шу маънода, дин ҳақидаги фалсафий фикрлар ҳам қантчалик иррационал мазмунға эга бүлмасин, улар рационал тафаккур натижаларига ҳам таянади.

Ушбу жиҳат, айниқса, классик дин феноменологияси-нинг яна бир йирик вакили Макс Шелер (1874-1928) ижодида яққол намоён бўлган. 1916 йилда олимнинг “Аҳлоқда формализм ва қадриятларнинг моддий аҳлоқи” номли асари эълон қилинади. Китоб олимнинг дин ҳақидаги қарашлари-га бағишиланган бўлиб, унда “илоҳийлк”, “муқаддаслик” каби категориялар таҳлил этилган. Шунингдек, Шелернинг дин феноменологияси тўғрисидаги қарашлари унинг 1921 йилда чиқкан “Абадий инсон ҳақида” номли китобида ҳам ўз аксини топган. Ушбу асарда олим Р.Отто қарашларини таҳлил қилган ҳолда: “Бир неча йиллар ўтгандан сўнг, унинг дин феноменологияси ажойиб, чукур ва жиддий таҳлил қилинган асарини қайта ўқиганимда, мен икки бир-биридан мустақил равишда амалга оширилган тадқикотлар – менинг ва унинг таҳлилларимиз натижалари-нинг қанчалик ўхшаш эканига ҳайратда қолдим”, - деб ёзган. М.Шелер Р.Отто кўллаган феноменни ортиқча хусусиятлардан “тозалаш”га қаратилган методини жуда юксак баҳолаган. Унинг фикрича, ушбу метод моҳиятни феноменологик кўра олиш имконини беради.

Шелер ва Отто қарашлари ўзаро фарқли томонларга ҳам эга. Хусусан, агар Р.Отто ўз ижодида протестант теологияси ва И.Кант, Я.Фриз каби файласуфларнинг номи билан боғлиқ фалсафий анъаналарга таянган бўлса, Шелер “Абадий инсон ҳақида” асарини ёзадиган пайтга келиб католикликка ўтган ва ўз фалсафасида таълимоти кўпроқ Германияда кенг тарқалган Эдмунд Гуссерл назариясига яқин келганини кузатиш мумкин.

Р.Отто таълимотида акс этган протестант теологиясига хос бўлган субъективизм элементларини танқид қилган ҳолда, М.Шелер ўзини фалсафий ва теологик объективизм тарафдори деб ҳисоблаган ҳамда доимо дин ва диний онг ҳақидаги ҳар қандай таълимотга илоҳийлик тўғрисидаги қарашларнинг мувофиқ келиши ва хатто, унга асос бўлиши зарурлигини таъкидлаган. Шу нуқтаи назардан туриб, олим

Ўзининг дин феноменологияси концепциясини ишлаб чиқкан. Унга кўра, моҳиятли дин феноменологияси бошка барча динни ўрганишга қаратилган илмий ва фалсафий ёндашувлар учун якуний асос бўлиб хизмат қилиши лозим. “Моҳиятли дин феноменологияси З бўлимни ўз ичига олади: 1) илоҳийликнинг моҳиятли онтикаси; 2) илоҳийлик ўзини топадиган ва инсонга айланадиган очилиш шакллари ҳакидаги таълимот; 3) муқаддас вахий мазмунини англаш, қабул қилишга тайёргарлик воситаси сифатида чиқадиган диний ибодат тўғрисидаги таълимот”, - деб ёзди М.Шелер.

Олим илоҳийлик феноменининг табиатини икки жиҳат орқали очиб беришга уринган. Бунга биноан, илоҳийлик – мутлақ моҳият, илоҳийлик – муқаддас. Шелер фикрича, илоҳийлик ўзини табиий оламдаги нарса ва ҳодисалар, инсон онги, ижтимоий ва тарихий воқеликда топади ва намоён қиласди. Буларнинг барчасини табиий динга хос бўлган табиий вахий қаторига қўшиш зарур. Агарда илоҳийлик ўзини шахслар ва сўз орқали (*homines religiosi*) топса, у ҳолда, позитив дин мос келадиган позитив вахий ҳакида гапириш, мақсадга мувофиқ.

Дин феноменологиясидаги янги тенденциялар. Дин феноменологиясининг тулиқ шаклланишини, одатда, Герардус ван дер Леув (1890-1950) номи ва унинг “Дин феноменологиясига кириш” (1925) ҳамда “Дин феноменологияси” (1930) каби асарлари билан боғлашади. Ушбу китоблар нашр этилгач, голланд теологи ва диншунос олими XX асрнинг 50-йилларига қадар дин феноменологияси борасида етакчилик қилган.

Олим томонидан ишлаб чиқилган динни тадқик этиш методологияси ва унинг таълимотининг асосий тамойиллари диншунос мутахассислар орасида катта обруға эга бўлган. Леув карашлари борасида ҳозирги кунда ҳам Фарбда фаол баҳс-мунозаралар олиб борилади. Замонавий дин феноменологи Аллен Дуглас бу ҳақда шундай ёзади: “Танқидчилар ван дер Леув асарларидаги диний

билимларнинг бой коллекциясига тан берадилар. Бирок, айни пайтда, улар олимнинг дин феноменологиясига жиiddий эътиrozларни ҳам билдиришади. Уларнинг фикрича, ван дер Леув концепцияси кўплаб теологик ва метефизик заминларга таянган бўлиб, унда қадрият ҳақидаги мунозаралар ҳаддан зиёд кўпайиб кетган ва ўта субъектив, спекулятив характерга эга. Шунингдек, олим таълимотида диний ҳодисаларнинг тарихий ва маданий жиҳатлари эътиборсиз қолдирилган. Шунинг учун, унинг қарашлари эмпирик йўналган тадқиқотлар учун унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас”.

Шундай бўлса-да, Г. ван дер Леув диншунослик фанлари ва дин феноменологияси ўртасидаги ўзаро муносабатга алоҳида диккат қаратганини таъкидлаш жоиз. Ўз илмий ва педагогик фаолиятини дин тарихчиси сифатида бошлиган Г. ван дер Леув ўз ихтисослигига юксак ҳурмат ва масъулият билан ёндашган. Жумладан, олим бу борада шундай ёзади: “Дин тарихи “нима?”, “қаерда?”, “качон?” каби саволларга жавоб топишга интилади ва тадқиқотчидан дини ўрганилаётган халқларнинг тарихи ва маданияти ҳақида чукур билим талаб этади. Дин тарихи асосини, шубҳасиз, фактик материаллар ташкил этади, бирок, олим фактатгина уларни туплаш билан чекланмаслиги зарур. Тўпланган материаллар, агарда, улар қандайдир бир гипотезага асос бўлмаса, ўз-ўзича қадрли була олмайди. Фоя устида ишланг. Хаттоки, у охир-оқибат фикрингизнинг чин эмаслигини исботласа ҳам. Қандайдир гипотезани асослаш ёки инкор этиш учунгина материаллар тўланг, лекин ҳеч качон фақат фактлар йиғиш билан чекланманг. Акс ҳолда почта маркаларини йиғинг”. Г. ван дер Леув фикрича, тўпланган материал қайта ишланишга, тавсифга ва таснифга муҳтож бўлади. Шу нуқтаи назардан, олим дин феноменологиясини дин тарихидан фарқли равища тизимлаштиришга қаратилган фан соҳаси сифатида талқин этган. Унинг фикрича, дин феноменологияси унга дин тарихи тақдим

этадиган материалларсиз мавжуд бўла олмайди. Бироқ, бошқа томондан, дин тарихи дин феноменологиясисиз фактларнинг хаотик уюмига айланиб қолади. Бу фанлар ўргасидаги фарқ соф методологик характерга эга. Чунки улар ягона предметга эга, бироқ уни ўзгача тадқиқ этадилар.

Олим фикрича, дин феноменологияси ва психология ўргасидаги алокা тамомила ўзагачадир. Улар методологик жиҳатдан бир-бирига яқин, аммо, ўзаро мос келмайдиган тадқиқот предметларига эга. Голланд олими ўзининг мақолаларидан бирида ўз давридаги субъектив психология методологияси билан дин феноменологияси методологиясини тенглаштиради. Олим фикрича, уларни бирлаштирадиган жиҳат бир томондан, тадқиқотчига ўз ички дунёсини аниклаштиришга имкон берадиган интроспекциялар бўлса, бошқа томондан, тадқиқот обьектига киришга ёрдам берадиган эмпатиядир. Бу хақда олим: “Бизнинг метод бошқа давр, халқ ва шахсларнинг диний тажрибаси ҳакидаги тарих фани берган маълумотларни ўз тажрибамиз натижасида олинган билимлар билан мунтазам таққослашга асосланади. Биз бегона ҳодисаларга фақаттина уларни ўзимизники билан солиштириш орқали якинлашишимиз мумкин... Табиийки, “ўз-ўзингни англа” тамойили бизнинг тадқиқотимизда биринчи ўринда туради. Бироқ, биз ҳодисаларнинг моҳиятига кириб боришни истасак, у ҳолда ўз ички дунёимизни шу ҳодисалар билан мувофиқлаштиришимиз, улар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлишимиз даркор”, - деб ёзади.

Ушбу илмий тадбирларни амалга оширмасдан психолог ҳам, дин феноменологи ҳам ўз мақсадига эриша олмайди, деб ҳисоблади Г. ван дер Леув. Бироқ, психологияни фақаттина диний туйғу ва кечинмалар қизиттирса, дин феноменологияси барча диний ҳодисаларни тадқиқ этади. Шу маънода, бу фаннинг предмети психологияникига кўра анча кеңгидир. Феноменология инсонга мурожаат қилган ҳолда, диний шахснинг фақат туйғу ва кечинмаларини эмас,

балки, уни тұлигіча олиб қарайди. Голланд олимдининг ушбу фикрлари, у томонидан ишлаб чиқылған феноменология дин психологиясидан диний антропология томон йүл очиб бориши ҳақидаги фикрни баён этишга имкон беради.

Дин феноменологиясининг шаклланиши ҳамда бу йұналишда ижод қылған олимлар тұғрисидаги кисқача таҳлилга таянған ҳолда шуни таъқидлаш мүмкін-ки, Голландия ва Германияда пайдо бўлган дин феноменологияси концепцияси үзининг кўплаб тарафдорларига эга бўлди. Германияда Фридрих Хейлер (1892-1967) ва Йоахим Вах (1898-1955) кабилар кузга кўринган дин феноменологлари бўлган бўлса, XX асрнинг биринчи ярмида голланд-скандинав ўлкасида Эдвард Леманн (1862-1930) ва Уильям Бреде Кристенсенлар (1867-1953) бу борада самарали ижод қилишди. Шу тариқа дин феноменологияси Европа китъасининг турли мамлакатларида кенг тарқалди. Францияда Гастон Бергер (1896-1960), Италияда – Рафаэль Петтационилар (1883-1959) ҳам дин феноменология ривожига катта хисса қўшдилар. Йоахим Вахнинг Америкага эмигрант бўлиб бориши эса, ушбу фалсафий йұналишнинг АҚШда ҳам ривожланишига кенг йўл очди. Хусусан, Германиялик олим асос солган Чикаго мактаби вакиллари М. Элиаде, Дж. Китагава, Ч. Лонг, Ф. Эшби каби мутахассислар дин феноменологиясида үзига хос ёндашувларни илгари сурдилар. Кейинчалик, айрим мураккабликларга қарамай дин феноменологияси Англияда ҳам тадқиқ этила бошланди ва бу, энг аввало, инглиз олими Ниниан Смарт номи билан боғлиқ.

Таъқидлаш жоизки, барча феноменолог олимлар қиёсий таҳлил, диний феноменларни таснифлаш каби методлардан кенг фойдаландилар. Бу орқали улар Голландия, Дания, Норвегия, Швецияда самарали ривожланган дескриптив дин феноменологиясиға хайрихохлик билдирилар. Улар ўз фанларининг эмпирик ва тавсифловчи характерга эга

эканини таъкидлаб, кўп ҳолларда қиёсий диншунослик ва дин феноменологиясини ўзаро тенг деб ҳисоблаганлар.

Дин феноменологияси бошқа диншунослик фанларига нисбатан умумий назария функциясини бажариши зарурлиги ҳақидаги ғоя XX аср биринчи ярмида ижод қилган олимлар орасида кенг тарқалди. Бу дин фалсафаси ривожланишида айрим мураккабликларга сабаб бўлганини таъкидлаш жоиз. Дин феноменологияси доирасида ишлаб чиқилган метод, категория ва тушунча дин фалсафасининг XX аср бошларида мавжуд бўлган парадигмаларининг бузилишига олиб келди.

Феноменологлар томонидан эмпатия, интуитивизм, априоризм, антиредукционизм, интенционализм каби тамойилларнинг қўлланилиши натижасида дин фалсафасининг аввалги методологик базаси билан янгилари ўртасида узилиш пайдо бўлган бўлса-да, охир-оқибат дин феноменология вакилларининг ижодий фаолияти дин фалсафасининг янги сифат босқичига қўтарилишига олиб келди. Зотан, шундан сўнг диний ҳодисалар макон ва замон нуқтаи назаридан моҳиятан, тизимли таҳлил этила бошланди. Бунга динларни қиёсий ўрганиш, уларни зарур мезонлар асосида таснифлаш, конкрет диний ҳодисаларни анализ ва синтез қилиш каби муҳим илмий методларнинг дин фалсафаси методологик базасидан барқарор ўрин эгаллагани мисол бўла олади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Феноменология деганда қандай илмий соҳа тушунилади?
2. Қайси фалсафий феноменологларнинг қарашлари билан танишсиз?
3. Диний феноменологиядан кўзланган асосий мақсад нима?
4. Р.Отто феноменологик қарашларидаги марказий ғоя нимадан иборат эди?

5. Дин фалсафаси ривожланишида феноменология қандай аҳамият касб этади?

6. Диний феноменологиянинг ривожланиші истиқболлари қандай омилларга бөғлиқ?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Ислом фалсафасида феноменологик қараашлар.
2. Феноменология ва иррационализм тамойиллари.
3. Феноменологик онг ва тажриба.
4. Диний феноменология ва фалсафий фанлар алоқадорлиги.
5. Ҳозирги давр феноменологик концепциялари.
6. Ўзбекистонда диний феноменология ривожланишинг истиқболлари.

5-мавзу. Фалсафий теология – дин фалсафасининг асосий йўналиши

Фалсафий теологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Дин фалсафасининг асосий йўналишларидан бири, бу - фалсафий теология ҳисобланади. Маълумки, теология (лот. theo – Худо, logos - таълимот) ёхуд илоҳиёт – Худо тўғрисидаги фан, таълимот маъноларини англатади. Худо, унинг сифатлари, белгилари ва ҳусусиятлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаш ва ҳимоя қилиш тизими сифатида мазкур фан муайян дин томонидан белгиланган ақидаларнинг чинлигини исботлаш билан бирга, диндорлар ҳаёт тарзи ва меъёрлари комплексини ҳам ўрганади. Ўрта асрларда теология сифатида жамиятни, давлатни бошқаришининг мафкуравий асоси бўлган. Шу сабабли бошқарувнинг теократик шакли ҳам вужудга келган. У ўрта аср маданиятининг барча турларини илм-фан, фалсафа ҳамда ахлоқни ўзида мужассамлаштирган ягона тизим шаклида намоён булади.

Теологиянинг алоҳида фан сифатида асосий функцияси, динларнинг ўз ақидасини, яъни Худо тұғрисидаги ўз таълимотларининг бошқа ақидаларга нисбатан мақбул ва тұғри эканини исботлашдан иборат. Жумладан, ислом дини доирасида илоҳиёт масалаларининг алоҳида күриб чиқила бошлиши, яъни, калом илмининг вужудга келиши, 8-9-асрларда жабарийлар, қадарийлар, мұтазилийлар, муржиъийлар каби Аллоҳнинг зоти-сифатлари, тақдир каби масалаларда ихтилофларни юзага келтирған оқимларнинг пайдо бўлиши натижаси эди. Бу ҳолда соғ ақидани янги пайдо бўлган таълимотлардан асраш, уни тұғрилигини исботлаш зарурати пайдо бўлганди. Холбуки, аввалги аср олимларининг барчаси калом илми билан шугулланишни “ҳаром” ва хаттоки “куфр” деб ҳисоблашган.

Христианлик доирасида ҳам теология аввал бошида “апологетика”, яъни, христианликни атрофдаги динлар тазиқидан ҳимоя қилиш, Исо таълимотининг илоҳий эканини илмий исботлаш шаклида юзага келган.

Бироқ, теология доимо фалсафа билан боғлиқ ҳолда мавжуд булиб келганини таъкидлаш жоиз. Ўрта асрлар охирларига қадар фалсафа илоҳиётта мослаштирилган. Жумладан, антик давр файласуфи Фалес, илк ўрта асрларда Фома Аквинский, Р. Бультманлар ҳам йирик теологлар бўлишган. Аквинскийнинг замонавий католиклик ақидасининг асосчиси саналиши ҳам юқоридаги фикримизнинг исботи була олади.

Ислом оламида фалсафага нисбатан икки хил муносабат мавжуд булган, мұтазилийлар, жабарийлар, жаҳмийлар, исмоилийлар каби илоҳиёт мактабларининг фаолияти натижасида бир гурух олимлар фалсафа билан шугулланишни умуман инкор этишса, Имом Газзолий каби бошқа бир турдаги олимлар фалсафа ва каломни яраштиришга уринишган.

Кейинчалик Европа ва Шарқ оламида хурфиксрилилк харакатларининг ривожланиши теологиянинг фалсафа фани

таркибидаги бир бўлимга айланишига олиб келди. Европа мухитида Ницше, Фрейд, Спиноза, Юм каби файласуфлар теологияга танқидий ёндашувлари асосида фалсафий теология, яъни, диний фалсафа юзага келди.

Фалсафий теологиянинг асосий вазифаси борликнинг диний-фалсафий асослари ва ундан келиб чиқадиган ихтиёр эркинлиги, тасодифийлик ва зарурийлик, Худонинг сифатлари баҳси каби масалалар ҳисобланади. Умуман олганда, фалсафий теология Худонинг барча сифатлари билан бирга мавжудлигини фалсафий жиҳатдан асослашга уринади. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун *биринчидан*, Худонинг мавжудлигини исботлаб бериш, *иккинчидан*, имкон қадар Худонинг табиатини аниклаш ва *учинчидан*, Худо – олам ва Худо – инсон муносабатларини очиб бериш масалаларини ҳал қилиш лозим бўлади.

Фалсафий теология айни дамда “табиий теология”, “диний фалсафа”, “диний метафизика”, “рационал теология” каби номлар билан ҳам аталади.

Инсоният яралиби-ки, доимо борликнинг илоҳий яратувчиси – Худо ҳакида кўпроқ билишга, унга яқинлашишга уринади. Мавжуд барча динларда, оз ёки кўп микдорда, Худо ҳақидаги таълимотнинг мавжудлиги, мазкур мавзудаги баҳслар антик даврдан то бугунги кунга қадар файласуфларнинг асосий мавзуларидан бири экани юкоридаги фикрларимизга исбот бўлиб хизмат қиласди. Мазкур масалаларни ҳал қилишга уринишлар натижасида фалсафий теология тез суратларда ривожланди, унинг баҳс мавзулари кўпайди. Оқибатда, бу бир неча фалсафий теологик мактабларнинг шаклланишига олиб келди. Мазкур оқимлардан энг йириклари сифатида теизм, деизм, пантейлизм, пантентеизм каби оқимларни санаш мумкин.

Теизм ва деизм диний-фалсафий таълимотларининг асосий хусусиятлари. Маълумки, теизм (юононча Θεός — Худо) - кенг маънода Худо ёки Худоларга ишониш, тор маънода эса монотеистик характерга эга бўлган Худонинг

мавжудлиги ва унинг бутун дунёда ўз ҳукмини ўтказиши ҳакидаги диний фалсафий таълимот. Мазкур атама илк бор Ральф Кедворт томонидан “Борлиқнинг асл интеллектуал тизими” номли асарида амалга киритилган. Бугунги кунда монотеистик моҳиятга эга бўлган барча диний таълимотлар (яхудийлик, христианлик, ислом каби) теизмга киритилади.

Теизмга кўра Худо дунёнинг яратувчисигина бўлиб қолмай, уни бошқаришда ҳам бевосита ёки билвосита иштирок этади. Мутахассислар, мазкур таълимот шаклланиши ва ривожланишининг асосий сабаби сифатида Гегель ва Шеллингларнинг пантеистик назарияларининг қониқарли бўлмаганини келтиришади.

Теизмнинг энг йирик намояндалари сифатида кичик Фихте, Ульрици, Вирт, Вейсе, Халибеус, Шварц, Каррьер ва Цейзинг каби файласуфларни қайд этиш мумкин. Фалсафада теизмга нисбатан “бехабарлик” мавқеида туриш – агностицизм, бундай эътиқоднинг йўқ булиши – атеизм, теизмни инкор этиш эса – антитеизм деб аталади. Хинд фалсафасида эса, теистик таълимот – астика, унинг зидди эса (яъни атеизм) – настика деб аталган.

Деизм (лат. deus — Худо) – мазкур диний-фалсафий таълимоти эса, илк бор лорд Герберт Чербери (1583—1648) томонидан олға сурилган бўлиб, Худонинг мавжудлиги ва у томондан дунёнинг яратилганини тан олган холда, айни дамда унинг мистик ва гайритабиий ходисотлари ва диний ақидаларни инкор этишга асосланган. Бир тоифа деизм тарафдорлари фикрига кўра Худо оламни яратиб қўйган, бироқ кейинги воқеалар ривожига аралашмайди, бошка тоифа деистлар фикрича эса Худо дунё ишларига аралашсада, аммо, уларни тўлиқ назорат қилмайди. Деизмнинг аниқ бир ишлаб чиқилган асослари мавжуд бўлмай, акл, тафаккур ва табиатни кузатиш Худони англаш учун етарли хисобланади.

Дезим Таврот, Инжил ва Куръон каби муқаддас манбала ўнинг илохийлигини инкор этган холда, уларнинг

асоссиз равишда ақидаларни ишлаб чиққанликда айблайди. Деистлар, диний манбаларда күплаб зиддиятлар мавжудлигини рұкач қылған холда, уларнинг илохий эмас, бор йүғи инсон тафаккури маҳсули эканини даъво қилишади. Оқим тарафдорлари, ўз фикрларини асослаш мақсадида анъанавий динларнинг жаннат ваъдаси ва жаҳаннам даҳшати воситасида инсонларнинг хистайғуларини сунистельмол қилишига алоҳида ургу беришга харакат қилишади.

Пантеистик ва панентеистик қарашларнинг устувор тамойиллари. Пантеизм (юн. Pan – ҳамма, theos – Худо) - Худо билан табиатни айнилаштирувчи фалсафий таълимотни ифодалайди. Мазкур атама биринчи бўлиб инглиз файласуфи Ж.Толанднинг (1705) “Пантеистнинг асл талқинидаги социаллик” номли рисоласида ҳамда ундан кейин нидерланд илоҳиётчиси Й.Фай (1709) томонидан қўлланилган. Таълимот Худонинг борлиқдан ташқари мавжудот бўлмай, балки унинг ичида мавжудлиги, яъни Худо бу табиатнинг айнан ўзи эканлиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Таълимот одатда Фарб ва Шарқ пантеизмига бўлинади. Жумладан, буюк мутафаккирлардан Абу Наср Форобийнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари пантеистик моҳиятга эга деб таърифланади. Унинг фикрига кўра, борлиқнинг яратилиши худди жўжанинг тухумдан чиқишига ўхшайди ва “яратилиш жараёни нарса мавжудлигини саклашдан иборатдир”.

Форобий ғоялари кейинчалик араб файласуфи Ибн Рушд ва ватандошимиз Ибн Синолар томонидан ривожлантирилгани яхши маълум. Масалан, Ибн Рушд Худони шаҳар ҳокимига ўхшатади ва ўзининг “Раддиянинг раддияси” асарида жумладан шундай дейди “Коинотни бошқариш шаҳарни бошқаришга ўхшайди. Унда ҳар қандай бошқарув марказдан туриб амалга оширилади. Лекин ҳамма нарса ҳам бевосита ҳукмдор томонидан амалга оширилавермайди”.

Таъкидлаш жоизки, бундай фикр ва қарашлар анъанавий ислом уламолари томонидан доимо кескин каршиликларга учраб келган. Жумладан, буюк мутафаккир, “Ҳужжатул-ислом” (Исломнинг далили) номини олган Абу Ҳомид Ғаззолий Фаробий ва Ибн Синоларнинг қарашларига фалсафий жиҳатдан бир неча бандлардан иборат раддиялар бериб, диний жиҳатдан уларни адашганликда айблайди.

Ғарбда пантеистик ғояларнинг энг иирик тарафдорлари сифатида Иоанн Скот Эриутен (810-877), Давид Динанский, Сигер Барбантский (1240-1281), Майстер Экхарт, Джордано Бруно, Николай Кузанский ва Бенедикт Спинозаларни санаш мумкин. Спинозанинг “Этика” асари европада пантеизм тарқалишининг асосий манбасига айланганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Бошқа динлар доирасида пантеистик, деб аташ мумкин бўлган қарашларни Ҳиндистон, Хитой динларида (айниқса, даочиликда) ҳамда буддавийликнинг янги кўринишлари (необуддизм) ва баъзи замонавий “янги динлар” (“Нью Эйдж” каби) доирасида кузатиш мумкин. Баъзи файласуфлар тасаввуфдаги “ваҳдат ал-вужуд” таълимотини ҳам пантеизм билан боғлашади.

ХХ асрга келиб пантеистик ҳаракатлар экология ва табиатни муҳофаза қилиш шиорлари остида қайта жонланмоқда. Бугунги кунда таълимот тарафдорларининг 1999 йилда тузилган “Бугундунё пантеистик ҳаракати” номли уюшмаси мавжуд.

Панентеизм (юн. πᾶν (pân) – ҳамма; ἐν (en) – ичидা; θεός (theós) – Худо; «Ҳамма нарса Худонинг ичидা») таълимоти ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Хусусан, панентеизм Худонинг ҳам табиат ичидা (пантеистик) ҳам ундан ташқарида (теистик) мавжудлиги ҳакидаги фалсафий қарашлар тизимиdir. “Панентеизм” атамаси илк бор XIX асрда Германияда муомалага киритилган.

Панентеизм пантеизмдан Худонинг нафақат табиат билан ягоналиги, балки ундан ташқарида ҳам мавжудлиги, деизмдан эса унинг оламдаги жараёнларда бевосита иштирок этиши ҳақидаги тамойил билан ажралиб туради.

Фалсафий теология Худони англашда соф онтологик усууллардан фойдаланади. Шу сабабдан ҳам, Европа мұхитида “онто-теология” атамаси күп учрашини кузатишимиз мүмкін.

Бевосита онтология ҳақида гап кетар экан, мазкур атама илк бор XVII асрда Гоклениус (1613), И.Клауберг (1656) ва Христиан Вольфлар томонидан фанга киритилганини қайд этиш лозим. Умуман олганда эса, онтология деганда борлық ҳақидаги фалсафий тадқиқот ва таълимотлар назарда тутилади. Демек фалсафий теологиядаги Худо ҳақидаги ҳар қандай таълимот, бу – онто-теологик концептуалликдан бошқа нарса әмас. Онто-теология Худо ҳақида фикр юритар экан, “Худо – борлықнинг айнан үзидир (*Ipsum esse*)” деган хуносани беради.

Фалсафий теологиянинг Худони англашга бұлған уринишлари аңынавий теология вакиллари – диний уламоларининг кескин әътиrozларига сабаб бўлиб келган. Диндорлар фалсафий теологияни Худонинг мавжудлигини исботлашга уриниш йўлида уни фалсафа обьектига айлантириб қўйғанликда айблайдилар. Айни дамда, теологлар фалсафий теология томонидан Худони англаш учун зарур бўлган - онг, тажриба ва илоҳий хушхабар учлигидаги сўнгти критерийни тан олмасликни қоралайдилар. Шунга қарамай, Худони англашга доир фалсафий баҳслар давом этиб, бугунги кунда икки йўналиш “ноанъанавийлик” ва “новаторлик” ажратилади. “Ноанъанавийлик” деганда Худони англашда классик теизмга альтернатив йўналишларни топиш тушунилса, “новаторлик” остида Яратғанни англашнинг но-теистик йўлларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Фалсафий теология ривожига хисса қүшган олимлар ижодий фаолияти. Фалсафий-теологик қарашлар ривожида П.Хейнрих, Ж.Маккуори, Р.Шеффлер, А.Уайтхед каби олимларнинг концепциялари мухим ўрин тутади. Жумладан, Хейнрих Петри фикрига кўра “Худонинг мавжудлигини онгли равишда ва фалсафий мушоҳадага таянган ҳолда исботлашга уриниш, атеизм ва радикал агностицизмга қарши кураш инъикоси эди”. Хейнрих, фалсафий теология воситасида теологлар ўз муқаддас манбаларининг илоҳийлигини исботлашга ҳаракат килганини таъкидлайди. Акс ҳолда, фалсафий қарашларнинг натижаси ўлароқ келиб чиқсан атеизм ва агностицизм динлар ва уларнинг манбаларининг авторитетига путур етказиши мумкин эди.

Утган асрнинг таникли файласуф ва математикларидан бўлган Альфред Норт Уайтхед (1861-1947) ўз концепциясини олға сурар экан, асосий ургуни метафизикага беради. Ўз фалсафий таълимотини “спекулятив фалсафа” ёхуд “организм фалсафаси” деб номлаган файласуф, нарсаларнинг рух ва материя каби икки унсурдан иборатлигини инкор этади. Бунга қарши ўлароқ, дунё ташкил топадиган асосий унсурлар сифатида “актуал мавжудлик”ни олға суради. Уайтхед таълимотига кўра барча “актуал мавжудлик”лар биполяр бўлиб, улар ҳам жисмоний ҳам руҳий кутбларга эга бўлади. Худо ҳам “актуал мавжудлик” сифатида кабул қилиниб, унинг руҳий (концептуал) қутби ўзгармас бўлиб, бу унинг “азалий табиат”и ҳисобланади, барча идеаллар ва имкониятлар манбаидир. Худонинг иккинчи қутби бўлган жисмонийликни у “касб қилиб олинган табиат” деб атайди. Мазкур табиат орқали Худо “ижод” киласи, яратувчилик ишларини амалга оширади. “Касб қилиб олинган табиат” чекланган бўлиб, тажриба ортиб боргани сари ривожланиб боради, аммо, охир оқибат биринчи табиат (“азалий табиат”)га қушилади.

Уайтхеднинг мазкур фикрлари, ислом дини тарихидаги илк ақидавий йўналишлардан бўлган “мўтазила” таълимотига жуда яқинлигини алоҳида қайд этиш лозим. Айнан мўтазилийлар Аллоҳ таоло сифатларининг азалийлигини инкор этган холда, уларни маҳлук яъни яратилган деб хисоблашган. Жумладан, улар Аллоҳ яратишни бошламасидан олдин у “ал-Холик” (яратувчи), жонзотларни ризқлантиришидан олдин “ар-Раззок” (ризқлантирувчи) бўлмаган деган ғояни илгари сургандар. Айни дамда, мазкур таълимот ҳам Суннийлик ҳам Шиъалик уламолари томонидан қораланганд.

Таниқли файласуф Ричард Шеффлер ўз фалсафий қарашларида трансцендентал фалсафий теологияга кўпроқ ургу берганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Шеффлер трансцендентал фалсафага тұхталар экан, “бу тажрибанинг шаклланишига масъул бўлган саволлар ва далилларни олға суришнинг фалсафий методидир” дейди. Шеффлер концепциясининг ўзаги сифатида, инсоннинг трансценденталлигини “тасодифий факт” сифатида қабул қилиш лозимлиги туради. У оламнинг предметлилигидан келиб чиқиши мумкин эмас, чунки предметлиликтининг ўзи трансцендентлик орқалигина воеъ бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда эмпирик тажриба предметлари инсоннинг трансцендентлиги омили сифатида намоён бўла олмайди. Инсон трансцендентлигининг асосий манбаси фақат Худо бўлиши мумкин, дейди файласуф.

Таниқли шотланд файласуфи ва теологи Джон Маккуорри (1919) ҳам ўз ижодида Худо ҳақидаги концепцияни ишлаб чиқишига салмоқли ўрин беради. Аввал Шотландия, сўнг Англикан черковларида турли диний лавозимларда ишлаган Маккуори, Худони “Мавжуд” деб аташ лозимлигини таъкидлайди. “Йигирманчи аср диний тафаккури”, “Христиан фалсафаси тамойиллари”, “Экзистенционал теология”, “Демифологизация чегаралари” китоблари муаллифи бўлган файласуф ўз концепциясини

яратишда немис файласуфлари Рудольф Бультман ва Мартин Хайдеггерлар ғояларига мурожаат қилган.

Маккуорри Худо бошқа мавжудотлар орасида устунрок эмас, балки у қолганлардан юқорида бўлиши керак деб ҳисоблаган. “Худо биз “бўлмоқ” феълини ифодалаш учун ишлатадиган қудрат номидир, унинг кучи мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча нарсаларда бор”, дея таъкидлайди Маккуорри ўзининг “Христиан фалсафаси тамойиллари” асарида. Шунингдек, олим “Мавжуд” бўлган зот Худо бўлиши учун албатта меҳрибонлик сифатига эга бўлиши лозим дейди.

Ўтган асрнинг яна бир таникли фалсафий–теология намоёндаларидан бири Чарлз Хартсхорн ўз концепциясини “неоклассик теизм” деб атайди. Хартсхорн тасаввуридаги Худо образи классик фалсафий–теологик қарашлардан фарқ қиласа ҳолда ҳам борлик усти (райритабиий) хусусиятларга ҳам борлиқда мавжуд бўлган – яратилган нарсаларнинг хусусиятига эга. Аниқроқ ифодалаганда, Худо бир-бирига зид бўлган сифатлардан ташкил топган. Жумладан, у “Худо ҳам трансцендентал ҳам имманент, абсолют ва нисбий, зарурый ва тасодифий, ўзгармас ва ўзгарувчандир”, дейди. Шу орқали Хартсхорннинг концепцияси “ди-поляр теизм” деб ҳам аталади.

Хартсхорн ўз таълимотидаги Худони самовий жараёнлар орқали ифодалашга ҳаракат қиласи. Чунки, Хартсхорн тушунчасидаги самовий жараёнлар интиҳосиз, ўзгарувчан, жушкин, доимо янгиланиб турувчи бўлиб, бу Худонинг хусусиятларига ухшаб кетади. Мазкур жараёнлар орасидаги боғлиқликни у бир тана ва унинг аъзоларига ухшатади ва уларни “Худонинг танаси” деб атайди. Мазкур қарашлар Александрнинг “Эмержент эволюция”си ва Уайтхеднинг “космик организмизм”и билан бир қатор умумий нуқталарга эгадир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Фалсафа ва теологиянинг ўзаро муносабати ҳақида нималарни биласиз?
2. Фалсафий теологиянинг қандай мақсад ва вазифалари мавжуд?
3. Фалсафий теологиянинг қандай асосий оқимларини биласиз?
4. Худо ҳақидаги қандай замонавий фалсафий таълимотлар мавжуд?
5. Ислом дини доирасида илоҳиёт масаласи юзасидан пайдо бўлган оқимлар ва уларнинг қарашлари ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Фалсафа, илоҳиёт ва теологиянинг ўзаро муносабати.
2. Теологиянинг асосий функциялари.
3. Фалсафий теологиянинг методологик асосларининг шаклланиш хусусиятлари.
4. Теологияда Худонинг борлиғи масаласининг талқини.
5. Ҳаёт ва тақдир – фалсафий теологиянинг баҳс мавзуси сифатида.

Ш БҮЛİM. ДИН ВА МАЊНАВИЙ ҲАЁТ ДИАЛЕКТИКАСИ

6-мавзу. Диний-фалсафий антропологиянинг ўзига хос хусусиятлари

Антропология – инсон ҳақидаги фалсафий таълимот. Дин фалсафасининг асосий йўналишларидан бири – диний-фалсафий антропологиядир. Фалсафий антропологиянинг таркибий қисми бўлган мазкур билимлар тизимининг моҳиятини англаш, энг аввало, антропологиянинг фалсафий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини аниqlашни тақозо этади.

“Антропология” атамаси (юонча *anthropos* — одам ва *logos* — таълимот) — одамнинг пайдо бўлиши, эволюцияси ҳамда ирқлар ҳақидаги билимлар тизимини англатади. Илмий антропология мустакил фан сифатида XIX асрда шаклланган бўлса-да, одам ҳақидаги фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши кадим даврларга бориб тақалади. Одамнинг тана тузилиши, кишилар ўртасидаги фарқларни тадқиқ қилиш ушбу фаннинг асосий вазифаларидир. Мутахассислар томонидан антропология инсонни тадқиқ қилишнинг табиий-илмий методларидан фойдаланадиган ижтимоий фанларга жуда яқин турадиган биология соҳаси сифатида эътироф этилади. Унинг муҳим соҳаси — одам организмининг тузилиши ва ривожланишига таъсир киладиган физиологик, биокимёвий ва генетик омилларни ўрганадиган бўлими — «Одам биологияси» деган умумий ном билан XX аср ўрталаридан бошлаб ривожланди. Одамнинг пайдо бўлишида факат табиат оламининг қонуниятларигина эмас, балки ижтимоий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Одам пайдо бўлганидан ҳозирги ҳолатигача унинг бутун ҳаёти жамиятнинг ривожланиш қонунияти билан чамбарчас боғланган. Антропологиянинг яхлит сифатида шаклланиши

ва ривожланишида табиий ва ижтимоий фанлар уйғунылиги тамоили алоҳида аҳамият касб этган.

Замонавий антропологияда учта асосий йұналиш ажратиб күрсатилади. Булар, одам морфологияси, антропогенез ва ирқшунослик (этник антропология) соҳаларидир.

Хозирги даврда фалсафий антропология ҳам тараққий этган. Уни инсоншунослик номи билан ҳам атамоқдалар. У инсон ҳаётининг мазмуни, одам зотининг жамиятдаги үрни, ижтимоий алоқалари, шахс камолоти, маънавияти каби бир катор масалаларнинг фалсафий талқини билан шуғулланади.

Мутахассислар Европадаги ҳар қандай антропологик таълимот маълум маънода диний характерга эга эканини таъкидлайдилар. “Антропология” атамасининг Үрта асрларда айнан христиан теологияси доирасида пайдо бўлганини ушбу фикрнинг асосларидан бири сифатида кўрсатадилар.

Баъзи муаллифлар антропология атамасини янада кенгрок маънода талқин этадилар. Уларнинг фикрича, барча файласуфлар инсон, унинг табиати, келиб чиқиши ва ривожланиши тўғрисида у ёки бу тасаввурларни илгари сургандар. Шу нуқтаи назардан караганда, ҳар қандай фалсафий тизим ўз таркибига умумий антропология элементларини қамраб олган.

Сирасини айтганда, диний-фалсафий антропология ҳақида турли қараш ва ёндашувларнинг мавжудлиги уни мураккаб, динамик, муаммоли хусусиятга эга фалсафий мавзулардан бири бўлиб туришини таъминламоқда.

Диний-фалсафий антропологиянинг намояндадар. Фалсафий антропологиянинг яхлит илмий билимлар тизими сифатида шаклланишида XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган немис олими Макс Шелер (1874-1928) ижоди алоҳида үрин тутади. Айнан унинг таълимотида диний мазмундаги антропологик қарашлар билан инсон

тұғрисидаги илмий-фалсафий фикрларнинг уйғунылиги яқын намоён бўлди. Бу эса, ўз навбатида, фалсафий антропологиянинг мустақил фан соҳаси сифатида шаклланишига катта турткى берди.

Макс Шелер бир қатор асарларида ўз давридаги ғарбий Европа маданиятини инқирозли ҳолатда эканини эътироф этиб, ундан чиқиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Жамиятнинг инқирози, ижтимоий зиддиятлар ва бошқа муаммолар Шелер учун, энг аввало, бу –шахс инқирозининг намоён бўлишидир. Унинг таъкидлашича, инсон муаммоси ҳеч бир даврда XX асрдаги каби долзарб бўлмаган. Бунинг асосий сабаби сифатида у инсонни тадқик этувчи илмий йўналишларнинг чекланган хусусияти ҳамда уларнинг бир-бири билан суст боғланганини кўрсатади. Теологик, фалсафий ҳамда табиий-илмий соҳалар шулар жумласидандир. Илоҳиёт инсон ҳакида тўлиқ диний тасаввурлар беради. Антропологиянинг фалсафий кўриниши эса, кўп жиҳатдан инсоннинг ўз-ўзини англишини изоҳлашга йўналган. Инсон моҳиятини табиий-илмий фанлар (табииётшуносликнинг барча соҳалари ва генетик психология) нуқтаи назардан тушунтириш эса, одамни Ер шари ривожланишининг нисбатан кейинги босқичида пайдо бўлган, ўзидан аввалги, инсонга нисбатан куйи табиатда учрайдиган мавжудотлар шаклларидан фақат энергиянинг бирикиши ва қобилиятынинг мураккаблиги даражасига кўра фарқланадиган мавжудот сифатида асослашга хизмат килади.

Шелер инсон моҳиятини аниклашга қаратилган ушбу талқинлардан биронтасини мутлаклаштиришдан йирок бўлган. У Европа фалсафасини И.Кантнинг: “Инсон нима?” деган умумфалсафий синтезлашга хизмат киладиган саволини унутганликда айблайди. Унинг фикрича, инсон тўғрисида синтезловчи хусусиятга эга, яхлит таълимотнинг йўқлиги унинг борлигининг бекарорлигини белгилайди. Шунинг учун, олим инсон борлигининг конкрет томонлари

тўғрисидаги турли билимларни ягона фалсафий ечимга тўплай олишга қодир илмий билимлар тизими – яъни, фалсафий антропологияни яратиш зарурлигини таъкидлаган.

Шелер фикрича, инсон борлиги структурасидан барча нарса, ҳодиса, жараёнлар: тил, виждон, давлат, фан, мифлар, ғоялар ва бошқаларнинг келиб чиқиши хусусиятларини кўрсатиш - ушбу таълимотнинг асосий вазифаси бўлиши керак.

Олим ўзи илгари суроётган фалсафий антропологиянинг қадимги таълимотлар билан алоқадорлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. М.Шелер фикрича, масалан, Б.Паскаль ва бошқа олимлар ўз қарашларида инсонга космос (универсум)да муайян ўрин ажратиб, ўз тадқиқотларини инсоннинг моҳияти ва мавжудлик хусусиятларини аниқлашга йўналтирганлар. Аввалги даврларда инсон тасодифийми, у ўзига интилган мавжудотми ёки Худога, нимадан ва қандай қилиб пайдо бўлган, у Худодан ва инсон ва Худо ўргасидаги барча оралиқ мавжудотлар – фаришталар, иблис, арвоҳлардан нимаси билан фарқланади каби антропологик саволлар тарихан ўткинчи, бироқ, уларнинг моҳияти яхлит. Яъни, инсон шундай мураккаб ва серкирра мавжудотки, у тўғрисидаги барча таърифлар номукаммал кўринаверади. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаёт ҳамда инсоннинг моҳиятини билишга нисбатан объектив шартланган ва доимий ўсиб борувчи кизикиш муқаррар ҳолат бўлиб, бу антропологияга нисбатан юксалиб бораётган эҳтиёж эди.

Айнан ушбу соғлом манфаат Шелер фикрича, инсон ва жамият тўғрисидаги барча билимлар учун дунёкарашлик асоси бўлишга қодир - фалсафий антропологиянинг шаклланишига имкон яратди.

Олим фалсафий антропология – инсоннинг моҳияти ва унинг структураси тўғрисидаги билимлар тизими деб хисоблаб, фан предметини шу тариқа талқин этган.

М.Шелернинг фалсафий антропологиянинг ривожла-нишига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда, унинг таълимотидаги муҳим икки ҳолатга эътиборни каратиш зарур.

Биринчидан, олим учун “инсон-жамият” тизимида инсон ўзига хос марказ сифатида бирламчи ҳисобланади. Чунки ушбу марказда инсоннинг оламга нисбатан бўладиган турли алоқалари кесишиди. Шелер бу марказнинг моҳияти - инсоннинг шахсий борлигини аниқлаш ҳамда ягоналиги (уникаллиги), эркинлиги ва ўз-ўзини тартибга солиш (яхлитлиги) хусусиятини англашга ҳаракат қилган. Бунда, шахснинг чинакам борлифи сифатида ўз таркибига ягоналик, эркинлик ва ўз-ўзини тартиблаш каби унсурларни олган муҳаббат (севувчи борлик) чиқади.

Иккинчидан, Шелер фикрича, шахс ва жамият ўртасидаги антагонизм, шахсда эса ички инқироз мавжуд. Шунинг учун, олим инсонни икки қобиқ (атрибут)лар кечишидиган мавжудот сифатида тасвирлайди. Инсон моҳиятини ташкил этадиган бу икки атрибутнинг бири – қандайдир илоҳий ядрони эслатадиган ўзига хос шиддат (майллар, истаклар, инсон аффектлари, табиий, органик мазмунга эга ҳаётий муҳим нарса, ҳодисалар) бўлса, иккинчиси – акл ва ҳис-ҳаяжон бирлиги сифатида чиқадиган руҳдир (эзгулик, муҳаббат, афсусланиш, қадрлаш ва эркинлик билан боғлиқ барча ҳодисалардир).

Шелер фикрича, инсонни инсонийлигини таъминлайдиган сифат кенг маънода ҳаётдан ташқарида бўлиб, у – руҳдир. Руҳ барча нарсаларга қаршидир, чунки у гайритабиий, Худодан келиб чиқади. Бошқача айтганда, Шелер учун инсон – бу, Худо билан боғланган маънавий мавжудот. Сўз туфайли илоҳий руҳ мазмuni индивидуал онгнинг мулкига айланади. Мутахассислар олимнинг ушбу фикри Инжилдаги: “Ибтидода Сўз бор эди, ва Сўз Худода эди, ва Сўз Худо эди”, - деган ҳикматни эслатишига ҳам алоҳида ургу берганлар.

Инсон моҳиятини унинг икки атрибуллари – шиддат ва руҳнинг чексиз шаклларда намоён бўлиши орқали изоҳлаган ҳолда Шелер диний-фалсафий антропологияси инсон ҳақидаги эмпирик таърифларни енгисб ўтган. “Рух инсонни инсонийлаштирувчиси сифатида унинг иррационал асосига қатма-қат мустаҳкамланиб боради. Шиддат эса, бутун ҳаётнинг намоён бўлишидир”, - деб ёзади Шелер. Бундан ташқари, олим шиддатнинг босими, ҳаётий инстинктларнинг ўсиб бориши, эҳтироснинг қўзғолони ва табиий равишда, руҳнинг бутун ҳаётий жараёндан сиқиб чиқарилиши ҳакида сўз юритади. Шу нуқтаи назардан қараганда, файласуф учун шахс – бу, конкрет яхлитлик, қадриятлар кесишувидир. Қадриятлар иерархияси ҳар бир шахсда мужассамлашса-да, бироқ, у Худодан келиб чиқади. Инсоннинг асосий хусусияти – унинг Худога интилувчанлигидадир. Шелер фикрича, энг комил инсон пок, тақводор, олижаноб шахсадир.

Олим диний, фалсафий, эстетик, илмий ва бошқа барча қадриятлар жамиятда мавжудлиги учун инсонга берилганини эътироф этади. Бироқ, уларнинг қабул қилинишини Шелер социологик жиҳатдан изоҳламаган. Унинг фикрича, бу қадриятлар индивиднинг унинг ижтимоийлигига нисбатан бирламчи бўлган антропологик моҳиятига қатма-қат жойлашиб боради.

Шелер одамлар томонидан аҳлоқий, фалсафий ва диний қадриятлар четта суриб ташланаётгани учун ғарбий Европа жамиятини танқид остига олиб, ўз қарашлари орқали қадриятларни қайта тиклаш йўлларини таклиф этган.

Шундай қилиб, Шелер фалсафасида марказий ўрин эгаллаган инсон маънавий мавжудот бўлиб, унинг борлигининг асосий тамойили сифатида қурдатли, аммо “нодон шиддат” ва барча нарса, ҳодисаларни англайдиган, бироқ, кучсиз рух намоён бўлади.

Унинг таълимоти ҳаёт фалсафаси ва экзистенциализм-нинг ривожланишига улкан ҳисса кўшган. Кейинчалик

Шелер фалсафаси биологик, психологик, маданий, диний ва бошқа йұналишлардаги алоҳида фалсафий-антропологик назария шаклларига айланиб кетди.

Замонавий диний-фалсафий антропологиянинг асосчиларидан яна бири - немис олимі Арнольд Гелен (1904-1976) ҳисобланади. Олим маданиятни “инсониятнинг абадий йўлдоши” сифатида талқин этган. Турли хил маданиятларнинг мавжудлигини тан олган ҳолда, Гелен маданиятнинг бирлигини инсоният яхлитлиги, аникроғи одамларнинг биологик яхлитлиги билан шартлангани ҳақидаги ғояни илгари сурган. Унинг фикрича, маданият “маданият яратувчи энергия”га эга ҳар бир инсон организмининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мутахассислар томонидан Гелен фалсафасида уч тематик йұналиш – фалсафий антропология, “институтлар фалсафаси” ва “плюралистик ахлок” ажратиб күрсатилади. Олим ижодидаги ушбу йұналишлар бир-бирини тўлдириб, ўзаро узвий боғлиқ бўлса-да, уларнинг орасида фалсафий антропология ёндош соҳалар учун ўзига хос базис бўлиб хизмат қилган.

Гелен учун фалсафий антропологиянинг асосий вазифалари – инсоннинг табиатдаги ўзига хос яхлитлик сифатидаги таърифини ишлаб чиқиш, уни табиатнинг авваллари ҳеч ҳам синаб кўрилмаган лойиҳаси, мутлақо бир маротабалик ҳодиса сифатида англашдан иборат. Унинг фикрича, мазкур фан инсон ҳақида ундаги мавжуд хусусиятлар, белгилар ва блар мажмуини инобатга олган ҳолда иш кўрадиган, илмий таълимот характеристига эга бўлган муайян яхлит қарашни шакллантиришга хизмат қилиши зарур. Бир сўз билан айтганда, Гелен фалсафий антропологияни инсоннинг ўзига хос табиатга эга эканини асослашга қаратилган фан сифатида тушунган.

Гелен антропологик воқеликни ўрганишда ҳар қандай метафизик қарашларни инкор этиб, соғ эмпирик категорияларга таянган антропологик фанни яратиш

зарурлигига ургу берган ва шунга интилган. Унинг фикрича, агар инсоннинг биологик табиатини эмпирик жиҳатдан англаш мумкин бўлса, бу жараёнда антропология антропобиологияга айланиши лозим. Зеро, Гелен тадқиқотларида инсон мавжудлик шароитларини ўрганиш оркали ҳал этилиши мумкин бўлган “махсус биологик муаммо” сифатида чиқади. Бундай ёндашувга кўра, олимнинг концепциясида бир ҳодисани иккинчисидан келтириб чиқариш ёки бошқасига қўшиб юборишни англатувчи қатъий қарамлик принципини инкор этилади. Инсондаги барча мухим хусусиятлар бир-бирига нисбатан функционал жиҳатдан ўзаро тақозолангандир. Уларнинг мажмуи антропологик константалар тизимини ифодалайди. Айни пайтда, мазкур тизим инсоннинг табиатнинг махсус лойиҳаси саналиши ҳамда унинг ўзига хос ҳаёт тарзига эга бўлишини тъминлайди.

Гелен методологик дастурининг асосида бош назарий услуб – бу, инсонни космологик истиқбол нуқтаи назаридан, энг аввало, ҳайвонот оламига дахлдорлигига кўра тадқиқ қилишdir. Морфологик нуқтаи назардан қараганда, инсон махсус ҳолат, истисно сифатида намоён бўлади. “Табиатдаги таракқиёт” турларнинг органик ихтисослашувида, яъни, уларнинг муайян яшаш мухитига табиий мослашиб бориши билан белгиланади. Ҳайвон у ёки бу шароитларда узининг махсус ташкиллашиш хусусияти туфайли ҳаёт кечира олади. Уларда тана аъзоларининг ихтисослашуви ва мухит бир-бирига мувофиқ келади. Улардан фарқли равишда инсон биологик мослашув қобилиятига эга эмас, яъни у муайян табиий мухитга органик мослашиб кетиш учун зарур биологик ривожланиш қонуниятларидан маҳрум. Бошқача айтганда, факатгина табиий шароитларда инсон мавжудот сифатида кирилиб кетган бўлар эди. Олим инсонни биологик ихтисослашувга эга эмаслиги учун “номукаммал мавжудот” деб атайди.

Бундай ҳолат эса, унинг яшаб кетиш имкониятлари тұғрисидаги саволни үртага ташлашга мажбур этади.

Инсон биологик нотулық, етарли даражада тайёр бўлмаган мавжудот сифатида ўз ҳаёт таъминоти, яшаб кетиши масаласини ўзи ҳал этиши зарур. Шунинг учун, инсон ўз хатти-харакатлари ўзи учун шарт-шароитлар яратадиган фаолиятга эга мавжудотга айланган. Яшаб қолиш учун харакат килиш – инсон учун принципиал аҳамиятга эга вазифадир. Шу маънода, инсоннинг бутун ҳаётий фаолияти энг аввало, ўз борлигини сақлаб қолиш ва қўллаб-кувватлашган қаратилган воситалар ва қуролларни яратишдан иборат жараён сифатида чиқади. Хатти-харакат, фаолият ҳаётий таъминот мақсадида табиатни ўзлаштиришга бўлган уринишdir.

Инсон ҳаёти учун зарур, қайта ишланган табиий ҳодисалар маужмуи маданиятдир. Маданият олами эса – инсон дунёсини ташкил этади. Олим фикрича, қандайдир “табиий инсон” бўлиши мумкин эмас. Тайёр воситалар ва физик ресурсларнинг йўқлиги маданият воситасида барҳам топиб боради. Шунинг учун, маданият иккинчи табиатdir.

Биологик ихтисослашмагани сабабли инсон ташқи олам учун очиқдир. Бироқ, бу очиқлик инсон учун оғир вазифа ҳисобланади. Зеро, у ташқи кучларнинг ҳаддан зиёд босими, таъсирига бардош бериши, уларни ўзлаштириши зарур. Ташқи дунё инсон учун олдиндан айтиб бериб бўлмайдиган структурага эга ташвишли қобиқ кабидир. Бундай ҳолат инсон олдига ташвишдан халос бўлиш, яъни мустақил равища етарли бўлмаган шариотларни ҳаётий таъминотнинг имкониятларига айлантиришдек ҳаётий муҳим вазифани кўяди. Гелен буни “оғир вазифадан кутулиш тамойили” деб атаган. Ҳаддан зиёд кучли таъсиrlарни қабул қилиш оғир бўлса-да, бошқа томондан бу, маданият намуналарини яратиш учун имконият ҳамдир. Турфа хил табиат неъматларидан инсон эҳтиёжлари учун зарур бўлган кўплаб нарсалар яратиш мумкин. Инсондаги

ҳар қандай энг мураккаб нарса, ҳодисаларни ҳам маданий жиҳатдан қайта ишлап қобилияти унга турли-туман табиий мұхитларни үзлаштириш, мослаштириш имкониятини беради.

Айни пайтда, табиатни үзлаштириш билан боғлиқ мураккаб вазифаларни самарали ҳал этиш учун инсон зотидан үзига хос ҳохиш-истак ва әхтиёжлар структураси талаб этилади. Инсон үз майлларини тұғри йұналтира билиши, зарур ҳолларда ularни тұхтатиб қолиш қобилиятыні шакллантириш керак. Бу жараёнда элементар әхтиёжлар ва майлар билан хатти-харакатлар орасыда узилиш содир бўлиши мумкин. Әхтиёжлар ва истакларга нисбатан пайдо бўлган ушбу узилиш масофаси узоқни кўзлаб иш тутиш, турли хил хатти-харакатларни режалаштириш имконини яратади.

Ташки оламни маданий үзлаштириш билан боғлиқ мураккаб вазифаларни ҳал этишда инсонга тил ҳам катта ёрдам беради. Тил воситасыда инсон үзи ва нарсалар ўртасыда бевосита ташки босимлардан халос бўлишга имкон берадиган символли оралиқ дунёни шакллантиради. Шунингдек, тил одамнинг олам билан масофавий-назарий муносабатни йўлга кўйишга имкон яратади.

Инсоннинг дунёга очиқлиги яна шунда намоён буладики, у үз хатти-харакатларида ўзининг айни пайтда ҳолатидан кўра, кўпроқ олдиндан кўра билинган, лойиҳалаштирилган ҳолатларга таянади.

Гелен инсонни англашда маънавий омилларнинг ролини ҳам тан олган. Бироқ, олим бундай омилларнинг метафизик талқин этишдан йироқ бўлган. Шунингдек, мутахассис үз методологик дастури доирасыда Худо билан боғлиқ масалаларни ҳам метафизик изоҳлашдан воз кечган. Лекин, бу унинг таълимотининг атеистик характерга эга эканини англатмайди. Бу борада олим үз антропологиясининг ҳар қандай мунозаралар учун очиқлигин зълон қилган.

Гелен талқинида дин инсоннинг ўз-ўзини бошқариши, ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган юксак тизимларидан биридир. Унинг фикрича, дин учта асосий функцияни бажаради ёки бошқача айтганда инсоннинг уч турдаги манфаатига жавоб беради. Мазкур функциялар (манфаатлар) диннинг манбани ташкил этади. Антрополог фикрича, дин дунёни тушунтириш, хатти-харакатларни шакллантириш, ожизликдан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиш каби функцияларни бажаради.

Гелен фикрича, диннинг дастлабки икки функцияси – оламни талқин этиш ва фаолиятни тартибга солиш илм-фан ривожи билан динга нисбатан мустақил соҳаларга айланиб боради. Шу маънода, олимнинг антропологик концепциясида диннинг маънавий маданиятнинг муҳим қисми сифатида талқин этилгани яққол намоён бўлади. Мутахассис динга эътиқод қилишнинг тобора индивидуал характер касб этиб боришини таъкидлаган ҳолда, унинг инсон руҳияти, дунёқарashi ва борлиққа нотўғри муносабатидан келиб чиқадиган зиддиятларини ҳал этишдаги ўрнига юқори баҳо беради.

Х.Э.Хенгстенберг ва Э.Корет антропологик назарияларининг ўзига хос хусусиятлари. Замонавий диний-фалсафий антропологиянинг характерли намунасини немис олими Ханс-Эдуард Хенгстенбергнинг (1904 й.) объективлик (*Sachlichkeit*) таълимоти мисолида кузатиш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, унинг қарашларида ушбу оқимга мансуб бошқа олимларнинг ижодидагига нисбатан, инсон борлиғи ва моҳиятининг феноменологик-антропологик таҳлилиниң диний варианти кўпроқ ўз ифодасини топган.

Инсоннинг моҳияти борасида фан пайдо бўлгунга қадар ҳам интуитив тасаввурларнинг мавжуд бўлгани түғрисидаги гоя Хенгстенберг антропологик қарашларининг асосий методол әгик тамойили ҳисобланади. Олим фикрича, бундай

ёндашув инсон ҳақида тадқиқот олиб боришнинг муҳим шартидир. Зеро, бундай интуитив билим предмет ҳақида дастлабки тушунчаларни бериб, истиқболдаги таҳлилларга кенг йўл очади. Хенгстенберг методига кўра, одам зоти хусусидаги дастлабки интуитив билимлар ақл томонидан инкор этилиши мумкин эмас. Чунки бу ҳолда тадқиқот учун дастлабки зарурӣ материал йўқолади. Бошқача айтганда, Хенгстенберг ижодида бундай ёндашув унинг инсон тұғрисидаги мулоҳазалари учун ўзига хос мажбурий мезон сифатида хизмат қилган. Ушбу йұналишдаги фикр-мулоҳазаларни излаш ва аниклашни олим феноменологик аҳамиятга эга деб ҳисоблаган. Бироқ, Хенгстенберг назарда тутган феноменология Гуссерль тушунчасидаги феноменологиядан фарқланишини таъкидлаш жоиз.

Ўзига хос методологик ёндашувга таянган ҳолда олим инсон борлиғини унинг объективлик хусусияти ташкил этиши ҳақидаги антропологик ғояни илгари сурган. “Объективлик, деганда биз, инсонга мурожаат қилганимизда фойда олишни эмас, балки унинг ўзлигини англашга қаратилган позицияни назарда тутамиз. Объектта нисбатан бундай муносабат англаб етиш, амалий ҳаракат ёки эмоционал баҳолаш ҳолатларида амалга ошиши мумкин”, деб ёзади Хенгстенберг.

Объективлик тамоилига мувофиқ субъект ўз атрофидаги борлиқقا, масалан, ҳайвонот ва ўсимлик оламига холис, ғаразли мақсадларни кўзламай, нафосат билан ёндашиши, чин қалдан уларнинг униб-ўсиши, ривожланишини истashi зарур. Бошқача айтганда, Хенгстенберг антропологиясида “объективлик” инсон ҳаётини нарсалар ва тирик мавжудотлар олами билан ҳамнафас уйғунликда, ўзига хос соғ эҳтирослар билан бегараз кечишини англатади. Нима учун ва қандай мақсадда, деган савол бу жараён учун бегона ҳисобланади.

Хенгстенберг учун “инсон объективликка қодир, объективлиқда ўзлигини топадиган ва объективлик учун

яралган мавжудотдир". Даставвал, олим ушбу тезисни гипотетик тарзда илгари суриб, уни доимийлик мезонига мос келиши нуктаи назаридан феноменологик текширувдан ўтказади. Бунинг учун у хаёлан инсон табиатидан объективлик тамойилини олиб ташлайди ва бу масалан, билиш, англаш жараёни учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилишга уринади. Ва шу заҳоти, объективликдан ажралган инсон хурмат қилиш, севиш, адолатли бўлиш каби фазилатлар ва табиийки, ташқи олам борлиги таркибиға кирган ҳолда уни англаш орқали ҳосил бўладиган билимлардан маҳрум бўлади. Хенгстенберг шу тариқа объективликнинг инсон моҳиятининг муҳим сифатлари билан узилмас алоқада эканини намойиш килиб, ўзи илгари суроётган антропологик позицияни доимийлик, мажбурийлик мезонларига мувофиқлиги ҳакидаги катъий хulosага келади. Ушбу методик тадбир Хенгстенбергтагача мавжуд бўлган фалсафий-антропологик концепциялар доирасида ҳам кўлланилган усууларга ўхшайди. Бирок, олимнинг ижодида инсон табиатининг умуммажбурий хусусияти тўғрисидаги мулоҳазани исботлаш тескари тартибда амалга оширилади. Яъни, бу методологик жараён априор равиша инсон борлигининг кўпроқ хусусий тавсифларини ўз таркибиға олган умумий тезисдан, ўз-ўзини англашнинг айrim конкрет кўрсаткичлари томон йўналган бўлади.

Тадқиқотлари давомида Хенгстенберг инсон антропологияси объективлик хусусиятининг тотал характерга эга экани тўғрисидаги хulosани баён этган. Унинг фикрича, инсон борликнинг барча соҳалари, маданий воқелик билан объектив келишув асосида "очилиши" зарур ва унга ҳаёт айнан шунинг учун берилган. Инсондаги интеллектуал, рухий, эмоционал қобилиятларнинг жонланиши, шаклланиши ундаги объективлик хусусиятининг ҳолати, даражасига боғлиқдир. Бирок, бу қобилиятларнинг ҳеч бири

инсондаги объективлик шартининг манбай, илк ташаббускори ҳисобланмайди.

Объективлик маданиятнинг аҳлоққача бўлган турли соҳаларида, шунингдек, предмет ғаразли мақсадлардан холи равишда тадқик қилинадиган конкрет илмий билиш жараёнида ўзини намоён этади. Объективликнинг юқори шакли ва даражаси асосий мезони мұхабbat бўлган аҳлоқий соҳада амалга ошади. Бу масалада Хенгстенберг Шелернинг “Сен” қадриятларининг юксалтиришга қаратилган мұхабbat ҳақидаги концепциясига таянади. Мазкур талқинга кўра, мұхабbat объективликнинг ниҳояси ва у ҳар қандай аҳлоқий хатти-харакатнинг ибтидоисида мавжуд бўлиши зарур.

Олимнинг инсон ва табиат ўргасидаги ўзаро муносабат түгрисидаги фикрлари ҳам эътиборни тортади. Унинг фикрича, инсон мұхитта мослашмайди, балки аксинча, атроф табиатни ўзига мослаштиради. Одамга узун тирнок ва сўйлоқ тишлил керак эмас. Инсон - маданий дунёнинг яратувчиси ва бу яратувчанлик биологик номувофиқликнинг компенсацияси эмас. Чунки инсон аввал бошдан табиатга мослашишга мажбур бўлмаган. “одамнинг тана аъзолари улардан нима талаб қилинадиган бўлса, шунга мутлақо мосдир”, - деб ёзади Хенгстенберг. Таълим ва тарбия жараёнида ҳам инсоннинг ихтисослашуви содир бўлмайди. Чунки бу ундан умуман талаб этилмайди. Зоро, инсон бошқа биологик турга, масалан, учадиган ёки сув остида сузадиган мавжудотта айланмайди. Бу ишларни у ўз ақли ва яратган воситалари, қуроллари орқали ҳам амалга оширишга қодирдир.

Машҳур антрополог фикрича, объективликнинг энг юқори ва ўзига хос шакли диний борлиққа хосдир. Чунки ушбу жабҳа учун ўз борлигини йўқотиш ёки унга эришиш хавф туғдирмайди, балки, у субъектнинг ҳоҳиши-иродасидан мустакил, эркин равищда мавжуддир. Шунинг учун, диний муносабатлар таъзим, итоат кўринишини олади ва

Худонинг қандай бўлса, шундай мавжудлигига нисбатан кувонч ва миннатдорликда намоён бўлади.

Хенгстенберг қатъиятига кўра, инсон ташқи борликка нисбатан объектив ёндашиш учун яралган мавжудот ҳисобланади. Бироқ, у бунга риоя этмаслиги, диаметрал қарама-қарши, нообъектив позицияда ҳаёт кечириши ҳам мумкин. Агар, ҳамдардликка асосланган объективликнинг энг юксак чўққиси муҳаббат бўлса, атайин амал қилинган нообъективлик – ғараз ва нафрат билан якун топади. Инсон ўз ҳаётида объективлик ёки унга қарама-қарши бўлган позицияни танлаши зарур. Бунда инсоннинг шахс хусусиятлари белгиловчи аҳамият касб этади.

Хенгстенберг қарашларига кўра, инсоннинг конкрет ҳатти-ҳаракатларида намоён бўладиган объективлик мақсадга мувофиқлик тамойилига нисбатан трансцендент равишда ўзгача фазилатdir. Буни биз олимнинг объективлик ва жисмлилик ўргасидаги ўзаро муносабатни талқин этишида ҳам кўрамиз. Унинг фикрича, одамнинг биологик жиҳатдан ташкиллашиши табиий эволюция ёки социомаданий муҳитнинг хусусиятлари билан эмас, балки, унинг объективликка бўлган қобилияти шартлангандир. Яъни, объективликка қодир мавжудотнинг жисмоний тузилиши ҳам мукаммал бўлади.

Хенгстенберг инсонни биологик эмас, балки, энг аввало, маънавий-рухий мавжудот деб ҳиосблайди. Шунинг учун, у Ландман сингари Геленнинг антропологик биологизм назариясини танқид остига олади. Олим диний-фалсафий антропологик мактабнинг бошқа вакиллари каби Гелен ижодидаги одамнинг ҳайвонот оламидан шаклланиб чиққани ҳақидаги ғояга қарши чиқади.

Хенгстенберг инсон объективликка қодир мавжудот бўлгани сабабли ҳам у маданиятнинг яратувчиси ва ташувчиси эканини уқтиришга уринган. Унга кўра, маданият бу эҳтиёж натижаси эмас, балки ҳаётда янада тўлиқликка интилиш ҳосиласидир. “Маданият

етишмовчиликдан эмас, балки тұқислиқдан келиб чиқади”, деб ёзади олим. Табиат устидан ҳукмронлик қилиш маданиятнинг моҳиятини ташкил этмайди. Чунки айнан шундай ҳукмронликка интилишнинг кучайиши оқибатида маданиятсизлик ва ваҳшийлик келиб чиқади. Тұқислик ва объективликнинг мазмуни қандайдир фойда билан үлчамаслиги баробарида ушбу мазмунни анграб етғанлар миқдорига ҳам боғлиқ эмас.

Хенгстенберг феноменологияси унда инсондаги шахсий ва онтологик мазмунларнинг ажратиб талқин этилиши билан ҳам характерлидир. “Онтология инсон субъекти ташаббусидан аввал мавжуд ва борлиғига кура ундан мустакил бұлған мазмунни англатади. Үзининг яралишига кура инсон мазмуннинг илк ташувчиси эмас. Индивид ҳаёти давомида мазмунларни англай бошлайды, мазмун эса бу вактда барқарор мавжуд болади”, - деб ёзади Хенгстенберг. Бирок, онтологик мазмунни анграб бориши жараёни индивидуал шахсий хусусияттарынан мазмунга алохидан әзтибор қартишига боғлиқдир. Үзининг шахс хусусиятларини билиб бориши онтологик мазмунни анграб боришига кенг йўл очади.

Хенгстенбергнинг ушбу фикрлари унинг ижодида инсон фалсафаси үзига хос ёндашув, услублар орқали самарали ривожлантирилганини курсатади. Инсон борлигини марказий ўринга қўйиш, уни маънавий-маданий тараққиётнинг асоси сифатида талқин этиш Хенгстенберг антропологиясига хос хусусиятдир.

Австриялик файласуф ва теолог Эмирих Коретнинг (1919 й.) концепцияси үзига хос услугда яратилган мустакил илмий позиция сифатида диний-фалсафий антропология соҳасидаги билимлар тизимида муҳим ўрин тутади. “Инсоннинг моҳияти шунда-ки, у бевосита фақат табиат қуршовида яшайдиган мавжудот эмас. Чунки инсон маданий табиатга ҳам эга. У ўзи ўз дунёсини маданийлаштириши зарур”, - деб ёзади Корет. Бир қарашда

бундай нуктаи назарга тұлиқ құшилиш мүмкін. Шундай бұлса-да, оламнинг ижодида инсоннинг мәданий мөхияти ҳамда шахснинг үзіга хос дүнёси шаклланадиган мәданий-тарихий фаолликнинг манбаи сифатида нимани тушуниш зарурлығи масалаларининг ҳал этилиши алоқида әътиборни тортади.

Мутахассислар Корет антропологиясида асосий хусусият – инсонни тұлалигича мәданият ва тарихни яратувчи фаол, сергайрат мавжудот сифатида күрсатылға бұлған уринищдан иборат эканини таъкидлайдилар. Албатта, бу жиҳат замонавий неотомистик антропологиянинг ривожла-нишида мухим аҳамият касб этган.

Тарихни илмий тушуниш инсон оламини эңг аввало, унинг ҳәтий фаолияти кечадиган, у томонидан яратылған предметлар тизимидан иборат ижтимоий яхлитлик сифатида талқин этишга асосланади. Инсон дүнёсининг исталған сегменти, қисми алоқида аҳамиятта эга булиб, у ёки бу ижтимоий шароитда муайян мәданий мүлжалларға эга шахс ҳәёти мазмунининг ташувчиси хисобланади. Инсон борлиғи объективдир. Бирок, унинг мавжудлігі ва пайдо булиши ижтимоий субъектнинг фаолияти билан ҳам шартланғандыр. Томизм аңғаналарига доирасыда қолишга уринган ҳолда Корет “дүнё” категориясини формал объект, реалликни таҳлил қилиш аспекті билан тенглаштиради. Айни пайтда, “дүнё”ни Корет Гуссерль, Хайдеггер ва Гадамер меросидан фойдаланиб, уни “конкрет ҳәтий мұхит” ва объективлик ва субъективлик үзаро қоришиб кетған “түшуниш горизонти” сифатида олиб қарайди. У инсон дүнёсининг объектив хусусиятини тан олмайды ва инсон фаолиятини амалий-предметли таркибий қыслардан холи бұлған соғ маңавий ҳодиса сифатида талқин этади. Шунингдек, олим қарашларыда инсон дүнёси тажрибанинг тоталлігі билан ҳам тенглаштирилади ва унинг тиіда ифодаланиши ҳамда субъект томонидан тұлиқ англанғани таъкидланади. Католик файласуфи Корет субъектнинг

“интерсубъектив алоқалар” мажмуига дахлдорлиги тұғысіда сүз юритса-да, унинг дунёсининг объектив ижтимоий муносабатлар билан сабабий боғланишини тұлғык инкор этади. Унинг қарашларига мувофиқ, маданий ривожланиш “маңнавият”нинг тотал хусусиятини англаб боруви “борлық-онг”нинг такомиллашиш жараёнини англалади.

А.Гелен ва М.Шелер назарияларига таянган ҳолда Корет инсон дунёсининг моҳият эътибори билан очық хусусиятга эга экани, унинг фаолияти ҳайвонлар ҳаётидан үзининг тарихий-маданий характери билан ажааралиб туриши хусусида сүз юриттан. Бу борада унинг қараши Г.Плесснер антропологик позицияси билан ҳамохангдир. Маъулмки, Плесснер үзининг “Органик дунё босқичлари ва инсон” китобида маданий ижоднинг уч қонунини илгари сурган. Плесснер фикрича, “Табиий сунъийлик қонуни” ва “Бевосита бевоситалик қонуни”га күра, инсоннинг табиатта нисбатан муносабати билвосита хусусиятга эга. Ушбу билвоситалик субъектнинг ўзgartирувчанлик фаолияти орқали домий равишда таъминланади. Учинчи – “Утопик стандарт қонуни”га мувофиқ эса, инсон абсолют билан күшилишга интилиб ҳаёт кечиради. Корет ҳам Плесснер сингари абсолют дунёга күшилишга интилишни маданий-тарихий фаолиятни англашнинг калити деб ҳисоблаган. Шу нұқтаи назардан қараганда, олим инсоннинг “утопик стандарт қонуни” орқали катта кучга эга бўлиб борадиган маданий ижод жараёнида табиат ва тарихий зарурологиядан юксакликка кўтарилиш қобилиятта эга эканини таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, ушбу хусусият инсон дунёси диалектикасининг моҳиятини ташкил этади.

Инсон “Мен”ининг таҳлили ҳам Корет антропологиясининг асосий үнсүри ҳисобланади. “Мазкур нұқта – менинг “Мен”им – дунёимнинг зарурий марказидир. Айнан, у орқали мен ташқи дунёни кўриб, тушуна оламан. Барча

бошқа нарса, ҳодисалар ушбу марказ билан чамбарчас боғлиқ", - деб ёзади антрополог.

Мутахассис анъанавий неотомистик концепцияга хос бўлган зиддиятга барҳам беришга уринган ҳолда, билиш жараёни ва амалий фаолиятнинг бирлиги, субъект фаоллигининг яхлитлиги хусусида сўз юритади. Бу ҳам Коретнинг инсонни эркин танлов орқали ўз тақдирини ўзи белгилай оладиган, фаол мавжудот сифатида характерлашга бўлган кучли истагидан далолат беради. Олим томонидан аҳлоқий масалалар таҳлил қилинганда ушбу истак яққол намоён бўлади. Айни пайтда, Корет Шелернинг аксиологияси ҳамда Фихтенинг издоши Риккерт қарашларига ҳурмат билан муносабатда бўлган ҳолда, инсон фаолиятининг исталган услубида норматив-қадриятли ҳолатнинг биринчи даражали аҳамиятта эга эканини эътироф этади.

Умуман олганда, инсон борлиғи амалий, аҳлоқий шартларининг оламга нисбатан назарий муносабатдан устунлиги, инсон ҳаётининг асосий мақсади, фаолиятнинг энг олий манбаи - илохий кучга интилиб яшашдан иборат экани ҳақидаги тезис Корет антропологиясининг марказий ғоялари хисобланади. Баъзи ўринларда инсон шахсини ҳаддан зиёд марказлаштиришга уринган бўлса-да, Корет қарашлари замонавий фалсафий антропологиянинг ривожланишига катта хисса кўшган назария сифатида улкан илмий аҳамиятга эга.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Антропология ва дин фалсафаси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик нималарда намоён бўлади?
2. Замонавий антропологиянинг қандай йўналишлари бор?
3. Замонавий диний-фалсафий антропологиянинг шакланишига қандай ғомиллар таъсир кўрсатган?

4. Арнольд Гелен антропологик назарияси қандай методология ёндашувга таянган эди?
5. Хенгстенберг таълимотидаги объективлик тамойили қандай мазмунга эга?
6. Макс Шелернинг фалсафий антропология ривожига күшган ҳиссаси асосан нима билан изоҳланади?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Инсонпарварлик диний-фалсафий антропологиянинг асосий тамойили сифатида.
2. Танатология концепциясининг Мазмуни.
3. Эсхатологиянинг асосий тамойиллари.
4. Христианликда антропологик масалалар талқини.
5. Антропологиянинг замонавий йуналишлари.

7-мавзу. Дин ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида

Дин ва маданий жараёнлар диалектикаси. Диний макондаги ҳодисалар моҳиятини англашта имкон берадиган тамойилларни тадқиқ этишнинг долзарбилиги мамлакатимиз, шу билан бирга, глобал воқеалиқда кечәтган ижтимоий тараққиёт босқичининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Глобал мағкуравий қарама-қаршилик ўринини ижтимоий мавжудликнинг янги тенденциялари, бир томондан, принципиал эркин фикрлилик, толерантлик ва очиқликни жорий қилиб, иккинчи томондан, дин никоби остидаги ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга ҳам йўл очмоқда.

Шунга боғлиқ равишда, дин фалсафаси ўзига хос ўрин тутиб, уни ўзлаштириш ҳар бир кишининг шахс сифатида шакланиши, юксак маънавий маданиятга эга бўлишига хизмат киласи. Демократик институтлар шакланиши билан бирга айрим ҳолларда шахс эркинликларини таъминлаш байроғи остида бошбошдоқлик ва бузгунчилик юзага келмоқда. Бунда, динлараро муносабатлар тобора сиёсий

қарама-қаршилик майдонига айланиб, натижада диний заминдаги ҳарбий тұқнашувларнинг авж олиб кетиш таҳди кучаймокда.

Айни пайтда, ғаразли кучлар томонидан дин тұғрисида ғайриилемий қараşларнинг илгари сурилаётгани воқелик тұғрисида нохолис тасаввурларнинг пайдо булишига олиб келмокда. Дунёвийлик ва динийликнинг үзаро нисбати масаласи хуқуқий асослар орқали мустаҳкамланыётган бұлса-да, бу борадаги айрим муаммолар кескинлашиб бормокда. Анъанавий дин шакллари – христианлик, ислом, буддавийлик билан бир қаторда жаҳон диний маконида янги шаклдаги, турли номларға эга диний әзтиқод күринишлари пайдо бўлмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳодисалар тизимли тадқиқотларга муҳтож бўлиб, улар қиёсий таҳлил ҳамда дин фалсафаси нұктай назаридан тұғри танланған методологияк ёндашувни талаб этади.

Плюрализм тамойилларининг устуворлашиб бориши глобал миқёсда үзига хос “ғоялар ва дунёқараşлар бозорининг” юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Турли эзотерик курслар ва сеанслар, кўп сонли оккультизмга бағишлиңган нашрлар, “маънавий соғломлаштириш технологиялари” номи остида ғайриилемий тадбирларни олиб бораётган үзғояларини янги даврнинг дини сифатида тиқиширишга уринаётган мағкуравий кучларнинг хатти-харакатлари бунга мисол бўла олади.

Айниқса, ушбу вазият билим ва қадриятларни бир авлоддан кейингиларига узатишига қаратилған таълим тизимиға жиддий таъсир кўрсатмоқда. Эскириб қолган ўқув дастурларининг тубдан янгиланиши жараёни кечәётган бир пайтда вайронкор кучларнинг мавжуд мағкуравий бўшлиқни тўлдиришга уринишлари ҳам авж олмоқда. Айни пайтда, бу борада оммавий ахборот воситалари, айниқса, Интернетнинг ахборот узатиш имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар кишилар кайфияти, хатто дунёқарашига жиддий таъсир килмокда. Уларни ҳал этишга қаратилган маънавий чоратадбирлар эса, ҳамма вақт ҳам самарали кечмаётганини таъкидлаш жоиз. Бу эса, ўз навбатида, инсонлар маънавий оламини забт этиш мақсадида бўлган турли ном ва шаклдаги диний оқимлар, гурухлар ва йўналишлар фаолиятининг ривожланишига йўл очмоқда.

Анъанавий динларга гўёки, муқобил вариант сифатида чиқаётган ҳар-хил “янги” диний эътиқодлар уз тарафдорлари сонини ошириб, уларни маънавий-руҳий тубанликка бошлиётгани ҳам кўпчиликка маълум. Бу эса, шубҳасиз, бу соҳада мувозанатланган ва чукур ўйланган, давлат сиёсати даражасида чора-тадбирларни тақозо этмоқда. Нью-эйдж сингари ҳодисалар, эротизм, оккультизм мистикаси, иблисона жинояткороналик, турлитуман фанатизм ва биқиқлик ҳодисалари, қабристонлар, ёдгорликлар, диний биноларни таҳқирлаш, диндорлар туйғуларини тоپташ ва диний етакчиларга суиқасдлар уюштириш каби ҳолатлар замонавий воқеликка хос бўлиб турганини таъкидлаш жоиз.

Оммавий ахборот воситалари томонидан кўпайтирилаётган нашрларнинг методологик маданиятининг пастлиги, баъзан улар мазмунининг очик-ойдин бир ёкламалиги қарама-қарши нуқтаи назарларни қиёслаш учун умумий асос топиш имконини бермай келмокда. Турли дунёқарашиб позициялари тарафдорларининг бир тарафлама қарашларидан устувор бўлиш зарурати муаммога нисбатан типологик ёндашувлар ҳамда улар таянган методологик асослар таҳлилини ҳам ўта долзарб масалага айлантиради.

Бу ҳол, биринчи навбатда, “дин” сўзи ортида қандай маъно яшириллигини энг умумий тарзда англашда намоён бўлади. Дин фалсафаси предмети ва обьекти сифатида дин моҳияти ва унинг ҳодисалари тўғрисидаги асосий тасаввурларнинг обьектив илмий таҳлилигина ушбу

муаммоларга оид кўп сонли изоҳларнинг ажралиб қолганлиги ҳамда бир тарафламалигига барҳам бериш имконини яратади.

Шу нұқтаи назардан қараганда, ҳозирда матбуотдаги кўп сонли нашрлар, шу билан бирга файласуфлар, теологлар ва диншуносларнинг классик асарлари, ўзга фан соҳалари олимларининг дин билан боғлиқ мураккаб ва серкирра ҳодисани тадқиқ этишга бағишиланган асарлари, шунингдек, дин фалсафасига доир муаммолар бўйича яратилаётган илмий ишлар фалсафа фани қонунлари ва категориялари асосида атрофлича тизимлаштирилиши зарур.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, нафақат мамлакатимизда, балки ҳалқаро миқёсда ҳам динни методологик идрок этиш тажрибаси таҳлили ўта мухим кўриниб, бу умуминсонийлик нұқтаи назаридан диннинг ўзига хос томонлари, келиб чиқиши ва тараққиёт босқичлари тўғрисидаги асосий тасаввурларни адекват тарзда ва фан одоби чегараларидан чиқмаган ҳолда ёритиш имконини беради. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар улкан маънавий моҳият ҳам касб этиб, у бир томондан, диннинг ижтимоий ҳаётдаги муносиб ўрнини теран англаш имконини берса, иккинчидан, ҳар бир кишининг эътиқод эркинлиги хукуқига хурмат билан муносабатда бўлиш заруратини методологик асослаб бериш, жамиятда клерикализм, фанатизм, диний бикиклик ва бошбошдоқликтини келтириб чиқаришга бўлган уринишларнинг олдини олишга кўмаклашади. Бу турли эътиқод эгалари ўртасидаги соғлом мулоқот заруратини илмий-методологик таҳлилини, шу билан бирга ўзаро тушуниш мухити ва ўзга эътиқод ва дин эгаларига нисбатан беғаразлиликка асосланган қарашларни ривожлантириш зарурияти билан белгиланади.

Ҳозирги даврда диний маданият ривожланишининг ўзига хос ҳусусиятлари. Бугунги кунда глобал диний маконда юзага келаётган тенденцияларидан бири - ўзаро

фаол ракобатта киришаётган уч типдаги дунёқарааш субмаданиятларининг шаклланиб келаётган қарама-қаршилигини қайд этиш мумкин. Постсовет мамлакатларида сўнгти юз йиллик давомида анъанавий равишда бир-бирига қарама-қарши кўйиб келинган “дин” ва “атеизм” (Худосизлик) ғояси ўрнини, сўнгги ўн йилликларда янгича диний уйғониш жараёнлари билан боғлиқ қарашлар эгалламокда. Бу, бир томондан, инсон ва жамият маънавиятини юксалтиришга қаратилган соғлом диний маърифатга таянган ғоялар кўринишида, иккинчи томондан эса, дин никоби остидаги турли ғаразли интилишларда ҳам ўзлигини намоён қилмоқда.

Бутунги кунда ҳалқаро ва миллий қонунчилик тизимлари индивиднинг виждан эркинлиги ҳукукини ҳимоя қилиб, унинг у ёки бу дин анъаналарига мансублигини белгилаш, эълон қилиш имкониятини кафолатлади. Бироқ, бу барча диний гурухлар ва субмаданиятлар teng ҳукукли, ўзаро ўхшаш ва бир-бирининг ўрнини боса олишини англатмайди. Шунингдек, ҳозирда секулярлашув ҳам замонавий жамиятнинг ажralмас хусусияти сифатида замонавий илмий-техник цивилизация асосидан жой эгаллаган. Фолбин, экстрасенс ёки руҳоний сиёсатчи, малакали шифокор ёки муҳандис ўрнини боса олмайди. Замонавий астрологлар асарларини аждодларимиз ижодига мансуб космогоник қарашлар билан айнан дейиш ҳам тўғри эмас.

Айни пайтда, дин фалсафаси томонидан дин ва конфессияларнинг ҳар бири муайян ижтимоий аҳамиятга эга бўлган яхлит ҳодисанинг элементи сифатида идрок этилиши мумкинлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Фалсафий адабиётларда дунёқараашларни умумий тарзда уч – “дунёвий, диний ва фалсафий” турларга ажратиш кенг тарқалган бўлиб, бу моҳиятан тарихий жиҳатдан тақсимланадиган “мифологик”, “диний” ва “фалсафий” типдаги дунёқараашларга яқин келади. Бу каби типологиялар Б.Малиновскийнинг антропологик концепциясига ҳамоҳанг

бўлиб, у магия (афсунгарлик), дин ва илм-фанга инсоннинг олам билан уйғун муносабатларининг уч ўлчами деб қараган. Барча ушбу таснифларда дунёқараашларнинг ажратиб кўрсатилаётган типлари қонуний ва зарур босқичлар ёки инсоннинг олам билан муносабат шаклларидир деб эътироф этилади.

Ушбу дунёқараашга оид позициялар у ёки бу ўз-ўзини тиклайдиган, бир минтақани иккинчисидан фарқлайдиган локал рухият маконларини ҳосил қиласидар. Ҳар бир расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилот ва конфессия бугунги кунда ўз оммавий ахборот воситалари, халқаро алоқалари, ташкилий тузилмалари ва концепцияларига эга. Шунингдек, улар ўз дунёқараашини қонун доирасида эркин баён этиш, бошқа эътиқод вакиллари билан узаро соғлом мулоқот муҳитини барқарор қилиш учун барча ташкилий-сиёсий, маънавий-мағкуравий имкониятларга эга. Бу имкониятлардан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг амалий таъсирини ошириш йўлларини тадқиқ этиш дин билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганадиган фанлар зиммасидаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кайд этилган аниқ-равшан, объектив характерга эга бўлган ҳолатлар табиий равишда ҳар қандай хусусий манфаатлардан устувор куриниш касб этиб, маҳаллий, миллий ва минтақавий маданиятларнинг турли-туманлиги ҳамда бойлигини яратиш билан шахсий дунёқараашлар шаклланишига омил бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мураккаб ҳодиса – динни ва ҳар томонлама объектив жиҳатдан англаб этишга қаратилган ва жамиятда уйғун маънавий-рухий муҳитни сақлаб туришга қаратилган, амалий аҳамиятга молик аниқ тақлиф-тавсияларни ишлаб чиқиши дин фалсафаси олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дин ва маданият ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
2. Нима учун диний ғоялар кўпинча ғаразли сиёсий мақсадлар доирасига тортилади?
3. Хуқуқий давлат шароитида диний тарғибот қандай асосларда амалга оширилиши керак?
4. Диний бағрикенглик гоясининг маънавий-маданий мазмуни нимада?
5. Ўзбекистондаги диний конфесиялар маданий фаолияти ривожланиши учун қандай имкониятлар яратилган?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Диннинг фалсафий ва культурологик талқинларининг умумий ва фарқли жиҳатлари.
2. Диннинг маданий тизимни бойитиш хусусиятлари.
3. Диний маданиятни тадқиқ этишнинг назарий тамойиллари.
4. Виждан эркинлиги тамойилининг диний маданиятни юксалтиришдаги ўрни.
5. Секулярлашув шароитида диний маданият.

IV БҮЛИМ. ДИНИЙЛИК ВА ДУНЁВИЙЛИК УЙГУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ФУТУРОЛОГИК МУАММОЛАРИ

8-мавзу. Динийлик ва дунёвийлик тамойилларининг мазмуни

Динийлик ва дунёвийлик хақидаги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Узоқ вакт давомида диний эътиқод билан чамбарчас боғлиқ бўлган фалсафа Европа мухитида Ўрта асрларга келиб черков таъсиридан чиқа бошлади. Бунда аввало, XVI аср бошларида протестантликнинг юзага келиши ҳал қилувчи рол ўйнади. Руҳонийларнинг заифлашганидан фойдаланган бир қатор файласуфлар Худо, дин масалаларида муқаддас манбалар борасида муқобил қарашларни баён этишга журъат эта бошладилар. Кейинчалик улар “маърифатпарварлар”, “хурфиксурлилар намоёндалари” деб атала бошланди. Астасекинлик билан католик хочи соясида бўлган Европа ҳукмдорлари ҳам маърифатпарварларнинг ғоялари ва таълимотларини кўллаб-қувватлай бошладилар. Жумладан, Наполеон Бонапарт Франция тахтига ўтирас экан, илк маротаба тож кийиш маросимини Ватиканда тиз чўккан холда Рим папаси қўлидан кийиш амалиётига барҳам бериб, Папанинг ўзини Парижга келишта мажбур қиласди. Унинг даврида Папанинг сиёсий таъсири сусайиб, Европада секулярлашув тенденциялари бошланади.

Шарқда, Уммавийлар даврига келиб Ислом оламининг Европа илм-фани билан яқинлашуви натижасида юонон файласуфлари Аристотель, Платон каби олимларнинг асрлари араб тилига таржима қилинди. Қайд этиш лозимки, мазкур таржима асарлар нафақат олимлар, балки давлат раҳбарларида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Аристотель асарларининг нақадар машхур бўлганидан ватандошимиз

Абу Наср Форобийнинг “Шарқ Арастуси” ёки “Иккинчи муаллим” номлари билан аталгани ҳам гувоҳлик беради.

Европа мұхитида диннинг фалсафий концепциясини яратған мутафаккирлардан Б.Спиноза, Д.Юм, Ф.Шлейермахер, И.Кант, Гегель, Л.Фейербах, Ф.Ницше, О.Шпенглер ва А.Бергсонларни санаш мүмкін.

Бенедикт Спинозанинг динийлик ва илохийлик ҳақидағи қарашлари. Бенедикт Спиноза Амстердамда 1632 йилда яхудий оиласыда туғилди. Үша даврда Голландиядаги диний эркинлик шароити туфайли күпчилик яхудийлар Португалиядаги диний таъқиблардан қочиб Голландияда паноҳ топған әдилар. У дастлабки маълумотини яхудий мактабида олиб, унда Тавротни йўрганади.

У Декарт фалсафаси билан чукур танишиб чиқади ва ўзида унинг катта таъсирини ҳис қиласиди. Натижада, табиий фанлар ва математика соҳасида ўз маълумотини яна ҳам чукурлаштиради. Унинг математик фикрлаш усули, хусусан геометрик фикрлаш усули Спинозани ўзига жалб қиласиди. Спиноза бутун умри давомида Голландияда яшади. Голландия ўша даврда нисбатан илғор мамлакат зди. Лекин шунга қарамасдан, Спиноза бу ерда ҳам яхудий дини тарафдорлари томонидан ҳам, протестант ва католик диний доиралари томонидан ҳам аёвсиз таъқибларга учрайди. 1670 йилда у ўзининг «Илохий-сиёсий рисола» асарини ёзади. Бу асар амалда Тавротни биринчи марта танқид килишга уриниш намунаси зди.

Шу тарика у тарихшуносликнинг асосларини яратишига ҳаракат қылган. Бу асарда баён қилинган ғоялар Спинозанинг илохиётчилар томонидан таъқиб қилинишига сабаб бўлган. 1656 йилда ёқ Спиноза ўз ғоялари учун яхудийлар жамиятидан қувғин қилинади. Қувғингача Спиноза маълум даражада обру қозонган, Гейдельберг университети профессорлигига ҳам таклиф қилинганди. Шундай бўлса-да, у ҳаёти давомида қувғинлик ва қашшоқликда яшаган. 1662 йилда «Ақлни

такомиллаштириш ҳақида рисола», «Сиёсий рисола» каби асарларини ёзган олим 1677 йилда Гаагада вафот этган.

Спиноза фалсафасининг асосий ғоялари унинг «Ахлоқ» деб аталган асарида баён килинган. Гегель Спиноза фалсафасини «Декарт фалсафасини мутлақ ҳақиқат шаклида объектлашишидир» деб баҳолаган. Спиноза дунёқарашидаги пантеистик ғоялар кўпроқ Ж.Бруно таълимоти таъсирида шаклланган.

Ўз фалсафий тизимининг асосига Спиноза ягона субстанция ҳақидаги таълимотни кўяди. У шундай деб ёзади: «Фақат битта субстанция ҳақиқийдир. Унинг атрибутлари (ажралмас сифат) фикрлаш ва кўлам ёки табиатдир». Унинг ягона субстанция ҳақидаги таълимоти «Ахлоқ» асарининг «Худо ҳақида» деб аталувчи биринчи қисмida баён қилинган. Спиноза талкинидаги Худо Декарт фалсафий тизимининг ҳамма атрибутларини ўз ичига олади.

Унингча, Худодан ташқари ҳеч қандай бошқа субстанциянинг бўлиши мумкин эмас. Спиноза шундай деб ёзади: «Худодан бошқа ҳеч қандай субстанция мавжуд ҳам бўла олмайди, англашилмайди ҳам. Нимаики Худода мавжуд экан, Худодан ташқарида бўла олмайди, билиб ҳам бўлмайди». Ушбу фикрларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, Спиноза Худони субстанция билан тенглаштиради, уларни бир хил нарса деб билади. Худо табиат устида турувчи моҳият эмас, табиатдан ташқаридаги яратувчи ҳам эмас. Худо табиатнинг имманент (ички хос хусусият) сабаби сифатида табиатнинг ўзида мавжуддир. Шундай қилиб, Спиноза шахс сифатидаги Худони инкор қиласди, унга оламнинг универсал сабабчиси деб қарайди. Бундай талкин турли хил мунозараларга сабаб бўлади. Спинозанинг бу ғояларида пантеизм элементлари намоён бўлганди.

Шундай қилиб, Спиноза субстанция ҳақидаги ўзининг таълимотида Декарт дуализмида учрайдиган зиддиятни бартараф қилишга уринган. Декарт фалсафасидаги икки

мустақил субстанциянинг атрибулари бўлмиш макон ва тафаккур бир субстанцияда бирлаштирилади. Унинг субстанция (Худо) ҳақидаги таълимоти «Аҳлок» асарининг биринчи қисмида баён қилинади.

Спиноза таълимотича, субстанциянинг атрибулари фикрлаш ва кўлам билан чегараланмайди. Субстанция ўз-ўзича чексиз. Субстанциянинг ҳар бир атрибути «ўз-ўзича тушунилиши керак». Унингча чексиз ва мукаммал субстанция ҳеч қандай ҳаракатда ҳам, ўзгаришда ҳам бўлмайди. Унинг атрибулари ҳам ўзгармасдир. Субстанция ўз-ўзича зарурӣ тарзда мавжуддир. У ўз-ўзининг сабабчисидир. Субстанция чексиз бўлган ҳолда якка нарсалар чеклангандир.

Якка нарсаларни Спиноза «модуслар» деб атайди. Субстанция ва унинг атрибуларидан фаркли ўлароқ, модуслар (якка нарсалар) «ташқи сабаблар» туфайли мавжуддир. Улар факат чекланган ҳолдагина мавжуд бўлиб қолмасдан, улар макон ва замонда, ўзгаришда ва ҳаракатда бўладилар. Спинозанинг таъкидлашича, субстанция ҳамма нарсадир. Ҳамма нарса субстанциядир. Субстанция ва модус ўргасидаги муносабат Спиноза фалсафий тизимининг энг яққол қарама-қаршиликларидан биридир. Чексиз субстанциядан чекланган ва ўзгарувчан якка нарсаларнинг келиб чикиши муаммоси Спиноза фалсафий таълимотида жуда кийинчлилек билан тушунтирилади. Шу муносабат билан Спиноза «яратувчи табиат» ва «яратилган табиат» ҳақида гапиради. Унингча, субстанция яратувчи табиатдир, модуслар деб аталувчи якка нарсалар эса яратилган табиатдир. Спинозанинг чексиз, ягона ва бўлинмас субстанция тушунчасидан детерминизм (сабабий боғланганлик) тушунчаси келиб чиқади. Субстанция ўз мавжудлигининг ички зарурияти билан ҳам белгиланади. Оламда (субстанция)да ҳеч қандай нарса тасодифан вужудга келмайди. Худо ҳамма нарсаларнинг факат ташки сабаби эмас, ички, муҳим сабабидир. Ҳамма нарса ўз сабабига эга,

фақат субстанциягина ўз-ўзининг сабабидир. Бошқа ҳамма нарсалар (модулар) ва жараёнлар ўз мавжудлиги ва ривожининг фақат ташки сабабларига эга. Шундай қилиб, якка нарсалар дунёси, яъни ҳиссий дунё ўз сабабига эга. У шундай дейди: «Ўз табиатида ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган нарса йўқдир».

Спинозанинг субстанция ҳақидаги таълимоти унинг аниқ ифодаланган рационализми билан боғлиқ. Билиш назариясида Спиноза билишнинг уч босқичини кўрсатиб ўтади. Унингча, билишнинг энг юқори босқичига ақл воситасида эришилади. У интуитив ҳолда аниқ ва равшан, ҳеч қандай тажриба билан боғлиқ эмас.

Билишнинг энг куйи босқичи тасаввурларга асосланувчи билимдир. Бу тасаввурларнинг ўзи эса, ташки дунёни жонли мушоҳада қилиш асосида вужудга келгандир. Лекин бундай билимни исбот қилиб бўлмайди, улар ишончли эмас. Бундай билим воситасида биз фақат якка нарсалар ҳақида тўлиқ бўлмаган юзаки билимга эга бўлишимиз мумкин.

Шундай қилиб, Спиноза ўзининг изчил рационализми нуқтаи-назаридан ҳақиқий билимларнинг вужудга келишида ҳиссий билиш ва тажрибанинг ролини инкор этади. Субстанция (Худо) тушунчаларининг талқини Спиноза фалсафий таълимотида ахлоқ муаммоларининг талқини билан бевосита боғланган.

Худо ёки субстанция эркиндин. Чунки у нимани яратса, ўзининг шахсий зарурияти туфайлидир. Табиатда, унинг қисми бўлган одамда ҳам зарурият ҳукмрондир. Спиноза фалсафий таълимотида инсон иродаси эркинлигини изчил рад этиш инсон эркинлиги имкониятини таъкидлаш билан боғланган.

Инсон эркинлиги Спиноза таълимотида заруриятга эмас, балки мажбур қилиш, зўрлашга қарши қаратилган. У эркин зарурият тушунчасини асослаб беради. Бу жиҳат Спиноза таълимотининг асосий ғояси бўлган субстанция ёки Худо

ҳақидаги муроҳазаларда ўз ифодасини топган. Бу универсал ибтидонинг, яъни субстанциянинг мутлақ зарурлиги бир вақтнинг узида унинг ўз-ўзини белгилари туфайли эркинлик мақомига эга бўлади.

Унингча, ирода эркинлиги ҳақидаги тасаввур мавхум билиш туфайли вужудга келади. Бу билим субстанция универсал зарурият эканлигини аниқлаш учун мутлақо кифоя эмас. Чунки бу билимга эга бўлган одамда субстанциянинг эркинлиги ҳақида иллюзия, яъни хаёлий тасаввур ҳосил бўлади. Бу нарса инсонни турли хил аффектларга боғлаб қўяди.

Спинозанинг дин масалаларига булган муносабати ҳам диққатта сазовордир. Унинг фикрича, муқаддас китоблар, аникрофи, Тавротни талқин қилганда, фақат унинг мазмунидан келиб чиқиши керак. Бу китоблар ва улар қисмларининг ёзилиши, тарихий шароитларини мумкин қадар кўпроқ назарда тутиш мухимдир. Олимнинг ушбу методологик кўрсатмаси бутунги кунда ҳам диний матнларни таҳлил этиши жараёнида мухим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

Файласуф талқинига кўра, одамларнинг кўпчилиги аклий қобилиятларининг етарли бўлмагани туфайли зарурий равишда суст аффектларга суюниб яшайдилар. Шунинг учун «туда»ни мутаассиблардан ва қуркувдан озод қилиш мумкин эмас. Уларга нисбатан муқаддас китоб аҳлоқийтарбиявий вазифасини саклаб қолади, чунки у одамлар учун жуда катта умидлар беради.

Спинозанинг фикрича, ҳалқ оммасининг аҳлоқини юксалтиришда диний-мифологик қарашлар ҳётий зарурият сифатида чиқади. Бу кичик микдор (минимум)ни Спиноза «умумий дин» деб аталувчи таълимоти нуқтаи-назаридан белгилайди. Мутафаккир уни «Худони ҳис қилиш» деб атайди. Унинг унчалик кўп бўлмаган ақидалари аҳлоқийликни юқори даража (максимал)да бошқариб туради.

Умуман олганда, Спиноза диннинг моҳияти тўғрисидаги рационал қарашлари билан дин фалсафаси назарий-методологик асосларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса кўшган файласуф сифатида эътироф этилади.

Давид Юм ва Иммануил Кант қарашларида динийликни англаш тўғрисидаги гоялар. Давид Юм Британия буржуа янги давр фалсафасининг сўнгти вакили эди. Бу давр фалсафасини тарихан 2 даврга бўлиш мумкин. Юмгача бўлган давр, Юмдан кейинги давр.

Биринчи давр Британияда фалсафий фикрларнинг шаклланиш ва тараккӣ этиш даври хисобланади. Бу Ф.Бэкондан Т.Гоббс ва Ж. Локкгача юксалган давр. Юмдан кейин эса аста-секин Англияда йирик буржуа мутафаккирлари юзага кела бошладилар. Масалан, Жон Стюарт Милль XIX асрда ва Б.Рассел XX асрда ижод эттаниклари бунга мисол бўла олади. Албатта уларнинг машҳур бўлишларида Юмнинг таъсири сезиларли бўлган.

Юм 1711 йил Шотландиянинг пойтахти Эдинбургда унча бой бўлмаган зодагон оиласида дунёга келади. Францияда ўқиб юрган кезларида Юм «Инсон табиати ҳакида» асарини ёзади. У уч китобдан иборат эди. Бу асар 1738—1740 илии Лондонда чоп этилади. Асарнинг биринчи кисми (1-китоб)да билиш назарияси масалалари баён этилган. Унинг фалсафа соҳасидаги асосий асари «Инсон билиши ҳакидаги тадқиқот» гносеологик муаммоларга қаратилган. У билимларимизнинг табиати ҳакидаги масалани сенсуалистик нұктаи-назардан ҳал этар экан, уларнинг манбалари ҳакидаги масаладаги позицияси Локк ва Беркли позицияларидан фарқ қиласи.

Юм “субстанция” (ибтидо) тушунчасини инкор этади. Субстанция – бу, бамисоли сароб. У бизнинг онгимизда пайдо бўлади, дейди файласуф. Бизнинг онгимизда бир хил таассуротлар қабул қилиш вактида узилиш содир бўлади. Иккинчи китобда инсоннинг психологик аффектлари баён

килинганд. Асарнинг учинчи қисми ахлоқ муаммоларига бағишиланган.

Давид Юм фалсафада агностицизм йўналишининг асосчиларидан биридир. Беркли сингари Юм ҳам барча билимлар «тажриба»дан, сезги ва тасаввурлардан келиб чиқади, дейди. Аниқ ва кучли таассуротлар асосида «ғоялар» вужудга келади. Улар таассуротларга қараганда камроқ аниқ ва ёркіндир. Юм Беркли таълимотини давом эттириб, ташки дунёнинг мавжудлиги масаласини ҳал килиб бўлмаслигини таъкидлайди. Инсон фақат ўзининг психик (рухий) кечинмаларини билиши мумкин. Лекин улардан ташқарида бирон нарса борми, агар бор бўлса, у нима? Сезгиларимизнинг объектив манбаи нима? Буни инсон била олмайди, деб ҳисоблайди файласуф.

Юм таъкидлашича, инсон ҳаёти учун диний мутаассиблик ва риёкорлик ўта хавфлидир. Бу ҳодисанинг илдизи инсон рухиятидадир, дейди, у. Турли хил диний маросимлар ва католик динига хос бўлган сирлар инсон табиатини жумбушга келтириши ва унинг тасаввурига салбий таъсир этиши мумкин. «Дин, – дейди Юм, купгина қонли тарихий воқеаларнинг асосий сабабидир».

У ўзининг «Диннинг табиий тарихи» асарида диннинг келиб чикишини инсон табиатининг ўзига хос хусусиятларидан излайди. Ўз давридаги якка худоликка асосланган динлар қандай пайдо бўлган деган масала Юмни кизиқтириб келади. У конкрет тарихий фактлардан ўзини олиб қочади. Даставвал ўзида якка комил маҳлукот ҳакида тасаввурга эга бўлишдан аввал «жоҳил омма» қандайдир «олий кучлар» ҳакидаги тасаввурга эга бўлишлари керак. «Теизм» (яъни монотеизм), айниқса рационал мулоҳазалар асосида пайдо бўлган, инсониятнинг илк тараққиёт босқичларида дин бўлмаган, дейди Юм.

Файласуф мазкур фаразга ижобий қараб, қадимий динлардаги Худоларнинг тимсолини реал кишилар ташкил этган бўлиб, уларнинг ғайритабиий кучларидан ҳайратланар

эдилар, дейди. Бириңчи ўринга Юм томонидан диннинг психологияк илдизлари масаласининг қўйилиши Л. Фейербахнинг дин ҳақидаги таълимотини эслатади. Турли мўжизалар ҳақидаги ривоятлар инсон ҳиссиётига ва соғлом фикрга путур етказади, деб таъкидлайди олим.

Дин ва черковга тааллукли кўпгина масалаларда Юм француз маърифарпарварларига қараганда ҳаётий йўлни танлаган.

Художўлар ва диний кайфиятда бўлган файласуфлар Юм тимсолида хавфли, ҳурфиркли ва ғайри клерикал, дин асосини қўпорувчи кишини кўрдилар. Унинг мустақил шахсий юриш-туриши, турмуш тарзи ҳам шундан далолат берарди. Унинг дунёкарашида келишувчанлик етакчи роль ўйнайди. Гарчанд, инглиз деистларининг кўпгина масалаларга бўлган муносабатларига салбий позицияда бўлса-да, унинг шахсий позицияси деизмга яқин турган. Албатта, унинг скептик ва агностик қарашлари унда аник ва қатъий нуқтаи-назарни шакллантиришга йўл бермади. Юм ўз позициясини деист сифатида табиий дин деб атади. Унинг асосида билиб бўлмас «олий сабаб» ётади.

Иммануиль Кант (1724-1784) ўша давр Гарб фалсафасининг кўзга кўринган намояндадаридан бири эди. Унинг ижодий фаолиятидаги икки асосий давр – яъни, XVIII асрнинг 70-йилларига қадар бўлган вақт ва шу даврдан то файласуф умрининг охиригача бўлган давр алоҳида характерлидир.

Кант талабалик йилларининг дастлабки вақтларида илоҳиётни ҳавас билан ўргана бошлаган эди. Лекин кейинчалик овози паст бўлганлиги учун кироат билан илоҳий дуоларни ўқишга кўзи етмагач, уни тарк этади. Физика, математика фанларига қўйган меҳри уни шу йўлга буриб юборади. Кант беш йил (1740-1745 й.й.) давомида университетда ўқиб, уни тугатади.

Унинг бириңчи рисоласи «Табиатдаги жонли кучларнинг ҳақиқий баҳоси ҳақида фикрлар»и тогасининг ҳисобига чоп

этилади. Бу рисолани олим 23 ёшида ёзган эди. Унда Кант Ньютоннинг бутун дунё тортишиш қонунини ҳимоя қилиб чиқади. Шунингдек, унда узининг оламни билишга доир фикрларини илгари суради.

1755 йилда Кант университетда кафедрага раҳбарлик қила бошлайди. Уша йили магистрлик даражасини олиш учун «Олов ҳакида» рисоласини тақдим этади. Университет илмий раҳбарияти уни юқори баҳолайди. Уша йили 27 сентябрда Кант иккинчи рисоласи: «Метафизик билишнинг тамойиллари ҳакида» асарини тақдим этади. Уни мувваффакиятли тугатиб, фалсафа кафедрасининг приват доценти бўлишга мұяссар бўлади. 1756 йилда у «Жисмий монодология ҳакида» мавзусидаги илмий ишини ҳимоя қиласди. 15 йил давомида у приват доцент лавозимида ишлаб келади.

1777 йили Кант 46 ёшида кафедра профессорлигига «Хиссий ва ақлий дунёни шакллари ва тамойиллари» мавзусида илмий ишини тақдим этиб, ҳимоя қиласди.

Куно Фишер Кантнинг фалсафий тизими тарихини кўйидаги даврларга бўлади 1) дастлабки давр (натурфалсафа даври). У вактда файласуф рационализм нуқтаи-назарида турган; 2) эмпиризм даври. У даврда Юмининг таъсири ва умуман, Шотландия ва Англия фалсафасининг таъсири катта бўлган ва ниҳоят, 3) танқидий давр. Бу даврда Кант узил-кесил мустақил узига хос йўлни танлаган.

Кантнинг космогоник таълимоти кейинчалик Лаплас томонидан ривожлантирилган ҳамда Кант ва Лапласнинг гипотезалари бир-бири билан айнан ўхшашлиги ҳакида Гельмгольц эътироф этган эди. Кант узининг космогоник қарашларини «Умумтабиий тарих ва осмон назарияси» асарида ифодалаган. Олимнинг механик космогония ҳакидағи фикри – күёш тизимининг келиб чиқишини табиий-илмий қарашлари ўша даврда дахрийлик сифатида баҳоланганини таъкидлаш жоиз.

Кант қадимги ва ҳозирги замон файласуфларининг космогоник таълимотларини таҳлил қилиб, уларнинг замон талабларига тұлиқ жавоб бера олмаслиги ҳақида фикр юритади. Эпикур дунёning пайдо булишини тасодифиятдан деб билди. Тасодифият ҳақида гап кетганды, воқеаларнинг сабаблари ҳақидаги билимимиз етарлы эмаслигидандир. Энди, Ньютон таълимотидан келиб чиққан ҳолда дадил гапириш мүмкін, менга материя беринглар, мен ундан бутун дунёни яратаман, дейди, Кант.

Кант фикрича, илохиёт мукаммал дунёning ғоясига эга бұлмоғи лозим. Буни рад этиш, демак, Худо фикрловчи барча оламлардан яхшироқ олам бор дегандек бұламиз. Лекин энг яхши ҳақиқий оламни Худо яратған. Фаровонлик ғояси – бу, Худонинг мақсадидир. Кейинчалик у Юм таъсирида үзининг танқидий давридаги фаолиятини бошлайды. Кантнинг бутун умри «Соф ақлнинг танқиди» асарыда үзининг фалсафий ифодасини топған. Шуни таъкидлаш керакки, Кантнинг фалсафий қарашлари 1762-1765 йилларда шаклланды. У үзининг «Ҳәётбажшлик ҳақида» рисоласида доктриник фалсафани ифода этған эди. «Салбий меъёрлар ва реал асослар» номли асарыда (1763) Кант үзининг эмпиризм ва рационализм үртасида мұтадил үрин әгаллаганлиги ҳақида гапиради. «Рұхонийнинг түшлари» (1766) асарыда унинг Юм агностицизмиға яқынлашғанлыгини күрамиз. Орадан иккі йил үтгач, яньи 1768 йилдан зытиборан эмпиризмдан критицизм томон үтгандығы ҳақида фикр юритади. Кант мазкур рисоласида “макон нима?”, “маконнинг хоссаси нима билан белгиланади?” деган саволларни үргата ташлади.

Кант фаолиятидаги яна бир мұхим қадам – бу, унинг трансцендентал эстетика йұналишида хиссиётнинг априор шакллари таълимотини илгари сурганидир. Бу, үз навбатида, унинг “Соф ақлнинг танқиди” асарининг мұхим қисмими ташкил этади. Бу фундаментал асар илк маротаба

1781 йилда чоп этилган бұлса, унинг иккинчи тұлдирилган нашри 1787 йилда эълон қилинганды.

Мутахассислар Кант идеализмини танқидий ёки трансцендентал хақартерга зәға эканини таъқидлайдылар. Трансцендентал тажрибадан илгариги ва тажрибанинг туғилишига сабабчи деган маңын билдирувчи атамадыр. Кант фалсафасыда - тажриба орқали билиш мүмкін бўлмаган («Ходисалар олами ва ақл етмайдиган нарса, масалан, Худо, жон, ўлмаслик ғоялари»). Кантнинг трансцендентал сўзи орқали тажрибадан юқори турадиган эмас балки тажрибадан олдин келувчи ва унинг (тажрибанинг) зарурый шарти бўлиб, ундан кейин келадиган тажриба ҳеч қандай мазмунга зәға эмас.

Умуман олганда, Кант таълимоти нафақат Беркли, балки, ҳатто Декартнинг фалсафий тизимиға кўра, реалистик фалсафага яқин турганини англаш мүмкін. Ҳар қандай тажрибадан юқори турадиган нарсани Кант трансцендентал эмас, балки трансцендент деб атайди.

Кант 1769 йил танқидий фалсафа йўлига узил-кесил ўтганини тан олади. Бу йўлга ўтишга тараффуд 1763 йилдан бошланган эди. 1779 йил Кант Берлинда ўз фаолиятини давом эттиради. У фалсафий тизимини яратиша ўзидан олдин ривожланган барча фалсафий таълимотларга таянган. Ўз павбатида, унинг қарашлари кейинги даврларда яратилган концепциялар учун ўзига хос асос вазифасини ўтаган.

Кант фалсафасининг ўзидан олдинги фалсафий тизимлар билан боғликларини қўйидагиларда кўриш мүмкін. Жумладан, файласуф Арастунинг категориялар, онгнинг асосий тушунчалари тұғрисидаги таълимотини қабул қилди ва мазмунан бойитишга уринди. Афлотун ва бошқа файласуфлардан онг назариясининг асосий ғояларини қабул қилди ва уни деярли қайтадан тизимлаштириди.

Шунингдек, немис олимни изходида унгача бўлган даврлар фалсафий тафаккурида ҳал этилмаган қарама-

каршиликлар (антиномиялар) тұғрисида масалалар устувор үрин туттан эди. Зоро, аввалги мактаблардан бири дунёнинг чеклангани ҳақидаги ғояни илгари сурган бўлса, бошқаси дунё чексизлиги тұғрисидаги қарашларга таянган эди. Шунингдек, табиатда бүшлиқнинг мавжудлигини бирлари тан олган бўлса, бошқаси инкор этган. Кант бундай антиномияларнинг (қарама-каршиликлар) аник таърифини беришга интилди. Ҳар бир ҳолатни чин ёки хато эканини исботлашга ҳаракат қилди. Лекин ақлни софистик мақсадда чалгитиш эмас, аксинча, қарама-каршиликнинг манбанинн топишга ҳаракат қилди. У бу масалани ҳақиқатдан ҳам муваффакиятли равиша ҳал этди. Кант үзининг “Дин соф ақл чегараси” номли сұнгти йирик асарининг Худога сохта хизмат қилиш ҳақидаги бобида “... фазилатли ҳаёт Худога ҳақиқий хизмат қилиш белгисидир”, – деб ёзган. Юқорида қайд этилганидек, Кант таълимотининг шаклланишига бир томондан, ундан аввал яшаган ва унга яқин турган файласуфлардан Лейбниц ва Вольтер, иккинчи томондан, Юм ва Руссолар қарашлари таъсир кўрсатган.

Кант таълимоти асосан учта қисмга бўлинади: 1. Назарий ақлнинг танқиди, 2. Амалий ақлнинг танқиди ёки маънавият ҳақидаги таълимот. 3. Эстетик мулоҳазананинг танқиди. Бошқача айтганда, эски метафизикани инкор этувчи метафизика, этика ва эстетика. Кант фалсафий тизимининг мазмуни ҳам шундадир. Илоҳиёт Кант таълимотида алоҳида мустақил қисм бўлмай, балки у аҳлоққа асосланган фалсафий соҳадир.

У ўз фаолиятининг бошида “метафизика деб аталган фан мумкинми?” деган саволга жавоб топишга уринган. Бу йўлда олим яна бир савол – яъни, “сабаб ва оқибат ўргасидаги зарурий боғланишнинг мавжудлигини исботлаш мумкинми?”, деган масалани ҳал этишини ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Шубҳасиз, бу муҳим фалсафий масалалардан бўлиб, барча табиий фанларнинг ҳам ҳақиқатни аниқлаш ўйладаги долзарб вазифаси ҳисобланади Зоро, фалсафа

фани “сабаб ва оқибат” тушунчасининг таҳлилисиз муваффақиятли ривожлана олмайди. Маълумки, ушбу масала Юм таълимотида скептик нуқтаи назардан ҳал этилган эди.

Кант Юм сингари сабабий боғланишлар ғоясини ўрганиш билан чекланмай, умумий масалани ўз олдига қўяди ва “Бизнинг ақлими, умуман, қандай қилиб, априор, яъни тажрибадан илгари келувчи мулоҳазани ташкил этиши мумкин?” деган саволни ўртага ташлайди.

Кант ақидавий метафизикани нафақат, ўзининг “нарса ўзида”ни билиб бўлмаслик таълимоти орқали, балки ўзининг антиномиясини ҳал этиши орқали амалга оширган. Кант сенсуалистларнинг ҳиссий билишлар ҳар қандай руҳий фаолиятнинг умумий манбаи, деган фикрини қабул қилмайди. Локк гарчанд сезгиларни тафаккурдан фарқланишини кўрсатган бўлса ҳам, лекин унинг бу масала борасидаги қарашларида бирмунча чалкашликлар мавжуд бўлган. Шунинг учун, Кант сенсуалист Локкни интеллектуал Лейбницга қарама-қарши кўйган. Лейбниц инсоннинг фикрлаш қобилиятини ҳиссиёт эмас, балки ақл ташкил этади, дейди. Кант Лейбниц ва Локк изидан бормай, ҳиссиёт ва ақдни икки мустақил фикр манбаи деб билади. У “Ақлсиз ҳиссиёт кўрдир. Ҳиссиётсиз ақл бўм-бўшдир”, деган ғояни илгари суради.

Замонавий психология фани эришган сўнгти ютуқларга кўра, мазкур вазиятда сенсуалистлар ҳақ бўлишгани ҳакидаги хулоса келиб чиқади. Агар гап мураккаб руҳий қобилият тўғрисида борса, у оддий ҳиссиётдан келиб чиқади. Лекин Кант физиологик организмга нисбатан ҳақ, чунки унда шубҳасиз марказий асад тизимини муунтазам дифференциация қилувчи ва периферик аппарат каби функциялар мавжуд. Кант ақлий фаолиятда идрок кучи ҳамда мураккаб ва сунъий майллар мавжуд бўлишини таъкидлаган. Пассив қабул қилувчи ҳиссиётга қарама-қарши идрок, Кант фикрича, фаол қобилиятдир. Шунга

қарамай, барча мулоҳазалар ва идрок қонунлари фақат тажрибада қўлланиши мумкин, яъни фақат “нарса ўзида”га эмас, балки ҳодисаларга ҳам таалтуқлидир. Бу фикрга иқорор бўлиш учун бир нарсани эсламоқ даркор. Агар тушунча имконий тажрибанинг бирон-бир объектига таалтуқли бўлмаса, бу мазмунсиздир ва соф мантикий функция бўлса, у озигина бўлса-да бизнинг билимимизни кенгайтирмайди.

Кант фикрича, соф ақл гояси З шаклда намоён бўлади.

1. Жон ҳақидаги ғоя (психологик ғоя);
2. Яхлит дунё тўғрисидаги ғоя (космологик ғоя);
3. Худо ҳақидаги ғоя (теологик ғоя).

Кант Худо тўғрисидаги ғоянинг қарама-қаршилиги тўғрисида гапириб қолмай, балки Худонинг борлиги тўғрисидаги барча исботларни асоссиз эканлигини алоҳида кўриб чиқади. Бу фикрлар Кант теологиясида ишлаб чиқилганига қарамай, унинг “соф ақлнинг диалектикаси” тўғрисидаги таълимоти динни таҳлилий ўрганишда муҳим ўрин тутди. Кант Худонинг борлигини ақл нуктаи-назаридан исботлаш мумкин эмаслигини исботлаб бермоқчи бўлади. Лекин шу билан бирга, Кант даҳрийлик позициясида бўлмаган. Унинг фикрича, Худонинг мавжудлигини исботлаш мумкин эмас, лекин Худога ишониш керак. Бу ғояни у ўз этикасида давом эттиришга ҳаракат қилган. Кант таълимотида аҳлоқий қарашлар диндан келиб чиқмайди, аксинча, улар Худога нисбатан бўлган ишонч заруратидан пайдо бўлади.

Кант фикрича, «категориал императив», деган қатъий маънавий қонун мавжуд. Унга кўра, ҳақиқий аҳлоқ ҳар қандай шахсий манфаатдан холи ва фақат бурч талаби билан аниқланади. Категориал императивга биноан чинакам маънавийлик деб шундай ҳатти-ҳаракатга айтиладики, у ҳеч кимнинг манфаатларига қаратилган бўлмай, балки барчанинг аҳлоқ қоидасини ифодалайди. У Худонинг реал борлигини исботламай, балки маънавий баркамоликка эришиш йўлининг шарти сифатида Худога ишониш

зарурлигини уқтиради, дейди. Кант этикасида демократик характердаги гуманистик идеаллар бирлашган бўлиб, олим уларни ҳар бир шахс ҳаётига татбиқ этиш зарурлигини таъкидлайди.

Кант дунёқарашининг яна бир муҳим томонини унинг эстетик қарашлари ташкил этади. Бу борада файласуф инсонга ҳодисанинг муайян мақсадга мувофиқлигини фикрлаш қобилияти хосдир, деб ҳисоблайди. Санъатда бадиий асарни баҳолаш, унинг фикрича, бу асарнинг умумий априор характердаги гўзаллик идеалига мувофик келишига боғлиқдир. Шунинг учун, санъат адабиётнинг бадиий шаклларига катта аҳамият бериб, маъносига ортиқча ёътибор бермайди.

Умуман, Кант фалсафаси шаклан зиддиятли кўринса-да, мазмунан ўз даври фалсафий билимлар доирасидаги теран қарашлар тизимини ифодалайди. Бирок, унинг таълимоти турли олимлар томонидан танқид остига олингани ҳам тарихий факт. Жумладан, материалистлар, Кант фалсафасининг идеалистик томонларини танқид қилишса, идеалистлар унинг қарашларидаги материалистик жиҳатларни танқид қилдилар. Немис классик фалсафасининг кейинги тараққиёти Кант фалсафасини танқид қилиш йўли билан ривожланиб, дунёни идеалистик тушунишни чуқурлаштириб борди.

Вильгельм Гегелнинг дин фалсафаси. Гегель умрининг охиригача Берлин университетида ишлади. Дастрраб олим христианликни, антик динларни ўрганишга киришади. Ўша кезларда у «Халқ ва христианчилик», «Инсоннинг ҳаёти» каби асарларини чоп этади. Биринчи машҳур асари «Рух феноменологияси»ни 1807 йилда Йенада нашр эттиради. Гимназияда директор бўлган пайтида иккинчи йирик асари «Мантиқ фани»ни эълон қиласади. Унинг «Рух феноменологияси» асарида эса, Гегель диний-фалсафий таълимотининг устувор ғоялари баён қилинган.

Олим фалсафий тизимининг учинчи қисмини «Рух феноменологияси» ташкил этади. Бу асарида файласуф рух хақидаги таълимотини илгари суради. Файласуфнинг фикрича, рух - бу мутлақ ғоя бўлиб, одамзотнинг ўз-ўзини англаш шаклида ривожланади. Файласуф фикрича, рух ижтимоий онг шакллари – санъат, дин ва фалсафа орқали энг олий шаклларда намоён бўлади. Фалсафа мутлақ рух харакатининг якуни, бу жараённинг охирини курсатувчи рамзий аломатидир.

Субъектив рух хақидаги таълимотида Гегель оила, ҳуқук, маънавият, давлат, фуқаролик жамияти каби кўринишларни таҳдил қиласди. Ҳуқук, унинг фикрича, эркинликнинг амалга ошган олами, оқилликнинг ташки шаклидир. Маънавийлик бу оқилликнинг ички шакли бўлиб, унда инсон мустакил равишда яхшини ёмондан ажратишга қодир бўлади. Файласуф маънавийликни якка ва ижтимоий онгнинг олий босқичи, деб характерлайди. Маънавийликнинг табиий ва бевосита куриниши сифатида оилани тушунади. Оила эса, фуқаролик жамиятининг муҳим қисмидир.

Гегель муроса тамойилини ўзининг эркинлик таълимотига ҳам татбиқ этди. Бир томондан, у феодал бебошликка қарши чикди ва эркинликни инсоннинг моҳияти, деб талқин этди. Иккинчи томондан эса, табакаларни саклаб қолиш керак, деган фикри илгари сурди. Унинг фикрича, биринчи навбатда, зодагонлар қатламини саклаб қолиш керак. Чунки у зодагонларларни имон ва маънавиятни “табиий” ташувчилари деб ҳисоблаган. Файласуф эркинликни феодал имтиёзларга қарама-қарши қўйиб, биринчи ўринга мулк ва шахсий танлов эркинлиги чиқиши зарурлигини таъкидлаган. Яъни инсон ўз кучига ишонган ҳолда ўзи хоҳлаган ишни қилиши лозим.

Шундай қилиб, Гегель фикрича, давлат умумий фаровонлик ва эркинлик тимсоли бўлмоғи лозим,

фуқаролик ҳукуқи эса ижтимоий тараққиётнинг зарурий шартидан бошқа нарса эмас.

Ушбу асарда диалектиканинг пайдо бўлиши, мутлақ рух, мутлақ *гоя* ўз навбатида, воқеликнинг яратилиши баён этилади. Ўз фикрини давом эттирас экан, файласуф онгнинг келиб чикиши, ижтимоий онгнинг табиати, унинг ривожланишида меҳнатнинг таъсири ҳақида тұхталади. Гегель яратган фалсафий таълимот мантиқ, табиат фалсафаси, рух фалсафаси, ҳуқук фалсафаси, тарих фалсафаси, эстетика, дин фалсафаси, фалсафа тарихи кабилардан иборат бўлган етук назариялардан ташкил топган.

Гегель диалектика назарияси мужассамлашган объектив идеализм тизимини яратган. Олим дастлаб Шеллинг иррационализми таъсирида бўлган бўлса, кейинчалик ўзининг “Рух феноменологияси” (1907 й.) асарида оламни объектив идеалистик талқинини асослаган. “Мутлақ *гоя*”нинг оламдаги барча нарсаларни белгилаб бериши иррационал эмас, балки, ақл билан иш кўришни, унинг ҳаракатлари ақлнинг диалектик жараёнларини тушуниб етишга эришишдан иборат эканлигини асослашга уриниши Гегель таълимотининг характерли хусусиятларидир. Бунда файласуф оламни диний тушунишни, шунга мувофиқ ҳолда, мутлақ *гояни* оламнинг асоси, деб билишни инсон билиши тараққиёти асослайди, деб исботлашга уринган.

Гегель фикрича, инсондан ажralган ақл бирламчи дунё рухини ташкил этади. Моддий олам эса иккиламчи бўлиб, дунё рухининг гавдаланишидир. Яратувчи сабаб дунёвий руҳdir. Моддий олам эса яратувчи сабабнинг маҳсулидир. Дунёдаги ҳар бир жисм ва ҳодиса шаклdir. Унинг мазмунини эса, дунёвий рух, яъни дунёвий ақл ташкил этади. Файласуф ўз таълимотида доимо замон руҳи ва табиат ёки тафаккур ва борлиқнинг айнанлиги тамойилига таянади. Унинг таълимотича, дунёвий рух абадий, у қадимда бор эди, ҳозир ҳам мавжуд, келажақда ҳам мавжуд бўлади. Дунёвий рух табиат ва жамиятдаги барча мавжуд

ҳодиса ва воқеаларнинг манбай ҳамда ҳаракатлантирувчи кучидир. У доимо ҳаракатда ва ривожланишда, дейди Гегель. Дунёвий рух ривожланиш жараёнида босқичдан-босқичга ўтиб боргани сари, унинг ички мазмуни тўликрок очилиб боради. У дастлаб ўзида ривожланади. Кейин тирик ва нотирик табиат, инсон шаклида, ундан кейин давлат, санъат, дин ва фалсафа шаклида ифодаланади. Дунёдаги ҳар хил жисм ва ҳодисалар рухнинг ўз-ўзидан ривожланиш маҳсулидир.

Тафаккур объектив реалликни акс эттиради. Тафаккурнинг объектив реалликни тұғри акс эттиришини, биз дунёга оқилона қараш сифатида баҳолаймиз. Хуллас, Гегель фикрича, тафаккур инсонга хос бўлиб, инсондан ташқаридаги ўзига хос мутлақликнинг кўринишларидан биридир. Уни олим “мутлақ ғоя” деб атайди. Гегелнинг “мутлақ ғояси” диндан, “Худо” тушунчасидан фарқ қиласди. Фарки шуки, “мутлақ ғоя” Худо сингари инсонларни дўзах азоби билан қўрқитмайди ёки жаннатнинг ҳузур-халовати билан хушнуд этмайди. “Мутлақ ғоя” ҳиссиётдан, дунёга ҳис-ҳаяжон билан қарашдан холи бўлиб, у соғ тафаккур ва фаол ижодий фаолиятдир. Яратувчи ва вайрон қилувчи, ўзгартирувчи, янгиловчи кучдир. Сирасини айтганда, Гегелнинг идеалистик фалсафий тизими тафаккур билан борлиқнинг айнанлиги, барча ҳодисаларни тафаккур жараёни, деб ҳисоблашга таянган.

Гегель билиш жараёнини мутлақлаштириб, уни илоҳий ўз-ўзини билиш ва инсоният томонидан Худони билиш тарзида тушунган. Билиш тарихи, олам ҳақидаги билимларнинг ўсиши ва чукурлашишидир.

Тафаккур ва борлиқнинг айнанлиги ҳақидаги фикр Гегель фалсафасининг бошланғич нұктасини ташкил қиласди. Унинг фикрича, объектив онг мавжуд бўлиб, борлиқ ва инсон онги унинг ҳар хил кўринишлариdir. Шунинг учун ҳам эламни билиш мутлақ онгнинг намоён булиши ва ўз-ўзини билишидан иборат, деб талқин

қилинади. Билиш жараёни оламнинг идеал мазмунини ва демак, инсон онгининг мазмунини аниқлаш, деб талқин этилгани учун Гегель фалсафасида Кант таълимотидан фарқли равишда, оламни билиш мумкинлиги ва у диалектик жараён экани тұғрисидаги қараш илгари сурىлган. Шунга мувофиқ ҳолда, Гегель үзининг “Фалсафа фанлари энциклопедиясы”да мутлақ онгининг намоён булиши ва үз-үзини билишнинг учта босқичини ажратиб күрсатади. Булар: мантиқ, табиат фалсафаси, рух фалсафаси булиб, биргаликда Гегель фалсафий тизимини ҳосил қиласади. Гегель фалсафасини үрганишда ушбу жиҳат мұхим аҳамиятта молидер.

Гегель тұғридан-тұғри XVIII аср француз маърифатпарварлари илгари сурган эволюцион ғояларга қарши чиққан. «Инсон хайвонот дунёсидан ривожланмаган. Бамисоли хайвонлар ҳам үсимликлардан келиб чиқмагани каби ҳар бир жонзор тұлиғича қандай бўлса, ўшандай бўлади», – деб ёзади олим. Шундай килиб, табиатни илоҳий ҳодиса сифатида тушунган файласуф материя инерт руҳдан пайдо бўлган, деган хулоса асосида диалектик таълимот яратиб, метафизик материализмдан юқори турган бўлсада, ривожланишни инкор этади. У табиат тараққиётини инкор этиб, тараққиёт факат тушунчага, билиш ва ғояга хосдир, дейди. Шундай килиб, Гегелнинг табиат диалектикаси ҳақидаги қарашлари үзида айрим мұхим фаразларга эга бўлсада, бироқ табиатни диалектик тушунишдан маълум маънода йироқ эди. Бироқ, у диалектиканиң ички қонуниятлар туфайли тұхтовсиз үзгаришиб, ривожланишиб бориш жараёни сифатида талқин этган. Гарчанд, Гегель табиат тараққиёті масаласига үзгача ёндашган, табиат ҳодисалари эволюциясига, унинг қуи шакллардан юқорига қараб ривожланишига қарши чиққан бўлса-да, табиатни тушунишда тараққиёт ғояси құллаган. Олим ҳаракат, макон, замон ва материя ҳақида қатор мұхим диалектик фаразларни илгари сурган. Лекин, ундаги мутлок ғояга

бўлган юксак илмий эътиқод баъзан табиатшунослик фанлари билан ҳисоблашмасликка ҳам олиб келгани мутахассислар томонидан эътироф этилган.

“Табиат фалсафасида” Гегелнинг табиатшунослик фанларига доир фактларга қарама-қарши фикрларни байён этгани сабабли кўп табиатшунослар асосли равища олимнинг натурфалсафасига танқидий муносабатда бўлишган.

Гегель таълимотининг учинчи қисми «руҳ фалсафаси»дир. Бунга унинг ҳукуқ фалсафаси, тарих фалсафаси бўйича ваъзлари, фалсафа тарихи, эстетика, дин фалсафаси тааллуклидир. Руҳ фалсафасида «мутлақ роя» ўз тараққиётининг охирги боскичида олиб қаралади. Бу ерда у инкорни инкор қиласи, ўзига бегона бўлган моддий шаклни бартараф қилиб, «мутлақ руҳ» сифатида ўз-ўзига қайтадан ва инсониятнинг ўз-ўзини англаши тарикасида ривожлана боради.

Гегель фалсафий тизимининг учинчи қисми «руҳ фалсафаси» деб аталади. Ўзининг «Руҳ фалсафаси»ни Гегель мутлақ руҳ мантикий тараққиётининг сўнгги боскичига багишлаган. Руҳ фалсафаси ўзига ёд бўлган моддийликни, табиий қобиқни енгуб, ўтмиш билан ўз-ўзини билишга интилади. Инсоният тарихида ушбу илмий соҳа файласуф томонидан кишиларнинг маънавий эҳтиёжларининг ривожи ва айниқса, билиш жараённинг ривожи шаклида олиб қаралади. «Мутлақ руҳ» табиатдан ўтиб, бойиган ҳолда инсоният тарихида руҳий жараённинг мазмунини ташкил этади.

Файласуф таъкидлайдики, онг фикрловчи инсоннинг табиатдан ажralиб чиқишининг сабаби, табиат асосида руҳ - «мутлақ роя» ётади. Шунинг учун материядан онгта, инсонга ўтишни Гегель руҳнинг намоён булиши деб қарайди. Немис олими илгари сурган руҳ фалсафаси индивидуал ва ижтимоий онгнинг умуман инсоннинг аклий ривожи инг тараққиётини характерловчи таълимотдир.

Таҳлил жараённанда рух фалсафаси Гегелнинг жамият ва унинг тарихи, индивидуал ва ижтимоий онг таракқиёти ҳақидаги таълимоти эканини англаб олиш мумкин. Файласуф жамиятні мутлақ руҳнинг инсон онги фаолияти орқали амалга ошадиган, үз-ўзини билиш жараёндан иборат, деб тушунтиради. Лекин жамият таракқиётининг мазмуни ва ҳаракатлантирувчи кучларини бундай тушунишга қарамасдан, гениал тарихий туйғулар, энциклопедик билимдонлик олимга ижтимоий муносабатларнинг ҳар хил соҳаларига оид бўлган кўпгина қимматли ғояларни илгари сурин имконини беради. Масалан, ҳукуқни Гегель эркинликнинг мавжуд борлиғи, деб ҳисоблаб, унда ўзбошимчаликнинг бартараф қилинишини, ҳар бир кишининг эркинлик ва тенг ҳукуқ билан таъминланиши зарурлигини таъкидлайди. Бу билан ҳукуқ тушунчасига демократик мазмун беради.

Гегелнинг “барча ақлга мувофиқ нарсалар ҳақиқатдир ва барча ҳақиқий нарсалар ақлга мувофиқдир”, деган фикри унинг дин ҳақидаги фалсафий фикрларининг моҳиятини англашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Гегелнинг сиёсий масалаларда мўттадил позицияда бўлиши қарамасдан, унинг ижодидан жамият ҳаётида ақлга асосланган заруриятнинг ҳукмронлиги, ақлнинг қонуний ғалаба қилиши ва тарих томонидан заруриятни бартараф қилиниши ҳақидаги қарашлар ҳам кенг ўрин эгаллаган.

Анри Бергсон ижодида диний ва дунёвий масалалар талқини. Франция «ҳаёт фалсафаси»нинг машхур намояндаси Анри Бергсон (1859-1941) ўзининг «Онгнинг бевосита маълумотлари» (1889), «Материя ва хотира» (1896), «Кулиш» (1900), «Ижодий эволюция» (1907), «Рухий энергия» (1919), «Узлуксизлик ва узлуклилик» (1922), «Аҳлоқ ва диннинг икки манбай» (1932), «Фикр ва ҳаракатлантирувчи» (1934) каби асарлари билан диний-фалсафий фикр ривожига муносиб ҳисса қўшган.

1927 йилда Бергсонга Нобель мукофоти топширилади. Механицизм ва доктринамизмга қарши чиқиб, Бергсон ҳаётнинг асл, илк реал ибтидо эканлитгини таъкидлайди. Ҳаёт Бергсон томонидан материя ва руҳдан кескин фарқ қилувчи яхлитлик тарзида талқин қилинади. Материя ва руҳ эса, ҳаётий жараён тугашининг маҳсулидир.

1932 йилда А.Бергсоннинг «Аҳлоқ ва диннинг икки манбаи» номли асари нашрдан чиқади. Бу асарда Бергсон инсоният тарихи ривожи тўғрисидаги фикрларини баён этади.

Бергсон фикрича, инсон ва жамиятни биологик эволюция занжирига, табиий билимлар инсонни ҳайвонот оламидан келиб чиққанини исботлагани учун қўшиш керак эмас, файласуф учун бу ҳол иккинчи даражали рол ўйнайди, чунки бунда аҳлоқнинг келиб чиқиш сабабини билмай қолиш мумкин. Олим фикрича, аҳлоқ «яширин» хусусиятга эгадир: чунки унинг моҳияти ҳақиқатдан ҳам «яшириндир»; (уни ўрганувчи тадқиқотчи учун ҳам) унинг «яшириллиги»нинг сабаби, унинг шаклларининг кўплигидир. Шунингдек, аҳлоқ ўзгарувчан тұғма хусусиятга эга бўлмагани сабабли у инсониятнинг маҳсули сифатида талқин қилинади «ижтимоий келишув» натижаси хисобланади.

Бергсон аҳлоқнинг «табиий кўриниш»ига ўз зътиборини қаратиб, аҳлоқий нормаларнинг қандай қилиб инсон онгига қабул қилиниши ва «шундай қабул қилинганлиги» учун ҳам улар бажарилиши кераклигига қизиқади. Урф-одат «стандарт», «яширин» аҳлоқнинг бир шаклидир. Аҳлоқий императив уни кўп хужайрали биологик организмнинг инстинкти даражасигача олиб келиб қўяди. Урф-одат индивид турмушини ижтимоий ҳаёт талабларига бўйсундиради. «Жамият аъзолари, – деб ёзади Бергсон, – организмнинг хужайраларига ўхшайди».

Шундай қилиб, «яширин» аҳлоқ тұғма эмас, унинг келиб чиқиши биологик хусусиятга эга, инстинктларга ўхшаб

кетади. Ахлоқнинг манбай «табиий»дир. Инстинкт билан ахлоқнинг умумий табиати биологикдир.

Диннинг моҳияти ҳам «яширин»дир. Инсон қаерда бўлса, ўша ерда дин ҳам мавжуд. Динни ҳам инсон борлиғидан ажратиб бўлмайди. Динда афсоналар, ҳикоялар, эртаклар жуда кўп. Ўзининг вазифаси билан дин, Бергсон фикрича, поэтик тўқималардан катта фарқ қиласди, лекин биз уларга камрок ишонамиз (ҳақиқат зарраси қанча кўп бўлса ҳам).

«Яширин» дин авлоддан-авлодга афсона тарзида ўгади, айрим диний ақидалар фалсафий тизимлар томонидан ишлатилади; дин тури шаклга кириши мумкин. «Яширин» диннинг асоси ҳам биологик характерга эгадир: келиб чиқишига кўра, у «ҳаётнийдир», вазифасига кўра «амалийдир».

Бундан ташқари, «яширин» дин ва ахлоқдан ташқари «зоҳирий» дин ва ахлоқ бор. «Зоҳирий» дин ва ахлоқ, Бергсон фикрича, «яширин» дин ва ахлоқ қандай вазифани бажарса, ўша вазифани бажаради. «Зоҳирий» ахлоқ ва дин тараққиётта йўл очади. Улар ўртасида муносабат мавжуд, улар бир-бирларини тўлдирадилар, уларнинг муносабатини «ижтимоий мажбурлаш» ва «муҳаббат жўшқинлиги»га ўҳшатиш мумкин».

Дин ва ахлоқ замонда ўзгаришлар булаётган даврда «зоҳир бўлади». «Ахлоқли қаҳрамонлар» ва «соғ мистиклар» уларни ўзгартирадилар. Буюк шахсларнинг бундай фаолияти «ҳаётни ижод қилувчилар» шаклида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам дин ва ахлоқнинг иккинчи томони «зоҳирий»дир, чунки бунда олам тузилишининг янги кирралари очилади, «ҳаётий жўшқинлик» сирлари каşф этилиб боради.

Инсоният тарихи билан борлик, табиат тарихининг фарқли томонлари ҳам мавжуд. Инсониятнинг ўзига хос томони шундан иборатки, инсонлар материянинг устидан хукмронликни ўз кўлларига олдилар. Бу вазифани инсон

интеллекти туфайли бажара олди. Интеллект «үлкі» материя қонунларини ишга солиб, уларни ҳаётда ишлата олди. Бундай «хукмронлик»нинг оқибати «техника»нинг вужудга келишидир. «Мистика механикага олиб келди», – деб ёзади Бергсон. Мистика, ақлоқий қаҳрамонлик ва тафаккурнинг уринишлари, материя хукмронлигидан қутулиш учун бұлған ҳаракатлар инсон борлигининг моҳиятини ҳамда хусусиятини очиб беради.

Бундай ривожланишнинг ижобий оқибатлари билан бирга салбий натижалари ҳам мавжуд. Табиат устидан хукмронлик қилувчи техник воситаларни үйлаб топиб, инсоният уни хусусий мулкка айлантируди. Бу мулкни бойитиши инсоният, давлатлар үртасида келишмов-чиликларга олиб келадики, унинг оқибати урушлар билан тугаши мумкин. Урушларни Бергсон табиат бағрида ётувчи ёвузылкунинг намоён булишидир, дейди. Урушларни ташкилотлар тузиб, бартараф этиш мумкин.

Бергсоннинг умумий фалсафий дүнёқараши шулардан иборат. Унинг борлық тұғрисидаги гоялари инсон тасаввурининг бойлигини, чукурлигини очиб беришга қаратылған бўлса, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳам ўзининг улкан гуманистик мазмуни билан ажralиб туради. Умуман олганда, Бергсоннинг интуитив ҳаёт фалсафаси динийлик ва дунёвийлик үртасидаги мувозанатни тұгри англашга қаратылған назария сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Освальд Шпенглер дин ва жамиятнинг үзаро муносабати тұғрисида. Освальд Шпенглер 1880 йилнинг 29 майда Бланкербург шаҳрида туғилған.

1920 йилларнинг бошларыда Шпенглер күп машхур оилалар билан дүстлашади. Улар билан бұлған мuloқот унинг қарашларига ҳам таъсир қиласы. Шпенглер Ницше Архиви президиумига сайланади. Бу даврда у долзарб сиёсий мавзууларда маърузалар қиласы. 1925 йилда Шпенглер сиёсатдан қатый равищда узоклашиб, үз

диккатини илмий фаолиятта қаратади. Шпенглер фалсафанинг метафизик масалалари тўғрисида якунланмаган қиска асарлар ёзади. Бу мақолалар 1966 йилда «Бирламчи саволлар» номли тўпламда нашр килинади.

Шпенглернинг марказий мавзуси – бу тарих, лекин тарих маданият орқали тушунтирилади.

Асосий тушунча Шпенглер учун «ҳаёт»дир. Лекин «ҳаёт» Дильтейдек рухий-маънавий маънода эмас, балки биологик «тириклик, яшовчанлик» маъносида ишлатилади. Худди ана шу «биологик яшовчанликда» у инсоният маданий ҳаётининг биринчи асосини куради.

Шпенглер табиат ҳақидаги фанларга рух ҳақидаги фанларни қарши қўяди. Табиат ва тарих фақаттинга субъектнинг онгидагина, кечинмаларида гина ўз воқелигини олади. Мустакил реаллик сифатида улар мумкин эмас, фақат рухдагина мавжуд, яъни «субъектсиз объект мумкин эмас». Субъект бу «умуман онгдир».

Дунё асосида «мен» ётади, ана шу «мен» орқали у ўзини намоён қиласи. «Мен» – бу якка онг эмас, балки халқ, маданият, инсоният ва турли кечинмалар. Шпенглернинг асосий ғояси – бу тарих алоҳида, яширин маданиятларнинг алмашинувидир. У тарихни узлуксиз жараён сифатида инкор қиласи ва тарихий таракқиётни ҳам инкор қиласи.

Шпенглер илмий билишнинг объективлигини инкор қиласи. Унинг таъкидлашича, илмий тушунчалар, конунлар, назариялар символлардир, улар руҳнинг диндан, эътиқоддан келиб чикканлигини асослашга ҳаракат қиласи. Фан, фалсафа, санъат, Шпенглер фикрича, бу дунёвий белгиларнинг турли кўринишдаги шакллариридир, уларнинг ҳаммаси бирламчи диний ҳиссиётдан келиб чиқади.

«Табиатни мушоҳада қилиш асосида, – деб ёзади Шпенглер, – диний эътиқод ётади... Диндан олдин пайдо бўлган табиий билим йўқдир. Ана шу нуқтаи назардан караганда, католикча ва материалистик табиатни билиш ўргасида хеч кандай фарқ йўқдир: улар бир нарса тўғрисида, лекин ҳар

хил тилда гаплашади. Ҳаттоқи, атеистик соҳа ҳам диний асосга эгадир; ҳозирдаги механика ҳам христиан ақидаларидан андоза олгандир».

Шпенглер таълимотича, ҳақиқий билим йўқ, лекин шу билишимизга ишонч, зътиқодимиз бор. Ҳамма бизни ташқи дунё тұғрисидаги тасаввуримиз илоҳий (антромуорф) хусусиятга эга. Демак, фан дин ва мифология билан айнандир.

Шпенглер фикрича, диний ҳиссиёт инсонни ташқи оламга бўлган муносабатини яққол намоён этади. Унинг таъкидлашича, онгнинг илк шаклланишида, болада ҳам, ибтидоий инсонда ҳам табиат билан, ташқи дунё билан инсон ўртасида зиддият вужудга келади. «... қачонки инсон инсонга айланганда ўзининг коинотда ёлғизлигини англайди,» – деб ёзади Шпенглер. Шунда инсонда кўркув ҳисси уйғонади, ўлим олдидағи кўркув чексизлик олдидағи кўркувдир. Ўлим тұғрисида ўйлашнинг бошланиши, юқори онгнинг пайдо бўлғанлигидан далолат беради. Ҳар бир дин, ҳар бир фалсафа бу масала бўйича ўз ечимига эгадир... Ҳозирнинг мазмуни онгсизлик даражасида, лекин ички зарурат асосида – ўлим феномени белгисига асосланади. Ҳар бир белги кўркувдан келиб чиқади. У ҳимояни талаб килади».

Дунё олдидағи кўркув инсонни ҳаётда бир дақиқа ҳам тарк этмайди. Лекин шунга қарамай, «... дунёдан қўрқишижодиётта, бошқа ҳисларга кенг йўл очиб беради», - деб ёзади Шпенглер. Дунёдан қўрқиши жонга эга бўлиш, уни билиш эҳтиёжини кучайтиради.

Шундай йўл билан белгиларнинг, символларнинг турли шаклдаги тизимлари вужудга келади. Шу йул билан илоҳий кучга сифинишнинг биринчи кўриниши рухнинг ўз ҳимояси шаклида намоён бўлади. «Худони билиш, – деб ёзади Шпенглер, – қадимги мистика тилида ўзни бағишлашни англатади, яъни илоҳни ўзига мойил қилиш, уни ўзиники қилиб олишдир».

Шундай килиб, ана шундай дастлабки, чукур диний кайфиятдан фан, фалсафа ва санъат вужудга келган, маданият ҳам ривожланган, дейди Шпенглер. Ана шуларнинг ҳаммаси маданият руҳининг маҳсулидир, руҳнинг кўп вариантлардаги, кўп шакллардаги кўринишидир. Улар ўзига хос равишда намоён булади.

Пайдо бўлган маданиятнинг тақдири қандай бўлади? Қандай йўлни босиб ўтади? Шпенглер фикрича, бу йўл уч даврдан иборат. Биринчиси, энг узок бўлиб, тайёрлов давридир, яъни хаос (тартибсизлик)нинг дастлабки ҳолати, болалик ва кучнинг тўпланишидир. Кейин, маданият даври бошланади. Бу давр муайян маданиятнинг берилган ички имкониятларини юзага чиқариш ва амалга ошириш, суръатли ижодиётдир. Ана шу даврда ҳамма маънавий қадриятлар шаклланади, диний эътиқод мустаҳкамланади, метафизик тизимлар ташкил топади, санъатнинг ноёб соҳалари, асарлари вужудга келади.

Сўнгра, маданият ўзининг учинчи, охирги даврига қадам қўяди – орқага кетиш даври, цивилизация даври бошланади. Бу даврда маънавий ҳаёт сўна бошлайди. диний эътиқод сусаяди, фалсафий таълимотлар юзаки бўлиб қолади, санъат ҳам ўлади. Куруқ рационализм ва материализм дунёкараш асосини ташкил қиласиди. Ҳаётнинг ташқи томонлари ички руҳиятни енгиб боради

Маданиятнинг сўнгти ютуқлари аста-секин хотирадан чиқиб боради. Инсонлар биологик мавжудотларга айланиб қолади. «Мазмунсизлик, зоология хукмронлик қила бошлайди, ҳамма нарсага бефарқлик бошланади. Маданий организм тарихий ҳодиса сифатида ўлади. Лекин бу ҳамманинг ўлимини англатмайди, балки барчанинг фақат биологик мавжудот сифатида қолишини билдиради», – деб ёзади Шпенглер.

Хар бир маданият даври, ҳаёти, Шпенглер фикрича, 1000 йилни ташкил қиласиди, цивилизациянинг охирги даври 200 -

300 йилни ўз ичига олади. Ҳар бир маданият, тақдир тақозоси билан бир хил даврни бошидан кечиради.

Юқорида қарашлари таҳлил этилган файласуфларнинг динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабатига доир фикр-мулоҳазалари ҳозирда, яъни ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамияти шароитида динлараро бағрикенгликни таъминлаш, динийлик ва дунёвийлик чегараларини аниқлаш билан боғлиқ долзарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалаларнинг моҳиятини аниқлашда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Динийликнинг қандай шартлари мавжуд?
2. Дунёвийлик деганда нима тушунилади?
3. Спиноза талқинига кўра илоҳийлик нима?
4. Кант дунёвий ҳаётда динийликнинг ўрнига қандай баҳо берган?
5. Шпенглернинг диний билимлар ҳақидаги қандай фикрларини биласиз?
6. Ҳозирги даврда динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро уйғунлиги қандай мезонларга асосланади?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. “Динийлик” ва “дунёвийлик” тушунчаларининг мазмуни.
2. Динийлик ва секулярлашув жараёни.
3. Дунёвий давлатда дин билан боғлиқ масалалар ечими.
4. Динийлик ва дунёвийликнинг соғлом уйғунлигини таъминлаш тамойиллари.
5. Дунёвийликда диний элементларнинг намоён булиш хусусиятлари.

9-мавзу. Фан ва дин ўзаро ҳамкорлигининг истиқболлари

Фан ва диннинг ўзаро алоқадорлигига доир қарашлар. Маълумки, фан – дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими бўлиб, уни маълум мақсадлар йўлида ўзгартиришга хизмат қиласдан табиат ва жамият ҳётини акс эттирувчи ижтимоий онг шакли ҳисобланади. Тарихдан то, бугунги кунга қадар фан ва дин муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан баҳс мунозаралар давом этиб келмокда.

Айрим олимлар томонидан дин ва фаннинг бир-бирига зид экани, дин бор жойда фан, фан бор жойда эса, дин бўлмаслиги ҳақидаги фикрни илгари сурадилар. Манбаларда қайд этилишича, бундай қарашларнинг пайдо бўлиши Ўрга асрлар католик черковининг фаолияти билан боғлиkdir. Ўша даврларда кенг қулоч ёзган, ўз чўккисига чиққан инквизиция минглаб кишиларнинг бегуноҳ курбон бўлишига сабаб бўлган. Илмий изланишлар черков томонидан қатъий равишда таъқиб остига олиниб, олимларга “Худога осийлик қилувчилар” тамғаси босилгани, ҳаммага маълум.

Ислоҳотчилик ҳаракатларининг бошланиши, ҳурфикрлилк намояндаларининг пайдо бўлиши ва Европа жамиятидаги секуляр тенденциялар натижасида фан диннинг таъсири остидан чиқди.

Шундай бўлса-да, фан соҳаси вакилларига нисбатан амалга оширилган адолатсизликлар олимларнинг ижодий фаолиятида ўз изини қолдирди. Зеро, ўша давр илмий муҳитида фан ва дин ўзаро боғлана олмаслиги, бу икки тушунчани уйғунлаштириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги айрим хulosалар ҳам илгари сурилди. Жумладан, Поль Анри Гольбах: “Дин – бу инсонларни ахмоқ қилиш йўлидир. Унда асосий мақсад, одамларни золим подшоҳлар

зулмидан бошқа томонга чалғитишидир”, деб ёзгани бунга мисол була олади.

Айни пайтда, табиий-илмий қараашлар ривожига улкан ҳисса күшгап яна бир гурӯҳ олимлар дин ва фан үзаро үйгүн феноменлар сифатида талқин этгандарини ҳам таъкидлаш жоиз. Уларнинг фикрича, дин фанни, фан эса динни инкор этмайди, аксинча, диний эътиқод соҳиблари илм-фанны ўрганишга тарғиб қиласди, фанни чукур ўрганиш эса Худонинг борлигини тасдиқлайди” дейдилар. Жумладан, Пастор “Диний эътиқод тараққиётга ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди. Чунки, ҳар қандай тараққиёт Худонинг яратган нарсаларидаги ажойиботлар сирини очиб беради. Агар мен бугун кечагидан кура илмлироқ бўлсан, Худога бўлган ишончим ҳам кечагидан мустаҳкамрок бўлади” дейди. Сарбонна университети профессори Эдмон Герберт ҳам бу борада: “Илм динсизликка ёки иккиланишга олиб бориши мумкин эмас”, деб ёзган. Лорд Калифанд эса: “Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак, илм, албатта сени Худонинг борлигига ишонишга мажбур қиласди” деган фикрни илгари суради. Эйнштейн ҳам дин ҳақида фикр билдирад экан: “Худога бўлган эътиқод илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир” деб ёзган эди.

Айримлар томонидан асоссиз равишда, фалсафа фани Худонинг борлигига скептик қараашга олиб келиши таъкидланади. Машхур инглиз файласуфи Френсис Бекон эса, бу фикрга қарши шундай ёзган эди: “Инсон фалсафадан озгина хабардор бўлса, динсизликка яқинлашади. Аммо фалсафани чукур ўрганган киши, албатта, динга қайтиб келади”.

Баъзи адабиётларда дин ва фаннинг бир-бирига қарама-қарши эканлигини асослаш учун “илм далил ва ҳужжатларга, аникликка ва ақлга таянади, дин эса, кўр-кўрони ишонч ва тақлидга таянади” деган фикрни учратиш мумкин. Аслида эса, бу ҳақиқатга мос эмас.

Зеро, дин, жумладан, ислом дини ҳам аниқ далил ва фактлар, рационал асосларга таянади. Буни динимизнинг муқаддас манбалари – Куръон ва ҳадисни тизимли ўрганиш орқали билиб олишимиз мумкин. Жумладан, Куръоннинг Исро сурасида: “Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил – ана ўшалар, масъулдирлар” деган оят мавжуд. Шунингдек, Намл сурасида ҳужжат ва далилларнинг ўта муҳимлиги борасида: “Ёки аввал бошдан яратадиган, сўнгра яна қайтадан яратадиган ва сизларни осмонлару ердан ризқлантирадиган зот яхшими? Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми!? “Агар росттуй бўлсангиз, ҳужжатларингизни келтириңг”, деган” мазмундаги оятни ўқиш мумкин.

Куръонда ақлга таалтуқли сўзларнинг 50 марта ва “акл эгалари” сўзларининг 10 мартадан кўпроқ ишлатилгани ҳам ислом динида ақлга катта эътибор берилишига мисол бўла олади. Ҳадисларда ҳам илм ўрганиш учун йўлга чиққан кишининг йўли охири жаннатга олиб бориши таъкидланади.

Дин ва фан қарама-қаршилиги концепцияси тарафдорлари динлардаги, жумладан, исломдаги илмга тарғиб фақат диний билимларни назарда тутади, деган нотуғри холосани ҳам баён этадилар.

Христианлик доирасида олиб қаралганда, таниқли астороном Николай Коперник, файласуф В.Ф.Гегеллар асли руҳоний бўлганлар, Рене Декарт ва Лейбниц каби алломаларнинг ҳам диний эътиқоди кучли бўлган. Аммо бу, уларнинг дунёвий олим бўлишларига монелик қилмаган.

Ислом дини доирасида ҳам шунга ўхшаш вазиятни кузатиш мумкин. Жумладан, Пайғамбар (а.с.)дан ривоят қилинган ҳадисда “Илмни Чинда бўлса ҳам ўрганинглар” дейилади. Дин олимлари мазкур ҳадис ҳақида тўхталар эканлар, бу ерда дунёвий илмлар назарда тутилганини қайд этишади. Чунки, агар ҳадисда фақат диний илм назарда тутилганда мазкур илмни Чин (Хитой)га бориб ўрганишга тарғиб қилиш мантиқсизлик бўлган бўларди.

Бунинг ҳаётгий-амалий мисолини дунё илм-фани тараққиётига ҳисса қўшга олимларнинг кўпчиликлари мусулмон оламидан чиққани ва аксарият кашфиётлар ислом оламида амалга оширилганини қайд этишнинг ўзи кифоядир. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим-ки, европа-христиан мұхитидан фарқли равишда, мусулмон шарқида на файласуфлар ва на бошқа соҳа олимлари атеизм ёки агностицизм йўлига ўтмадилар. Деярли барча олимлар Куръон хофизлари бўлганлар, математика, астрономия, физика, тилшунослик, диншунослик, тарих, мантиқ, фалсафа соҳаларида ижод қилиш баробарида диний асарлар ҳам ёзганлар.

Европага қайтар эканмиз, католик черкови ҳукмронлиги пайтида ҳам илм-фан, аксар соҳалари дўнга бўйсундирилган бўлса-да, барибир тараққиётдан буткул тўхтамаганини қайд этиш лозим. Жумладан, Фарбий Европадаги дастлабки университетлар XII асрда пайдо бўлган. Университет – лотинча “мажмуа” маъносини ҳам англатади. Илмий даражалар тизими шаклланиб, бакалавр, магистр, доктор каби даражалар табақаланиши университет таълимнинг кўп босқичларига мос келар эди. Таълимнинг биринчи босқичи 7 та фанни ўз ичига олган икки даврадан иборат эди:

- 1- даврада – тривиум (грамматика, нотиқлик, мантиқ);
- 2 - даврада – квадриум (арифметика, астрономия, мусика, геометрия).

Олий мактаблар XIII асрда Болония, Монпеле, Палермо, Париж, Оксфорд, Салерно ва бошқа шаҳарларда ташкил топди. Умуман, айрим маълумотларга кўра, XV асрга қадар Европа давлатларида 60 га яқин университет очилган.

XIV асрдан қоғоз ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди. Қоғоз Хитойдан Шарқ давлатлари, жумладан, Самарқанд орқали Европага кириб келди. Испанияда дастлабки қоғоз устахоналари XII асрдан ишга тушган. Кейинчалик, XIV асрдан эса бу соҳа Италияда ҳам

ривожланган. Европадаги дастлабки устахоналарда қоғоз эски латталардан тайёрланган.

Германияда 1445 йилда Иоганн Гуттейберг томонидан китоб босиш дастгохининг кашф этилиши Европа маданий ҳаётининг янада юксалишига сабаб бўлди. Худони куйлаш, Инжил асотирлари, авлиёлар ҳаёти, руҳий-аҳлоқий покланиш, гуноҳдан фориғ булиш билан боғлиқ ақидалар эса, Ўрта асрлар мусиқасидаги асосий мавзулар бўлганини ҳам эслаш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, айнан шу даврда Европа ренессанси ҳам рўй берди. Ўрта асрлар диний хурофот давридангина иборат бўлиб қолмади. Ўзидан ажойиб адабий мерос ва архитектура ёдгорликларини қолдирди. Бу давр “буюк ўзгаришлар даври”, ўзларининг ўлмас асарлари билан кишилик маданияти ривожига катта ҳисса кўшган олим ва ёзувчиларнинг етишиб чиқишига замин тайёрлаган давр бўлганини ҳам унутмаслик зарур.

Диний қарашларда маърифатпарварлик ғоялари. Юқорида таъкидланганидек, фаннинг диний ва дунёвий асосларга кўра туркумлаш секулярлашув жараёнининг авж олиши, теократик давлатларнинг қулаши, ҳурфикрилик, маърифатпарварлик ғояларининг ривожланиши натижасида амалга ошди. Бироқ, баъзи ҳолларда, дунёвий илм эгалари умуман динсиз бўлиши кераклиги, диндорлар ва дунёвий олимларнинг ўзаро икки қарама-қарши кутблар экани ҳақидаги нотўғри қарашлар ҳам баён этилди. Шунингдек, баъзи минтақаларда, “дин – илм-фан ва тараққиёт, инсон ҳурфиксиги душманидир” қабилидаги ғоялар мафкура даражасига кутарилганини, динни танқид қилган, унга қарши чиқсан файласуфлар даҳо даражасига кутарилгани ҳам, кўпчиликка маълум.

Тарихни ўрганиш инсоннинг илм-фан билан шуғуланиши унинг диний эътиқоди, иймони эса олим бўлишига монелик қилмаслигини исботлайди. Аксинча, ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни эгаллаш инсонни маънавий

комиллик сари етаклайди. Зоро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди”.

Бугунги кунда фан ва дин муносабатлари янги босқичга кўтарилимоқда. Бир неча аср давом этган зиддиятлар барҳам топиб, ушбу икки инсоният учун энг муҳим соҳаларнинг ўзаро уйғун хамкорлик даври бошланди. Илм-фан ўз қашфиётлари орқали муқаддас китоблардаги илоҳий мўжизаларни илмий изоҳлаш имкониятини бермоқда. Бу борада фан томонидан чуқур изланишлар ва тадқиқотлар натижалари диний манбаларга мос келишини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, инсоният 1961 йил ўз кўзи билан кўриб гувоҳ бўлган сайёрамизнинг шарсимонлиги ҳақидаги фикрлар бундан ўн тўрт аср аввал Куръонда баён қилинган эди: “Шундан кейин Ери (туякуш тухуми шаклида) ёйиб, текислаб кўйди” (“Нозиъот” - 30).

Бу оятда тухум маъносини билдириб келган сўз арабчада “даҳааҳаа” бўлиб, бу аслида туюқушнинг тухумига нисбатан ишлатилади. Туюқушнинг тухуми ернинг геосферик шаклига ухшайди.

Ўрта асрларда черков томонидан илгари сурилган Ернинг текислиги ҳақидаги таълимот устувор бўлган, кейинчалик унинг юмалоклиги исботланиши натижасида, олимлар инквизиция қилинган бўлсалар, айни пайтда, ислом оламида бундай хол кузатилмаганини қайд этиш лозим. Масалан, биринчилардан бўлиб Ер шари модели – глобусни ишлаб чиқсан Абу Райхон Беруний Фазнавийлар саройида энг обрули макомда бўлган. Ҳеч ким уни кофирликда айбламаган. Зотан, Куръонда ҳам “Аллоҳ яратган нарсалар ҳакида тафаккур қилинглар”, деб таъкидланган.

Аббосийлар халифалиги даврида Бағдодда Маъмун академиясининг тузилиши, у ерда математика, геометрия,

фалакиёт (астрономия), фалсафа, тиббиёт соҳасидаги энг йирик олимларнинг жамланиши ҳам ислом динининг илмга муносабатининг ёркин намунасиdir.

Дин ва фаннинг сиртдан қараганда баҳсли тулодиган нуқталаридан бири – бу, дунёнинг яралиши билан боғлиқ масаладир. Мазкур йўналишда, асосан, “креационизм” ва “эволюционизм” мактаблари фаркланди.

Креационизм назарияси. Креационизм лотинча “creatio” сўзидан олинган бўлиб, яратилиш деган маънони беради. У бутун борлиқни, ҳаётни, Ер сайдраси ва умуман оламни Худо яратган деб эътироф этувчи теологик ва гоявий концепцияdir.

Креационизм гоясининг тарихи дин тарихининг бир қисмини ташкил этади. Милоднинг XIX юз йиллигида бу атама, айниқса, оммалашди. XVIII асрда илм-фан ривожланиб эволюционизм назариясига қарши креационизм қарашлари юзага келди. Аввалига ушбу оқим тарафдорлари асосан анти-эволюционистлар, деб номланди.

1932 йилда Британияда эволюцион назарияга қарши ҳаракат юзага келди. Ҳаракатнинг асосий мақсади илмий фактларни тарқатган ҳолда эволюцион назариянинг нотуғри экани ва диний манбаларда келтирилган хабарлар ҳақиқатлигини исботлаш эди. 1970 йилда унинг аъзолари 850 киши эди. 1972 йилда Буюк Британияда “Ньютон номидаги илмий бирлашма” тузилди.

Хозирда турли давлатларда креационизм назарияси асосида бирлашган кўплаб илмий жамиятлар фаолият юритмоқда. Жумладан: АҚШ да 34 та, Буюк Британияда 4 та, Австралия, Жанубий Корея, Украина ва Россияда 2 та, Туркия, Венгрия ва Сербияда 1 та.

Кўпгина ортодоксал ҳарактердаги яхудий гурухлари теистик эволюция тарафдори бўлган бир пайтда, консерватив яхудийлар илм-фанни яхудий теологиясини шакллантиришига таяниб унга ижобий муносабат билдирадилар. Ислоҳотчи яхудийлар эса Тавротни

ҳақиқийлигини рад этадилар. Уларнинг фикрича дунё сўзининг ибронийчаси **בָּרוּךְ** аслида “беркитилган” (*Неч-Еҳ-Лаҳм*) деган маънени беради.

Креационизм назарияси яхудийликнинг муқаддас китоби Тавротда муайян даража ўз аксини топганини таъкидлаш жоиз. Милодий I асрда яхудий ёзувчиси Фило Патриархларнинг бу борадаги ривоятларини ҳақиқий деб эътироф этган. У Мусонинг Худо оламни олти кунда яратган деган фикрини келтиради. Лекин, унинг фикрича, Худо бу ишни бир пайтда амалга оширган. Берилган ракам эса тартибни билдиради. Дунёнинг яратилиши ҳақиқатан рўй берган, лекин Худо буни инсонларга Мусо орқали рамзий равишда тушунтирган.

Илк даврларда христиан черкови оталари ҳам Филонинг ғоясига таянган ҳолда оламнинг яратилиши ҳақиқатда рўй берганини эътироф этдилар. Милоднинг иккинчи аслида Христиан ортодоксаллари оламнинг яратилиши рамзий тарзда бўлган деган фикрни рад этдилар. XV асрда Авлиё Базил бу жараённи жуда катта ўлчамда ва ҳеч қандай танаффусиз ҳамда вақтсиз юз берганини тасвиirlаб беришга уринди. Августин “Оlam яратилишининг ҳақиқий тасвири”да ибтидо моддий ашёларнинг яралиши экани ва айни пайтда, вақтнинг аҳамияти бўлмаган дидактик сабабларга кўра бу жараён давом этганини даъво қилди. Унинг фикрича, ёруғлик фаришталар таратган нурнинг тасвиридир. Шунингдек, худди моддий нур каби, илоҳий нур ҳам ҳақиқатда мавжуд. Августин илоҳий матнларнинг қийинлигига эътибор қаратади ва ҳамма тушуниши учун улар таҳрир қилиниши керак, деб ҳисоблайди. Христианлар эса, кишилар ўзлари гувоҳи бўлган ҳодисалар муқаддас битикларга қарши келса, уни изоҳламаслик керак деб ҳисоблайдилар. XIII арда Томас Аквингта Августин сингари Муқаддас битикнинг аслини сақлаб қолиш кераклигини тасдиқлаб: “Муқаддас битик ҳақиқатни тушунтириб бера олар экан, нотўғрилиги исботланган ҳолатдан ташқари

ҳолларда у ҳеч кимнинг изоҳига муҳтоҷ эмас”, - деб ёзган эди.

1571 йилда Мартин Лютер оламнинг яратилиши бундан 6000 йил аввал олти кун давом этгани ҳақидаги ғояни илгари сурди. Жон Келвин олам яралиши тўхтовсиз давом этганини рад этади, шу билан бирга, унинг фикрича, осмонлар тепасида сув бор.

Янги ерларнинг каشف этилиши инсонларни ҳаётнинг янги тур ва шакллари билан таништириди. Янги назария барча биологик турларнинг Худо тарафидан алоҳида алоҳида яратилганини илгари сурди. 1605 йилда Френсис Бекон “Худонинг яратган ишлари бизга унинг Инжилидаги сўзларни тушунишимизга ёрдам беради”, деган фикрни билдириди.

1650 йили архиепископ Жеймс Ушер “Ушер хронологияси”ни чоп эттириди. Унда оламнинг яратилиши милоддан аввалги 4004 йил деб белгиланган эди. Бу сана ўша пайтда қабул этилган бўлса-да, XVIII-XIX асрларда анча юксалган илм-фан Ернинг тарихи янада кўхна эканини исботлади.

XIX аср бошларида Жон-Баптист Ламаркнинг турларнинг ўзгариши тўғрисидаги концепцияси Париж ва Эдинбургда, асосан, анатомистлар томонидан илиқ карши олинди. Британиянинг Наполеон урушлари билан банд эканлиги, Францияда революция ва американда фуқаролар урушининг юз берганлиги жамиятда шу каби эволюцион назарияларнинг асосий ўрин эгаллашига сабаб бўлди.

2006 йилда кўпгина христианлар яратилишнинг эволюцион назариясини тан олдилар. Бугун кўпгина христиан черковлари, жумладан, англикан ва лютеран черковлари илоҳий яратилиш билан эволюцион назария ўртасида зиддият йўқлигини эътироф этадилар. Мазкур черковларнинг раҳбарлари эволюцион назарияни ёқлаб турли ваъзлар ўқидилар. Ўз навбатида, олимлар, хусусан, физик Жон Полкингорн эволюция Худо яратган

махлукларида кечадиган жараёнлардан бири, дея фикр билдириди.

Креационизм назариясига ишонувчи христианлар икки гурухга бўлинадилар: биринчи гуруҳ креационизмга ишонади ва фанни бутунлай рад этади. Иккинчи гуруҳ эса фан келтирган фактларга ҳам ишонади.

Шунингдек, креационист қарашларнинг қўйидаги турлари ҳам ажратиб курсатилади:

Ёш Ер креационизми (инг. “Young Earth creationisms”; рус. младоземельный креационизм). Бунга кўра, Худо - Ернинг яратувчиси. У ерни Инжилда қандай тасвирланган бўлса, шундай яратган. Бу ходиса бундан 6000 (протестантларга кўра) ёки 7500 (православларга кўра) йил аввал рўй берган. Аксарият ҳолларда Ернинг ёши коинот ёши билан деярли тенг, деб ҳисобланади. Уларнинг фикрича Коинотнинг ердан кўхнароқ эканини тасдиқловчи далиллар оз. Бу даврда макроэволюция кечмаган. Ер улкан сув тошқинидан сўнг қайта шаклланган.

Кўхна Ер креационизми (русча “метафорический староземельный креационизм”). Бу назарияга кўра олами Худо яратган, аммо, бу тўғридан-тўғри бўлмаган. Бу қараш тарафдорлари астрономлар ва геологларнинг ерга ва коинотга берган ёшлари баҳсли эканини эътироф этадилар.

Компенсацион креационизм. Бу назария Тавротнинг Ибтидо китобида келган хабарга таянади: Аввал Худо осмон ва Ерни яратди. (Ибтидо 1:1-2). Демак, Ер бир муддат қоронгилик қаърида бўлган, сўнг ҳаёт бошланган. Орада бўшлиқ бўлган.

Кун креационизми. Бунга кўра, Худо дунёни олти кунда яратган. Ибтидо келган олти кун бу бизнинг кунлардек 24 соат эмас. Кун сўзи ибронийчада “йбм” дейилади ва ёш, давр деб таржима қилинади. Бу назария тарафдорларининг баъзилари биз ҳали ҳам еттинчи кунда яшяпмиз, деб ишонадилар.

Прогрессив креационизм (русча “креационизм постепенного творения”). Бу фикрга ишонувчилар Худо турларни яратгач, улар Худо белгилаган боскичлар асосида ривожланиб боргани, яъни уларда эволюция жараёни юз берганини тъқидлайдилар.

Теистик эволюция (русча “теистический эволюционизм”). Бунга кўра оламни Худо яратган. Лекин, бу назария эволюцияни рад этмайди. Балки яратувчи Худонинг яратишда қўллаган воситаларидан бири, дея эътироф этади.

Хиндуийлик Иброҳимий бўлмаган динлар орасида креационизмга катта эътибор қаратади. Хиндуийликнинг кўпгина эътиқодчилари Ведаларда келган эволюцион ғояларга ишонадилар. Ведаларда биринчи (сарга) ва иккинчи (висарга) яратилиши ҳақида таълимот мавжуд. Биринчи яратилишга моддий олам, иккинчисига эса Браҳма киради. Браҳманинг вазифаси моддий жисмларни яратиш эди. У аввало, ўз ёрдамчиларини яратади, улар алоҳида мақом – “праджапати”га эга бўладилар.

Ислом динига кўра борлиқ Аллоҳ томонидан яратилган. Кўп мусулмонлар Ернинг ва Коинотнинг фан тъқидлаган ёшига ишонадилар. Исломда ҳам эволюцион назарияга ишонувчилар мавжуд. Дунёнинг яратилиши борасида Исломнинг асосий манбасида бир қанча оятлар келтирилган. Хусусан, Куръоннинг Анбиё сураси, 30–оятида шундай дейилган:

“Кофири бўлганлар осмонлар ҳам, ер ҳам (аввалда) яхлит булганини, бас, Биз уларни ёриб юборганимизни ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) килганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам имон келтирмайдиларми?!”.

“Сўнгра тутун ҳолатда бўлган осмонни (яратишни) қасд этиб, унга ва ерга: «(Фармонимга) ихтиёрий ёки мажбурий ҳолда келингиз!» – деган эди, улар: «Ўз ихтиёrimiz билан келдик», – дедилар” (Фуссилат, 11)

“Осмонни Биз «қўллар» билан барпо этдик. Дарҳакиқат, Биз қудратлидирмиз” (Зарийят, 47).

Социолог Малик Шебел 2007 йил феврал ойида Ле Монде газетасига берган интервьюсида шундай деганди: “Ислом ҳеч қачон илм-фандан кўрқмаган.... Ислом Дарвинизмдан хавфсиралмайди.... Ислом эволюция ва одамнинг мутациясидан кўрқмайди....”.

Биринчи мусулмон биологи ал-Жаҳиз IX асрда яшаб ўтган. У ўзининг “Ҳайвонлар китоби” асарида табиатнинг ҳайвонларга ўтказадиган таъсирини тадқиқ қиласди. Унинг фикрича, табиатнинг таъсирида ҳайвонда яшаш учун курашга интилиш туғилади. Ал-Жаҳиз яшаш учун курашни табиий танланиш деб атайди.

Замонавий мусулмон илоҳиётчилари ва олимлари оламнинг яратилиши борасида бир неча гурухга бўлинишади. Биринчи гурух вакиллари Аллоҳ барча жонзоротларни айни кўринишида яратди ва улар шу аждодидан тарқалди деб ҳисоблайдилар. Одамнинг яратилиши борасида улар Куръондаги оягларга таянган ҳолда Аллоҳ одамни лойдан яратди, дейдилар. Кейин Одамнинг қовурғасидан Ҳаввони яратди ва бу иккисидан бутун бани башар тарқалди. Бу йўналишнинг машҳур намоёндаларидан Шиҳаб-уд-Дин Надви, Вахидуддин Ҳон ва Хорун Яхёлардир.

Франция мусулмонлар жамияти Президенти Даил Бубакёр Хорун Яхёнинг эволюция тўғрисида ёзган китобига жавобан шундай дейди: “У турлар ўзгармай қолишини исботлашга уриммоқда. Даил сифатида у фотографиядан фойдаланмоқда, аммо бу билан у баъзи турларнинг йўқолиши ва бошқаларининг пайдо бўлишини тушунтириб беролмайди”.

Шиҳаб-уд-Дин Надави “Одамнинг яралиши ва эволюция назарияси” номли китоб ёзган. Вахидуддин Ҳон ҳам бир қанча китобларнинг муаллифи бўлиб, айниқса “Илм-

жадед ка чалленж” (Замонавий фан ютуклари) асари дунёнинг яратилиши масаласига бағишиланади.

Эзотеризм концепцияси. Борликни англаш борасида юқорида кўриб ўтилган “креационистик” ва “эволюционистик” назариялардан ташқари “эзотерик” метод ҳам фарқланади. Мазкур назария оламни, унинг яралишини ноанъанавий, фан томонидан тасдиқланмаган усууллар орқали англашга қаратилгандир.

“Эзотеризм” сўзи юон тилидан олинган бўлиб, “ички”, “ботиний” илм, ёхуд “ибодатхонага киришнинг хос йўли” маъноларини англаттган. Илк бора қадимги юонон файласуфи Пифагор мактаби вакиллари мазкур соҳа билан шуғулланганлари қайд этилади.

Эзотеризм борлик қонун-қоидаларини маънавий-психологик билишдир. Шунингдек, у, дунё эволюциясининг моҳиятини англашдаги специфик қарашларнинг мажмуудир. Бунга мистицизм концепциялари, фен шуй, ицзин таълимоти, шунингдек, инсон ўзини англашнинг тажриба ва йўллари киради.

Мазкур йўналиш тарафдорларининг фикрига кура, эзотерик дунёқарашга ҳамма ҳам қодир бўлавермайди. Бу даражага фақаттина маълум поғонага етишган ва қобилиятли (одатда уларни Етишган, Мастер, Устоз деб аташади) инсонларгина эришиши мумкин.

Қадимги давр эзотеризмининг энг машҳур йўналиши бу – герметизм эди. Қадимги Бобил эзотеризми тажрибалари кейинчалик Farb астрологияси учун асос бўлиб хизмат килган.

Эзотеризмга аксар динларда мавжуд бўлган сирли ва қонун-қоидалар орқали очиб берилган дихотомия хосдир. Христиан йўналишидаги баязи кишилар эзотеризм Инжил ва христианликка зид эканини таъкидлашади. Бугунги кунда, мазкур йўналиш асосан Узок Шарқ, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё миллий динларига хосдир.

Хозирги даврда дин ва фан уйғунлиги таъминланишининг ташкилий-сиёсий, маънавий-маърифий хусусиятлари. Бугунги кунда фан ва дин муносабатлари мувозанатини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, инсоният диний хурофотлар устун бўлиб, илм-фан тушкунликка тушган даврда ҳам, ёки аксинча, дунёвийлик ҳукмрон бўлиб, дин умуман инкор этилган пайтда ҳам тўлиқ камолотга, баҳтга эриша олмади. Фақат диний ва дунёвий илмларни уйғунлаштирган ҳолдагина тараққиётга эришиш мумкинлиги тобора теранроқ англаб этилмоқда.

Хозирда дунёning етакчи университетларида турли дунёвий факультетлар қатори илоҳиёт бўлимларининг ҳам мавжудлиги, диний тадқиқот марказларининг тузилгани, дунёning барча давлатларида фукароларнинг диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли, деб эълон қилингани динийлик ва дунёвийликнинг тобора уйғунлашашётганига мисолдир.

Мавжуд динларга назар солар эканмиз, дунёвийлик ва динийликнинг соғлом уйғунлигини таъминлаш муқаддас ислом динимиз таълимотида ҳам кенг үрин тутганига ишонч ҳосил қиласиз. Зеро, динимиз илм олишга қўп тарғиб қиласиди. Бунда, илм деганда нафақат диний, балки дунёвий билимлар ҳам назарда тутилишини юқорида таъкидлаб ўтган эдик.

Маълумот учун шуни айтиб ўтиш лозимки, ислом динида илмлар икки гурухга бўлинади. Биринчиси, ҳамма учун тенг мажбурий (фарзи айн) бўлган илмлар. Бунга, имон ва ислом, ибодатлар тартибларига оид илмлар киради. Иккинчиси эса, муайян кишиларга мажбурий бўлган (фарзи кифоя) илмлар киради. Математика, астрономия, физика, тиббиёт, муҳандислик каби ҳаёт ва тараққиёт учун зарурий бўлган илмлар шу қаторга киради. Агар муайян жамият бу ишларни амалга оширмаса, унинг ҳамма аъзолари гуноҳкор бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини асосий тамойиллардан бири деб эътироф этди. Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёнини, туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик сиёсатига барҳам берилди, виждан эркинлиги қонун орқали кафолатланди.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойилини унинг асосини таъкидлаш зарур. Бу ҳакда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

Мазкур моддада муҳим коидалар мустаҳкамлаб кўйилган. Аввало, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳукуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда республикамиизда 16 та ноисломий конфессияга мансуб 175 та ташкилот эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир. Қолаверса, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зоро, бирор динга зътиқод қилювчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Дин ва жамият ҳаётидаги диалектик алоқадорликдан дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойил – дин соҳасида кечётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва шундан келиб чишиб,

ижобий жараёнлар ривожига янада кенгрөқ имконият яратиш, салбий холатларнинг олдини олишдир.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи бошқа бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий кисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожи учун тегишли шарт-шароит яратишга харакат қиласди.

Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатида диндорларнинг ҳукукий мақоми ва давлат томонидан ўтказилаётган тадбирларда диний конфессиялар ҳакидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишидек икки муҳим жиҳат ҳам бор.

Конституциямизда бу масалалар ўз ечимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳукукий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Конституциянинг 31-моддасида, жумладан, шундай ёзилган: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хохлаган динга эътиқод килиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод килмаслик ҳукукига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Мазкур қоидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодалайдиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат килиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳукукларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъкиб килишга йўл қўймаслик;

— маънавий тикланиш, умуминсоний аҳлоқий
қадриятларни

қарор топтириш ишида турли диний ўюшмаларнинг
имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот
қилиш йўлларини излаш зарурати;

— диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йул
кўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Ўзбекистан давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараккиётидаги дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, дин ва фаннинг ўзаро муносабатига доир фикр ва қарашлар узоқ ва мураккаб ривожланиш йўлига эга. Аслида, динни фан душмани, фанни эса, дин душмани деган фикр иккала феноменни яхши билмаслик оқибатида пайдо бўлишини таъкидлаш жоиз. Диннинг асл моҳиятини яхши билмаган инсонлар фанни инкор қилишди, илми саёз бўлиб, ўз соҳасини тушунмаганлар эса, Худони инкор кила бошлашди. Бугунги кунда, дин фалсафасининг асосий вазифаси ҳам мана шу хатоликларни курсатиб бериш орқали, дин ва фан диалектикасини объектив ёритишдан иборатdir.

Ҳозирги кунда ҳар қандай ижтимоий фан соҳасининг, шу жумладан дин фалсафасининг энг муҳим вазифаси диний ва дунёвий билимлар уртасида мутьадил муносабат бўлишини илмий изоҳлаш, унинг қонуният ва хусусиятларини очиб беришдир. Бунинг учун дин ва дунёвий фанларнинг ўзаро муносабатларини умуминсоний мақсад ва манфаатлар доирасида уйғунлаштириш имкониятларини топиш мақсадга мувофиқ. Зоро, ҳуқук, аҳлоқ, сиёсат, маданият фалсафасининг ғоявий-назарий йуналишларини шу масалани ҳал қилишга қаратишни умуминсоний цивилизациянинг ўзи тақозо қилмоқда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Фан ва дин муносабатларининг ўзига хослиги ҳақида нималарни биласиз?
2. XVI-XVII асрларда христиан динининг фан тараққиётiga қўшган ҳиссаси ҳақида қандай маълумотлар бор?
3. Креационизм нима?
4. Эзотеризм ҳақида нималарни биласиз?
5. Ислом динида илмга қандай ўрин берилган?
6. Дунёвий ва диний билимларни уйғуналаштириш деганда нима тушунилади?
7. Дин ва давлат муносабатлари ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил иш учун мавзуулар:

1. Дин ва фан дунёқараш шакллари сифатида.
2. Ислом – маърифатпарварлик дини.
3. Эволюционизм назариясининг шаклланиш босқичлари.
4. Диний фанлар: моҳият, мақсад ва тадқиқот тамоийиллари.
5. Дин ва фан ўзаро ҳамкорлиги назарий асосларини мустаҳкамлашда дин фалсафасининг ўрни.
6. Ўзбекистонда дин ва фан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашнинг ижтимоий-маънавий асослари.

10-мавзу. Глобаллашув шароитида дунё диний манзарасининг ўзгариб бориш хусусиятлари

Дин тўғрисидаги футурологик қарашлар. Секулярлашув концепцияси. Илмий билимнинг қиммати кўп жиҳатдан, унинг келажакни прогноз қила олиш хусусияти билан белгиланади. Дин феноменининг илмий таҳлили билан шугулланадиган мактаблар томонидан олиб борилган изланиш ларга таянган ҳолда, дин фалсафаси фани

доирасида бугунги дунёning диний манзараси, диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва унинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар тизимлаштирилади.

Диннинг истиқболларига доир футурологик масалалар асосая, сўнгти юз йиллклар мобайнида дунёвий жамият тўғрисидаги ғояларнинг ривожланиб бориши билан шаклланган секулярлашув концепцияларида ўз аксини топиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу йуналишдаги барча қарашлар учун диннинг жамият ҳаёти соҳаларига таъсирининг тобора пасайиб, дунёвийликка асосланган ҳаёт тарзининг мустаҳкамланиб бориши ҳақидаги ғоя умумий ҳисобланади.

Секулярлашувга бағишлиланган назарияларда динларнинг тақдири билан боғлиқ масалалар юзасидан таҳлилий мулоҳазалар баён қилинган. Бунда, табиий равишда, инсоният истиқболида динийликдан дунёвийлик ўтиб, ривожланиб борувчи жамият қурилиши модели устувор бўлиши тўғрисидаги хулоса илгари сурилади.

Бугунги кунга келиб, мазкур муаммо фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, социология, маданиятшунослик ва бошқа ижтимоий фанларнинг асосий мавзуларидан бирига айланган. Ҳар бир фан доирасида диннинг ижтимоий-тарихий моҳияти, истиқболи билан боғлиқ масалалар ўзига хос ёндашув асосида тадқиқ этилади. Изланишлар дин футурологиясига доир илгари сурилаётган қарашлар асосан бир нечта муҳим масалалар доирасида ишлаб чиқилаётганини кўрсатмоқда.

Улардан бири – дин ўзининг аввалги ижтимоий мақомини йўқотиб, жамиятга бўлган таъсир кучи пасайиб бориши билан боғлиқ масала ҳисобланади. Мутахассислар таҳлиллар асосида жамиятдаги секуляр жараёнларнинг натижаси динга таъсири кучли бўлган икки соҳа – фан ва сиёсатнинг ривожланишига бевосита боғлиқлигини таъкидлайдилар.

Диннинг замонавий жамиятда тутган ўрни ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни англаб олиш секулярлашув концепцияларида илгари сурилаётган тояларнинг мазмунини билишни тақозо этади. Зеро, бу борадаги билимлар ўзининг футурологик мазмуни билан дунёнинг диний манзарасини аник тасаввур этишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳозирда секулярлашувнинг кучайиб бораётгани ва унинг замонавий жамиятнинг характерли хусусиятига айланиб улгургани, дин, анъанавий равишда узоқ минг йилликлар мобайнида бажариб келган функцияларни эндиликда тўлиқ бажара олмаслиги ҳақидаги фикрлар кенг тарқалган. Дарҳақиқат, воқелик диний мансублик билан бошқа ижтимоий роллар ўртасида муайян тафовут мавжудлигини курсатмоқда. Биргина, динидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенг хукуқлилиги тўғрисидаги дунёвий жамият қоидаси бунга мисол бўла олади. XVIII—XIX асрларда хукукий даражада намоён бўлган ушбу секуляр тамойил кейинчалик ижтимоий даражаларга ҳам татбиқ этилди. Натижада, ҳозир динга эътиқод килиш ёки килмаслик нафақат хукукий, балки, умумижтимоий жиҳатдан ҳам индивид ҳаётий фаолияти учун белгиловчи аҳамият касб этмайди.

Бирок, бундай ҳолат улкан маънавий куч – диннинг инсон, ижтимоий гурӯҳ, жамият ҳаётида суст рол ўйнаётгани ҳақидаги холосага асос бўла олмайди, албатта. Шу ўринда, мутахассислар томонидан секулярлашувнинг сабаб ва оқибатлари ҳамда диннинг келажакдаги истиқболлари билан боғлиқ масалаларни тушуниш, талқин этилишида сезиларли фарқлар мавжудлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Хусусан, бир гурӯҳ олимлар секулярлашувнинг динни жамиятга таъсир кучини тобора сусайтириб, йўқ бўлишигача олиб борадиган ортга қайтмас жараён тарзида талқин этадилар. Иккинчи гурӯхга мансуб мутахассислар фикрича эса, секулярлашув – бу, фақат диннинг шаклан

ўзгаришини ифодалайдиган жараён бўлиб, ўз умрини ўтаб бўлган диний эътиқод шакллари ўрнига янгиларининг пайдо бўлиши ва шу тариқа диннинг жамиятдаги аҳамиятининг сақланиб қолишини англатадиган жараён ҳисобланади. Бошқача айтганда, иккинчи гуруҳ олимлари секулярлашувни янгиланган шаклларда динларнинг жамиятдаги ўрнини ҳатто, кенгайишига олиб келадиган табиий, соғлом жараён сифатида тушунадилар.

Умуман олганда эса, ҳозирда илмий жамоатчилик томонидан мустаҳкам назарий асосларга эга қарашлар тизими сифатида тан олинган бир неча секулярлашув концепциялари мавжуд. Уларнинг бирида секуляр жамият муқаддас бўлган нарсаларнинг йўқотилиши ва ижтимоий тартиб ва келишувга нисбатан таҳдид сифатида олиб қаралади. Бундай ёндашув замонавий социолог П.Бергер қарашларида устувор ҳисобланади. Олим фикрича, ушбу жараён алоҳида олинган инсон ва умуман, жамият учун истиқболда кўплаб оғир оқибатларга олиб келади. Секулярлашув “муқаддас” ҳисобланган нарса, ҳодисаларнинг йўқолиши, мутлақ саналган қадриятларнинг нисбий хусусият касб этиши орқали кечадиган жараён сифатида инсоннинг маънавий инқирозига сабаб бўладиган жараёндир. Шу маънода, П.Бергер қарашлари секулярлашувни жамият барқарорлигини хавф остига қўювчи деструктив характеристерга эга тенденция эканини асослашга қаратилган.

Секулярлашув назарияларининг яна бир йўналиши келажакда диннинг фан, рационал тафаккур, дунёвий ахлоқ меъёрлари томонидан жамият хаётинан сикиб чикарилиши ҳақидаги футурологик қарашлар тизимини ифода этади. Мутахассислар ушбу нуқтаи назарни ҳозирда дин истиқболлари билан боғлиқ масалалар таҳлилида устувор бўлиб турганини эътироф этадилар. Унга кўра, фан ва жамиятнинг саводи ўсиб боргани сари диннинг роли тобора пасайиб боради. Ўтказилган ижтимоий сўров натижалари

ушбу тенденциянинг айниқса, Farb жамиятларида кучлирок эканини акс эттирган. Умуман олганда, секулярлашувнинг ушбу талқинига кўра, диний эътиқоднинг мунтазамлиги ва миқёси инсонлар саводхонлиги даражасининг ўсиб боришига нисбатан тескари пропорционал хусусиятга эга. Дин инсонлар дунёнинг илмий манзарасини яхши билмаган жойларда юқори таъсир кучига эга бўлади. Америкалик тадқиқотчи О.Дининг таъкидлашича, келажакда фантехниканинг равнақи сабабли инсонда гайритабиий кучларга бўлган ишонч сўниб боради. Натижада, тафакур рационаллашиб, ақл, мантиқ ва фанга бўлган ишонч ортиб боради. Замонавий жамият олдида турган муаммоларни ҳал этишда диний ақидалар эмас, кўпроқ фан ютуқлари ва дунёвий аҳлоқ меъёrlарига таяниш устуворлашиб боради.

Сирасини айтганда, мазкур секулярлашув концепциясига жамият ҳаёти соҳаларининг диндан озод бўлиб боришини инсоният истиқболи учун позитив жараён сифатида талқин этиш хосдир.

Яна бир илмий оқим секулярлашувни диннинг эволюцияси ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида бошқа шакл ва кўриниш касб этиб бориши билан боғлиқ футурологик ғояларни илгари суради.

Маълумки, замонавий диншунослик фани талқинларига кўра, секулярлашув туфайли дин ўзгариб боради, бирок, у ўз аҳамиятини йўқотмай, инсонлар ҳаётида бошқача тарзда намоён бўлади. Секулярлашувнинг мазкур йўналиши мазмун жиҳатдан юқоридаги тамойилга якинdir. Бу борада, машҳур социолог Т.Парсонс фикрлари эътиборга молик. Унинг нуткази назарига кўра, жамият дифференциация йўли орқали тараққий этади ва дин ўзининг аввалги “муқаддас тимсол” сифатидаги аҳамиятини йўқотиб, ижтимоий ҳаётнинг соҳаларидан бирига айланади. Диний эътиқод тобора хусусий характер касб этади. Шунинг учун, келажакда социал институт сифатида диннинг давлат,

хукуқ, иқтисодиёт, таълим каби соҳаларга нисбатан таъсир кучи тобора сусайиб боради.

Албатта, секулярлашув муаммоларига бағишенгандан ушбу концепцияларда илгари сурилаётган ғоялар мутлақ хусусиятта эга эмас. Дин-жамият кесимидағи илмий-тадқиқотлар давом этиб борар экан, бу борадаги мухим масалаларнинг моҳияти янада ойдинлашиб боради. Шундай бўлса-да, секулярлашув соҳасида эришилаётган натижалар бугунги дунёнинг диний манзарасини янада тўликроқ ва теранроқ англаб етища катта аҳамиятта эга эканини ҳам таъкидлаш мухим.

Аслида, дин истиқболи билан боғлиқ илмий прогноз О.Конт (1798-1857) томонидан унинг машхур “уч босқич қонуни” назариясида илгари сурилганини таъкидлаш жоиз. “Дин охир-оқибат фан томонидан сиқиб чиқарилади, алмаштирилади” деб ёзган эди француз олимни. Унинг бу фикри ўз даврида илмий доирадан ташқарида ҳам кенг тарқалиб кетди. Дин билан фаннинг ўзаро сифиҳмайдиган соҳалар эканига бўлган ишонч жуда кучли бўлган ва келажакда фаннинг дин устидан “ғалаба қозониши”га табиий ва муқаррар жараён экани тўғрисидаги қараш муайян даражада оммалашди.

О.Конт давридан эътиборан бу нуқтаи назар, одатда, позитивизм ёки сциентизм деб юритилади. Бироқ, олим бошқа баъзи позитивистлардан фарқли равишда, диннинг ижтимоий функциясини теран англаб етган. Шу маънода, у жамият учун мавжуд ҳамда эришилган нарсалар доирасидан ҳам юқори саналувчи, инсонларни эзгу амал, олижаноб ишлар ва зарур ҳолларда ўзини-ўзини маълум маънода қурбон қилишга илҳомлантирувчи идеал зарурлигини тан олган. Шунинг учун Конт жамият учун рационал асосларга эга бўлган позитив маънодаги динни таклиф этган. Унинг фикрича, бундай диний тизимнинг асосий обьекти инсоният истиқболи ва одам зоти мавжудлигининг асосий шартларини бажаришдан иборатдир. Контнинг издоши

Э.Дюргейм (1858-1917) эса, унинг фикрига эътиroz билдириб, динлар ҳеч қачон инсонларнинг онгли интилишлар натижаси сифатида пайдо бўлмагани, аксинча, улар ўз-ўзича ижтимоий ҳаёт конуниятлари асосида юзага келганини таъкидлаган. Унинг ёндашувига кўра, дин рационал конструкцияга энг кам ўхшайдиган ҳодисадир.

Умуман олганда, Контдан сўнг кўплаб жамиятшунос олимлар фан-техника тараққиёти натижасида диннинг заифлашиб бориши тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни илгари сурдилар.

Диний ва умуминсоний қадриятларнинг таъсиrlашуви. XX аср воқелиги диннинг халқлар ҳаётида ўз ўрнини сақлаб қолишини кўрсатди. Шу маънода, кучли секулярлашув тенденцияларининг мутлақ устуворлиги ҳакидаги футурологик ғоялар ўзини окламади. Шундай бўлса-да, бу борадаги айрим ҳолатларга тўхталиш, мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, демократик тартибларнинг устуворлашиб бориши натижасида, аксарият давлатларда дин расмий мафкура сифатида мақомини йўқотди. Дин ва давлат алоҳида соҳаларга ажратилди. Диний бағрикенглик тамойиллари умуминсоний қадрият даражасига кўтарилиб, ягона ҳудуд ва минтақаларда турли дин ва конфессияларнинг биргаликда ҳаёт кечиришлари олий демократик қадрият сифатида расмийлашди.

Иккинчидан, демократик шароит виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун-қоидаларнинг жорий этилишига сабаб бўлди. Бу ҳам диннинг умумжамият, умумдавлат миқёсдан хусусий даражадаги масалалар қаторидан жой олишини таъминлади. Бугунги кунда фуқаролар диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқукларга эга.

Юқоридаги икки жиҳат сўнгги икки юз йил мобайнида диний ҳаётда юз берган энг муҳим ўзгаришлар ҳисобланади. Зоро, “дин ва давлат”, “дин ва жамият” кесимида олиб қаралганда, ушбу икки йўналишда содир

бўлган ўзгаришлар диний асосда кечадиган бошқа барча жараёнларнинг сабаби сифатида намоён бўлади.

Айни пайтда, диннинг давлат ишларидан ажратилиши ва виждон эркинлиги тамойилининг жорий этилиши диннинг жамият ҳаётида тутган ўрнининг заифлашуви эмас, балки такомиллашуви, инсоният маънавий маданиятининг юксалиб бораётганини англатишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дин истиқболларига доир қарашлари билан танилган яна бир олим Э.Тоффлер (1928 й) ҳисобланади. У ўзининг 1980 йилда эълон қилинган ва катта шов-шувларга сабаб бўлган “Учинчи тўлқин” номли китобида тобора сони кўпайиб бораётган турли хил диний оқим ва ҳаракатлар фаолиятининг диний ҳаёт барқарорлигига асосий таҳдид сифатида олиб қарайди. Унинг фикрича, анъанавий диний тизимлар соғлом асосларда, илмий таҳлиллар орқали чинакам диний таълимотлар мазмунини янада теранроқ очиб бериш ва уларни тизимли тарғибот қилиб боришлари зарур. Шундагина, асил мақсадлари мавхум бўлган турли диний ҳаракатларнинг авж олишининг олди олинади. Тоффлер шаклланиб келаётган глобал диний манзарани “спиритуал товарлар бозори” деб атайди. Олим талқинига кўра, ушбу бозорда индивидула ва ижтимоий эҳтиёжларнинг кенг спектри учун кўплаб диний мазмундаги ақидалар ва диний-мистик амалиёт шакллари таклиф этилади. Айни пайтда, Тоффлернинг бундай сохта диний ғоялардан бузғунчилик мақсадлар йўлида, масалан, терроризм ва давлат тизимини вайрон қилиш каби ишларда фойдаланиш хавфининг ҳам катта эканини таъкидлагани эътиборга молик.

Ўтган асрнинг охирида дунёга машҳур бўлган яна бир футурологик қараш америкалик олим С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви” концепциясидир. Умуман олганда, сўнгти йилларда, Фарбда диний, маданий, цивилизациявий тафовутлар халқлар ўртасидаги

зиддиятларнинг манбай экани тұғрисидаги фикр-мулоҳазалар, қараашлар ривожланиб борганини таъкидлаш жоиз. Ушбу концепция ҳам шулар жумласидандир.

Маълумки, америкалик олим инсоният истиқболида асосий зиддият ва қарама-қаршиликлар цивилизацияларнинг кесишув чизигида содир бўлишини башорат қиласди ва диний, маданий фарқ ва хилма-хиллик бунда устувор омил эканини таъкидлайди.

“Албатта, фарқ, муқаррар зиддиятни англатмайди, зиддият эса, доимо зўрлик дегани эмас, - деб ёзади С.Хантингтон, - бирок, юз йилликлар мобайнида бўлиб ўтган давомли ва қонли зиддиятлар цивилизациялар ўргасидаги фарқдан келиб чиқкан эди. Албатта, унинг бу фикри баҳслидир. Чунки, қадимда урушлар империяларнинг манфаатларини амалга оширишнинг асосий воситаси эди. Фукаровий характерга эга бўлган зиддиятларни ҳисобга олмасак, улар гарчанд, ҳозирги даврдагидек, турли “ранглар” билан бўялган бўлса-да, том маънода, ҳудудлар, табиий-географик ресурслар назорати, аниқрок айтадиган бўлсак, геосиёсий мақсадлар йўлида олиб борилган.

Бундан ташқари, ҳалклар ўргасидаги диний, миллий, майший ва бошқа фарқлар ўз-ўзича қонли уруш, зиддиятларга сабаб бўлмайди. Балки, сиёсий кучлар томонидан уларнинг мазмунининг бўрттирилиши, бир ёқлама талқин қилиниши натижасида, сохта, рационал асослардан узилган вайронкор гоя ва мафкуралар яратилади ва оммага турли йўллар билан сингдирилади. Масалан, фашизм, расизм, шовинизм, диний экстремизм каби мафкура ва амалиёт шаклларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихига назар ташласак ҳам, улар сиёсий кучларнинг субъектив ҳаракатлари натижасида пайдо бўлгани маълум бўлади. Зеро, у ёки бу миллатнинг олий ирк экани ёки бўлмаса, ҳозирги даврда халифалик барпо этиш учун реал имкониятларнинг мавжудлиги ҳеч бир согъом

илмий-фалсафий концепцияда исботланмаган. Сирасини айтганда, диний тафовутлар объектив характерга эга, бироқ, уруш ва зиддиятлар замирида субъектив омилларнинг таъсири ҳал құлувчи аҳамиятта эга.

“Цивилизациялар тұқнашуви”ни, бир томондан, үйлаб топилған назария дейиш мүмкін. Чунки жаҳонда мавжуд цивилизациялар миллий, диний ва бошқа тафовутларга қарамасдан, биргаликда тинч-тотув яшаушлари ҳам мүмкін.

Иккінчи томондан, глобаллашув шароитида, цивилизациялараро зиддиятларга халқаро ташкилотлар томонидан ахборот, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг онгли равищда тартибға солинмаслиги омил бұлади. Бундан ташқари, ушбу концепциядан қандайдыр ғаразли күч, атайин, у ёки бу сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Зеро, бундай вариант учун ҳам асослар мавжуд.

Шунинг учун, бизнингча, цивилизациялараро тұқнашувнинг муқаррар эканини ишонч билан таъкидлаш, ноўрин. Бинобарин, миллий, мінтақавий ва глобал миқёсдаги демократик институтлар фаолиятини такомиллаштириш орқали С.Хантингтон прогноз қилаёттан муаммоларни олдини олиш учун инсоният ҳамжамиятида реал имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап, улардан оқилона фойдаланишда. Бошқача айтганда, америкалик олим “цивилизациялар тұқнашуви” илмий гипотезаси учун қанча мантиқий асосларға эга бұлса, бизда ҳам унинг юзага келмаслигини таъкидлаш учун шунчалик асос бор.

Сирасини айтганда, вокелик дин инсонлар ҳаётида үз таъсир кучини нафқат сақлаб келаётгани, балки күп ҳолларда унинг аҳамиятини кучайиб бораёттанини күрсатмоқда. Айниқса, бу Farb ва Шарқ жамиятларига татбиқан олиб қаралғанда, яққол күзга ташланади. Зеро, секулярлашув умуминсоний ҳодиса бұлса-да, макон нұқтаи назаридан хусусий ҳолат касб этишини ҳам унутмаслик зарур. Зеро, масалан, дин Шарқ жамиятлари, хусусан,

халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида доимо ривожланиб келмоқда. Албатта, сиёсий омиллар туфайли диннинг таъқиб остига олиниши бу борада муайян даражада депсинишларга сабаб бўлди. Бирок, мустақиллик туфайли дин ижтимоий-тариҳий мақоми сиёсий-хукукий асосларда қайта тикланди. Юртимизда нафақат, ислом дини, балки бошқа конфессиялар фаолияти учун ҳам бирдек шарт-шароитларнинг яратилгани фикримизга далил бўла олади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунга келиб, дин авваллари бўлгани каби инсоният ҳаётида муҳим ўрин тутади. Диний ҳаёт истиқболи билан боғлиқ масалалар бўйича турли-туман ёндашувлар бўлса-да, бизда: маънавий ҳаёт бор экан, дин унинг муҳим таркибий қисми сифатида ривожланиб бораверади, деган холосани баён этиш учун етарли асослар мавжуд.

Инсоният бугунги кунга келиб фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги (плюрализм), хурфикрлилик, тенг хуқуқлилик шароитларида ҳаёт кечирмоқда. Шу маънода, индивидда ўз маънавий ҳаётини ташкил этиш учун улкан имкониятлар мавжуд. Бирок, эмпирик кузатишлар, тизимли таҳлил диннинг маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолиши ҳақидаги холоса чиқаришга имкон бермоқда. Диннинг истиқболи билан боғлиқ қарашларнинг қандай характеристга эга бўлишидан қатъи назар, масаласини теран англаб етган ҳар қандай футуролог инсоният келажагини диний омилдан айри холда тасаввур этмаслиги аник.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Футурология қандай билимлар тизимини ифодалайди?
2. О.Тоффлернинг дин истиқболлари тұғрисидаги асосий ғоялари нималардан иборат?
3. Хантингтоннинг «Цивилизациялар тұқнашуви» концепциясида қандай диний-маданий тизимлар ажратиб кўрсатилган?

4. Секулярлашув нимани англатади?
5. “Дин маънавиятнинг муҳим таркибий қисми” деганда нимани тушунасиз?
6. Диний ва умуминсоний қадриятлар таъсирлашуви нималарда намоён бўлади?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Дин ва дунёвий тараққиётнинг ўзаро алоқадорлиги.
2. Эзгулик тушунчасининг диний ва илмий талқини.
3. Секуляр жамиятда диний маданият.
4. Глобаллашувнинг диний соҳада намоён бўлиш хусусиятлари.
5. Диний бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, биринчидан, дин тўғрисидаги фалсафий қараш ва таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, диний ва дунёвий билимларнинг соглом уйғунлигини таъминлашга қаратилган фалсафий метод ва методологияларнинг ишлаб чиқилиши, шунингдек, диннинг ижтимоий-тарихий аҳамиятини теран англашга қаратилган гносеологик тамойилларнинг такомиллашиб бориши каби мұхим омиллар бугунги кунга келиб дин фалсафасининг ижтимоий фанлар тизимида ўзига хос ўрнига эга бўлишига замин яратган.

Иккинчидан, дин фалсафаси дунё халқлари ҳәёти ва фалсафасини янада чукурроқ билишга қаратилган билимлар тизимиdir. Зеро, диний гоя қарашлардан холи бўлган бирон бир халқ, элат ёки миллат йўқ. Шу маънода, дин моҳиятини умумийликдан хусусийликка ва ўз навбатида, яккаликка ўтиб бориш нуқтаи назаридан таҳлил этиш, табиий равишда, турли халқлар диний анъаналари ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва уларни объектив асослаш имконини беради.

Учинчидан, хукукий давлат ва фукаролик жамияти шароитида ўнинни маънавий маданиятнинг мұхим таркибий қисми сифатида янада чукурроқ асослаш ва тушунтиришда дин фалсафаси алоҳида ўрин тутади. Зеро, дин феноменини макон ва замон тақозосига кўра тадқик этиш орқали унинг улкан маънавий мазмуни ҳамда илм-маърифатни ривожлантириш, динлараро бағрикенглик мұхитини барқарор қилишдаги аҳамияти очиб берилади.

Тўртингидан, диний ҳаётни ўрганиш унда иштирок этаёган субъектлар фаолиятига таянишни тақозо этади. Шунга кўра, дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатига доир мұхим масалаларга ойдинлик киритилади. Ўсиб келаётган ёш авлод диний онги ва маданиятини

юксалтириш имкониятлари, уларни воқеликка айлантиришнинг таъсирчан ва самарали механизмлари ҳамда бу борада ҳар бир диний конфессия олдида турган улкан масъулиятли вазифалар аниқланади.

Бешинчидан, кўп конфессияли Ўзбекистон глобал диний маконда ўзига хос ўрин тутади. Шунга кўра, дунё динлари ўртасида кечайтган воқеа, ҳодисалар бизнинг заминимизга ҳам бевосита дахлдордир. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний соҳада глобаллашув жараёни таъсирида юзага келаётган ижобий ва салбий ўзгаришлар, тенденцияларнинг сабаблари ва оқибатлари билан боғлиқ масалалар дин фалсафасининг асосий мавзулари ҳисобланади.

Олтинчидан, мустақиллик туфайли диний-фалсафий йуналишда ижод килиб, ўзидан улкан илмий мерос қолдирган мутафаккир аждодларимизнинг қаравшлари объективлик асосида ўрганилмоқда. Шубҳасиз, бу миллий қадриятларимизни тиклаш, ёшларни тарихий хотирига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Дин фалсафаси жаҳон фани ҳазинасига ноёб дурдона бўлиб кирган аждодларимиз илмий меросини тарихийлик ва мантиқийлик тамойилларининг уйғулиги асосида тадқиқ қилиш, алломаларимиз асарларидаги ғояларни давримиз фани талабларига мувофиқ равишда тизимлаштиришга хизмат қиласи.

Дин фалсафаси улкан истиқболларга эга. Мустақиллик туфайли яратилаётган шароитлар эса бу борада янгидан-янги имкониятларни очиб бермокда. Фалсафий ҳамда диншунослик фанлари билан яқин ҳамкорликка таянган ҳолда дин фалсафаси ҳалқимиз маданиятида бағрикенглик анъаналарини янада барқарор қилиш, муқаддас ислом динимиз билан бир қаторда юртимизда мавжуд бўлган бошқа конфессиялар фаолиятини қўллаб-кувватлаш, диннинг гуманистик мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ва теран англаш, дин ниқоби остидаги вайронкор ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган илгор маънавий-

маърифий технологияларни яратиш билан боғлиқ муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишга қаратилган билимлар тизими сифатида республикамиз илмий салоҳиятини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси.– Тошкент: Узбекистон, 2010.
2. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т. 19.– Тошкент: Адолат, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагох каби мұқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йүлидан. 4-жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
8. Каримов И.А Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йүлидан. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни үз құлымиз билан қурамиз. 7-жилд - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 538 б.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биrimiz масъулмиз. 9-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йул демократик тараққиёт ва маърифий дүнә билан ҳамкорлик йүли. 11-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

14. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
15. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қаҷон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 262 б.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 2006.–280 б.
17. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, исло-ҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
18. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида.– 16-жилд. – Тошкент: 2008.
19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитига уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
21. Каримов И.А. БМТ саммити мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ. // “Ҳалқ сўзи”, 2010 йил 21 сентябрь.
22. Абдусамедов А.Э. Дин фалсафаси. – Тошкент: Университет, 2010.
23. Алексеев В.П. Избранное. В 5 томах. Историческая антропология и экология человека: — Санкт-Петербург, 2008 г.- 614 с.
24. Антропология. Фольклористика. Лингвистика. Выпуск 2: — Санкт-Петербург, Европейский университет в Санкт-Петербурге, 2002 г.- 448 с.
25. Беляев В.А. Проективная антропология: — Санкт-Петербург, ЛКИ, 2008 г.- 288 с.

26. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Тошкент: 1968.
27. Беруний, Абу Райхон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. – Тошкент: 1973.
28. Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II том. – Тошкент: 1968.
29. Борцов Ю.С. Социология. Учебное пособие:— Санкт-Петербург, Феникс, 2002 г.- 352 с.
30. Войцеховский С.Н., Орловская И.С. Социология и психология управления. Раздел "Социальное моделирование и программирование": — Санкт-Петербург, Петropolis, 2008 г.- 144 с.
31. Гегель, Георг Вильгельм Фридрих. Философия религии. В 2 томах. Том 2: — Санкт-Петербург, Российская политическая энциклопедия, 2007 г.- 384 с.
32. Георгиевский А.Б. Эволюционная антропология: — Санкт-Петербург, Нестор-История, 2009 г.- 256 с.
33. Глобализация и афро-азиатский мир. Методология и теория: — Москва, ИНИОН РАН, 2007 г.- 164 с.
34. Гуревич П.С. Религиоведение. Учебное пособие. Серия: Библиотека студента. – М.: Издательство МОДЭК. 2007. - 696 с.
35. Егорова И.В. Философская антропология Эриха Фромма: — Москва, ИФРАН, 2002 г.- 164 с.
36. Зеленков М.Ю. Мировые религии: история и современность. – М.: Юридический институт МИИТа, 2003.
37. Ильин В. В., Кармин А. С., Носович Н. В. Религиоведение: - Москва, Питер, 2006 г.- 240 с.
38. Макарова Л.С., Круковер В.И. Практическая социология: — Санкт-Петербург, Гамма Пресс 2000, 2003 г.- 272 с.
39. Матецкая А.В., Самыгин С.И. Религиоведение. Краткий курс. – М.: Издательство Феникс. 2008. - 224 с.

40. Мисюн А.В., Баканурский А.Г. Хрестоматия по истории мировой культуры: — Москва, Бурун Книга, 2009 г.- 656 с.
41. Москати С. Цивилизации Древнего Востока:— Санкт-Петербург, Центрполиграф, 2010 г.- 344 с.
42. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). — Тошкент: ЎФМЖ, 2004. – 196 б.
43. Никольская К.Д., Ключков И.С., Томашевич О.В., Ткаченко Г.А. История и культура Древнего Востока. Энциклопедический словарь: — Санкт-Петербург, Российская политическая энциклопедия, 2008 г.- 432 с.
44. Овчинникова А. Легенды и мифы Древнего Востока:— Москва, Северо-Запад, Феникс, 2006 г.- 464 с.
45. Очилдиев А.С. Маданият фалсафаси. — Тошкент: Мұхаррир, 2010.
46. Пивоваров Д. Онтология религии:— Санкт-Петербург, Владимир Даль, 2009 г.- 512 с.
47. Политыко С.Д. Антропология творчества: — Санкт-Петербург, 2003 г.- 120 с.
48. Религиоведение. Учебник: О. Ф. Лобазова — Москва, Дашков и Ко, 2004 г.- 384 с.
49. Религиоведение: И. Н. Яблоков — Санкт-Петербург, Гардарики, 2010 г.- 320 с.
50. Савельева И.М., Полетаев А.В. Социология знания о прошлом: — Санкт-Петербург, ГУ ВШЭ, 2005 г.- 344 с.
51. Социология./ Под редакцией Д. В. Иванова — Санкт-Петербург, Высшее образование, 2005 г.- 326 с.
52. Суряпин С. Ю., Явкина Т. Н. История Древнего мира: — Санкт-Петербург, Феникс, 2004 г.- 224 с.
53. Тегако Л.И., Марфина О.В. Практическая антропология: Учебное пособие: — Санкт-Петербург, 2003 г.- 320 с.
54. Тойнби Дж. А. Постижение истории. — М.: Прогресс. - 1996. - 608 с.
55. Тоффлер Э. Третья волна. — М.: АСТ, 1999. – 533 с.

56. Философский словарь:—Москва, Феникс, 2010 г.-576 с.
57. Философия в XX веке. В 2 частях. Часть 1: — Москва, ИНИОН РАН, 2001 г.- 196 с.
58. Философия религии: — Москва, МПСИ, МОДЭК, 2008г.- 600 с.
59. Философия религии: — Санкт-Петербург, МПСИ, МОДЭК, 2008 г.- 600 с.
60. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. — Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
61. Шермухамедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. — Тошкент: Фан, 2005.
62. Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности / Пер. с англ. А Башкирова. — М.: ООО Издательство АСТ: ООО Транзиткнига, 2004.
63. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис. — Москва, 1994. - № 1. — С.33-48.
64. Ҳұжамуродов И.Р., Якубов Ю.М. Ислом: жамият ва шахс. — Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007.
65. Эйкен Р. Основные проблемы современной философии религии: — Москва, Либроком, 2010 г.- 80 с.
66. Элбакян Е.С. Религиоведение. Словарь. Серия: Gaudeamus. — М.: Академический Проект. 2007. - 637 с.
67. Яблоков И.Н. Религиоведение. Учебное пособие – 2-е изд. — М.: Гардарики. 2008. - 319 с.
68. Языкович В.Р. Религиоведение. Курс лекций. — М.: РИВШ. 2007. - 348 с.
69. Янги ва энг янги давр Гарбий Европа фалсафаси, (XVII-XX асрлар) / С.Йұлдошев, М.Усмонов, Р.Каримов ва бошқ; Масъуль мұҳаррір А.Бегматов. — Тошкент: “Шарқ”, 2002.
70. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири (таржима ва тафсир муаллифи А.Мансуров). — Тошкент: “Тошкет ислом университети”, 2009.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИНИНГ РҮЙХАТИ

1. <http://www.philos.spb.ru>
2. http://society.polbu.ru/dobrynina_philosophyxx.
3. <http://www.sno.pro1.ru/lib/ciceron/7.htm>.
4. <http://webapologet.ru/apologet/apologhtml>.
5. <http://filosof.historic.ru>.
6. <http://www.nuru.ru/philos>.
7. <http://mirmax.chat.ru/pages/person/gegel.html>.
8. <http://ru.science.wikia.com>.
9. http://setensa.ru/ch1_vozniknoveniyu_srednevekovoi_filosofii-5.html.
10. <http://zoroastrian.ru/node>.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БЎЛИМ. ДИН ФАЛСАФАСИ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	8
1-мавзу. Дин фалсафасининг предмети, мақсад ва вазифалари.....	8
2-мавзу. Дин фалсафаси ривожланишининг асосий босқичлари.....	17
II БЎЛИМ. ДИННИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ.....	45
3-мавзу. Диннинг структуравий-функционал таҳлили.....	45
4-мавзу. Дин феноменологияси.....	66
5-мавзу. Фалсафий теология – дин фалсафасининг асосий йўналиши..	76
III БЎЛИМ. ДИН ВА МАЃНАВИЙ ҲАЁТ ДИАЛЕКТИКАСИ.....	87
6-мавзу. Диний-фалсафий антропологиянинг ўзига хос хусусиятлари..	87
7-мавзу. Дин ижтимоий-маданий ходиса сифатида.....	106
IV БЎЛИМ. ДИНИЙЛИК ВА ДУНЁВИЙЛИК УЙГУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ФУТУРОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	113
8-мавзу. Динийлик ва дунёвийлик тамойилларининг мазмуни.....	113
9-мавзу. Фан ва дин ўзаро ҳамкорлигининг истиқболлари.....	142
10-мавзу. Глобаллашув шароитида дунё диний манзарасининг ўзгариб бориш хусусиятлари.....	159
ХУЛОСА.....	171
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	174

Босишга рухсат этилди 07.09.2011. Офсет усулида чоп этилди.
Офсет қофоз. Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Нашр табоги 11,5.
Адади 300 нусха. Буюртма № 2715.

МЧЖ «REN-Poligraf» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Мукимий кўчаси, 178

